

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

САМАТОВА ГУЛМИРА БАХТИЁРОВНА

**ЎҚУВЧИЛАРДА ГРАФИК ЯСАШ КЎНИКМасини
РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ (МАКТАБ ГЕОМЕТРИЯ ФАНИДА
ПЛАНИМЕТРИЯ БЎЛИМИ МИСОЛИДА)**

**“МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” ИХТИСОСЛИГИ
БЎЙИЧА ЁЗГАН МАГИСТРЛИК ИШИ**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: п.ф.н. доц. М.Э.Носирова

ЖИЗЗАХ – 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1. И-БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРДА МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИНИНГ МАҚСАДИ, МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	
1.1. Умумий ўрта мактаб математика фанининг мақсади, мазмуни ва вазифалари	
1.1. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига математика фанини ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари ва тамойиллари	5
1.2. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига математика фанини ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари ва тамойиллари.....	24
II-БОБ. Ўқувчиларга мактаб математика фанини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш методикаси	
2.1. Умумий ўрта таълим мактаб математика фанини ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида геометрия фанини ўқитиш жараёнида ўқувчилар математик тайёргарлигининг мақсади, мазмуни ва методи	32
2.2. Умумий ўрта таълим мактаб математик фанини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитишнинг шакл ва воситалари	56
2.3. Математика фани бўйича ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган индивидуал ижодий машқлар мажмууси	75
ХУЛОСАЛАР	86
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	88

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши, “Таълим тўғрисида” ги қонуннинг Республика ҳудудида кучга киритилиши, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг қабул қилиниши, узлуксиз таълим тизимини мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими; олий таълим (бакалавриат ва магистратура); олий ўқув юритдан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим каби турларга ажратилиб амалга оширилиши, таълим тизимини ислоҳ қилинишида қатъий ўзгаришларнинг юзага келиши, айрим эски тизим тармоқлари ўрнини янгиси билан алмаштирилиши, таълим тизимининг янги такомил замон талаби даражасидаги мақсадга таянган тизимга ўтказилиши зарур эканлигини кўрсатди ва бу соҳани янада чуқурроқ ислоҳ қилиш зарурлигини белгилаб берди.

Баркамол авлодни тарбиялаш, етук мутахассисни тайёрлаш муаммолари таълим муассасаларида ўқитиладиган барча фанлар, жумладан, математика фанларининг мақсади, мазмуни, структураси ва вазифаларини қайта кўриб чиқиши талаб этади. Фан-техника тараққиётининг ютуқларини фанлар мазмунига сингдириш, ўқитиш воситаларини такомиллаштириш, бозор муносабатларига ўтаётган давлат ва жамиятнинг кадрларга бўлган талаблари асосида таълим жараёнини такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга эришиш учун бу каби вазифаларни амалга оширишда ҳар бир ўқув предмети ўз хиссасини қўшиши керак.

Ғарб давлатлари олимлари таклиф этган математика таълимининг янги концепциясига кўра:

- математика тайёр предмет сифатида эмас, балки инсон фаолияти сифатида қаралиши лозим;
- математикани ўрганишга мажбурлаш эмас, уни қўллаш керак;
- математикани ўқитиш ғояларни узатиш эмас, қайтадан янгиликни очиш шаклида бўлсин;
- борлиқ олам математиканинг иловаси эмас, балки ғояларнинг манбаига айлансин;
- асосий урғу алоҳида олинган фактларга эмас, балки математик ғоялар орасидаги боғланишларга берилиши керак;
- машқлар наборига эмас, курс мазмунининг бойлигига эътибор бериш лозим;
- математикани ўрганишда муҳими кўникма эмас, балки уни тушунишдир.

XX асрнинг ўрталарида умумий ўрта математика таълимининг асосий ўйналишлари сифатида унинг умумтаълимий; амалий, политехник;

ўқувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлашга ургу берадиган йўналишлари ажralиб чиқсан. Бу йўналишларнинг ҳар бири қолган иккитасига мълум бир маънода зид бўлиб, энг рационал ўқув дастурини қуриш масаласини қийинлаштиради. Математиканинг “классик” “ўзаги” ва “замонавий” мавзуларининг бир курс доирасида қўшилиши, мактаб дастурлари учун янги мавзуларни танлаш масалалари шулар жумласидан. Анъанавий мактаб математикаси мазмунини ташкил этувчи мавзуларнинг жуда кам қисмини дастурдан чиқариш мумкин ва бунинг ҳисобига замонавий математиканинг айрим тушунчаларинигина киритиш мумкин. Лекин янги киритилган тушунчалар «классик» тушунчалар билан ва аксинча боғланишда бўлишига ҳамма вақт ҳам эришиб бўлмайди. Масалан, 6-синф дастурига киритилган эҳтимоллик назариясининг энг содда тушунчалари на шу синф доирасида ва на юқори синфлар математикаси доирасида қўлланилади ёки ривожлантирилади.

Математика мазмунининг 1995 йил ва айниқса 1999 йилда амалга оширилган қайта ишлаб чиқилиши натижасида ўқувчини таълим жараёни обьектидан унинг субъектига айлантиришга ҳизмат қилувчи таълимни инсонпарварлаштириш ғоялари илгари сурилди. Бунинг натижасида математика таълимининг асосий йўналишлари сифатида математикани ўқитишида табақалаштирилганлик, умумтаълим математика фанининг гуманитар йўналиши, таълим жараёнини ўқувчи шахсига қараб йўналтириш асосида ўқитувчи ва ўқувчининг индивидуал хусусиятларини очишига эътибор кучайган.

**I-БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРДА
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИНИНГ МАҚСАДИ, МАЗМУНИ ВА
ВАЗИФАЛАРИ**

**1.1.§. Умумий ўрта мактаб математика фанининг мақсади, мазмуни
ва вазифалари**

Ўзбекистоннинг миллий мафкураси, маънавиятини шакллантириш, қарор топтиришда ҳалқ таълими тизимининг аҳамияти ниҳоятда салмоқлидир. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Конунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиши жорий этиш тўғрисида” 1998 йил 5-январдаги 5-сон ҳамда “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида” ги 1998 йил 18 май 203-қарорини ҳаётга жорий этиш мақсадида 16 август 1999 йил Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998-1999 ўқув йилида тажриба-синовдан ўтган “Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфлари учун математикадан Давлат таълим стандарти” тасдиқланди [9]. Ушбу Қарорда 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув дастурлари билан биргаликда қўйидагича босқичма-босқич жорий этиш кўрсатилди:

- 1999-2000 ўқув йили 5-6 синфлар;
- 2000-2001 ўқув йили 7-синф;
- 2001-2002 ўқув йили 8-синф;
- 2002-2003 ўқув йили 9-синф.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб берди. Бу билан ўқув дастурлари, дарслеклар, ўқув қўлланмалар, методик тавсиялар ва бошқа ўқув-методик адабиётлар учун асос бўлди.

Умумий ўрта таълим мактабларида математикани ўқитишдан кўзланган мақсад унинг жамият тараққиёти ва шахсни шакллантиришдаги ўрни билан аниқланади. Тарихдан математиканинг: амалий-инсон продуктив фаолияти учун зарур бўлган воситаларни яратиш, қўллашга ва руҳий-инсон тафаккури билан боғлик бўлган оламни идрок этиш, ўзгартеришга қаратилган математик методларни эгаллашга асосланган қирралари шаклланиб келган.

Математика ўсиб келаётган ёш авлодни камол топтиришда ўқув фани сифатида кенг имкониятларга эга. Математик тафаккур обьектлари ва уларни ясаш ҳақида мантиқий хуносалар чиқариш, мулоҳазаларни шакллантириш, асослаш ва исботлаш қўникмаларини шакллантиради ва бу асосда мантиқий

тафаккур ривожланади. Бундан ташқари алгоритмик тафаккурни шакллантириш, маълум бир алгоритм бўйича фаолият кўрсатиш ва янгиларини қуриш кўникмасини тарбиялади. Математикадан мисол ва масалаларни ечиш жараёнида тафаккурнинг ижодий ва амалий қирралари ривожланади.

Математик исботлардаги аниқ, қисқа, равон фикр юритиш, геометрик шаклларни тасаввур қилиш, улардаги симметрия, қатъий қонуниятлар асосида гўзалликни кўра олишга ўргатиш орқали ўқувчиларга эстетик таълим-тарбия берилади.

Улуғ алломаларимиз Ал-Хоразмий, Абу Носир Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абул Вафо Бузжоний, Гиёсиддин ал-Коший, Умар Хайём, Насриддин ат-Тусий, Мирзо Улуғбекларнинг математикага қўшган ҳиссаларини ўрганиш жараёни ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялади.

Педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Икромов раҳбарлигига ишлаб чиқилган умумий ўрта таълим мактаблари учун математикадан дастурда мактаб математикасининг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган [9].

Умумий ўрта таълим мактабларида математикани ўқитишдан кўзланган мақсадлар:

-ўқувчиларнинг ҳаётий тасаввурлари билан амалий фаолиятларини умумлаштириб бориб, математик тушунча ва муносабатларни улар томонидан онгли ўзлаштирилишига ҳамда ҳаётга татбиқ эта олишига интилиш;

-ўқувчиларда изчил мантикий фикрлашни шакллантириб бориши натижасида уларнинг ақл-заковат ривожига, табиат ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг мақбул йўлларини топа олишларига кўмаклашиш;

-инсоният камолоти, ҳаётнинг ривожи, техника ва технологиянинг такомиллашиб бориши асосида фанларнинг ўқитилишига бўлган талабларни ҳисобга олган ҳолда мактаб математика фанини уларнинг замонавий ривожи билан уйғулаштириш;

-ватанпарварлик, миллий ғурурни таркиб топтириш, ривожлантириш. Математика ривожига қомусий олимларимиз қўшган ҳиссаларидан ўқувчиларни хабардор қилиш;

-жамият тараққиётида математиканинг аҳамиятини ҳис қилган ҳолда умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида математика тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш;

-ўкув жараёнини демократиялаштириш, инсонпарварлаштиришга эришиш.

Қайд этилган мақсадлардан умумий ўрта таълим мактабларида математика ўқитишининг асосий вазифаси-ўкувчиларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга вижданан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш; таълимнинг инсонпарфар бўлишига эришиш; ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир жамият аъзосининг меҳнат фаолияти ва кундалик ҳаёти учун зарур бўлган математик билим, қўникма ва малакани бериш келиб чиқади. Бунинг натижасида умумий таълим асосида академик лицей, касб-хунар коллежларида билим олишни давом эттириш учун етарли бўладиган математик билим ва қўникмалар тизимини ўқувчиларнинг мустаҳкам ва онгли эгаллашларига эришилади.

Математика ўқувчиларда ирода, дикқатни тўплаб олишни, қобилият ва фаолликни, тасаввурини, шахснинг аҳлоқий сифатларини (қатъиятли, аниқ мақсадга интилиш, ижодкор, мустақил, маъсулиятли, меҳнатсевар, интизомли ва танқидий фикрлаш) ҳамда ўзининг қараш ва эътиқодларини далиллар асосида ҳимоя қила олиш қўникмаларини ривожлантиради.

Математикани ўрганиш жараёнида инсон тафаккурининг усул ва методлари қаторига индукция ва дедукция, умумлаштириш ва аниқлаштириш, анализ ва синтез, абстракциялаш, аналогия, таснифлаш ва системалаштириш кабилар қўшилади.

Математикани ўрганишда ўқувчилар ўзларининг фикр, мулоҳазаларини аниқ ва тугал, лўнда ва мазмунли баён қилишга, математик ёзувларни тушунарли, батартиб, бажариш малакаларини эгаллайдилар.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ўргангандан психолог олимлар Л.С.Выготский, В.В.Давыдов, Д.Б.Эльконин, П.Я.Гальперин, Н.Ф.Талызина, Е.Н.Кабанова-Меллер, А.Н.Леонтьев ва бошқалар таълимнинг бош мазмунини масалаларни ечишда қўлланиладиган умумий усуллар ташкил этган бўлиб, ўқувчилар фаолияти бу усулларни эгаллашга қаратилган бўлиши лозим дейдилар. Математик фаолиятни ўргатиш назарияси асосчилари (А.А.Столяр, В.А.Байдак, О.Б.Епишева) унинг қуйидаги босқичларига эътибор қаратганлар:

-эмпирик материални математика тилига ўтказиш, яъни математик моделни қуриш;

-математик материални мантикий ташкил этиш, яъни биринчи босқичда олинган моделни тадқиқ этиш;

-математик назарияни қўллаш.

Моделлаштириш усулларидан бири бу графли моделни қуриш бўлиб, ундан математик масалаларни ечиш, математика ўқитиш методикасининг маҳсус ёки хусусий масалаларини ҳал этишда, математик тушунчаларни ўрганиш воситаси сифатида ва бошқа ҳолларда фойдаланилади. Н.А.Жигачеванинг 7-синф алгебра фанини ўқитишда сюжетли масалаларни ечиш жараёнига графли моделлаштиришни мақсадли қўллаш методикасига бағишлиган тадқиқот ишида масалаларни ечишнинг таркибий элементлари ва бу элементларни боғловчи муносабатлар аниқланган; бу муносабатларни моделлаштирувчи графлар тузилган, улар асосида қийин ечиладиган масалалар тавсифланган; масалаларни ечишда графлардан фойдаланишининг педагогик-психологик шарт-шароитлари аниқланган [26].

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ўқув режасида I-IX синфларда математика дарслари учун ҳафтасига 5 соатдан белгиланган бўлиб, ўқувчилар тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий минимал талабларга кўра ўқувчилар математикадан қўйидаги билим, қўнікма ва малакаларга эга бўлишлари керак

а)бошлангич синфларда:

-сонларни ўқишиш ва ёзишиш, уларни хона қўшилувчиларининг йигиндиси кўринидаги ёзувини тушуниш;

-саноқ техникасини эгаллаш (тўғри ва тескари тартибда санаш, жуфтликлар ва ўнликлар билан санаш, сондан олдин ва кейин келувчи сонни айтиш);

-натурал сонларни ўзаро таққослаш «>», «<» ва «==» белгиларини тўғри қўллаш;

-сонларни ёзма қўшишиш, уч хонали ва тўрт хонали сонларни айриш, бир хонали ва икки хонали сонга кўпайтириш ва бўлиш;

-қўшишиш, айриш, кўпайтириш ва бўлишнинг жадвалли ҳоллари натижаларини билиш, мураккаб бўлмаган ҳолларда 100 ичида оғзаки ҳисоблашларни бажара олиш;

- “йигинди”, “айирма”, “кўпайтма” ва “бўлинма” атамалари маъносини тушуниш ва сонли ифодаларни ўқишида уларни қўллай олиш;

-2,3 амалли сонли (шу жумладан, қавсли) ифоданинг қийматини топиш;

- “...та ортиқ”, “...та кам”, “2...марта ортиқ”, “...марта кам” муносабатларининг, “ҳаммаси”, “қолди”, “тeng” муносабатларининг маъносини тушуниш ва уларга таянган ҳолда содда масалаларни еча олиш;

-микдорлар (маҳсулот нархи, микдори ва қиймати, тўғри чизиқли ҳаракатда йўл, тезлик ва вақт) орасидаги боғланишларни қўллаб, амалий мазмундаги масалаларни ечиш;

- “ярми”, “учдан бири”, “тўртдан бири” атамалари маъносини тушуниш ва уларни қўллаш, касрлар ёрдамида улушларни ёзиш, доира ва бошқа геометрик фигуralар моделида $1/2$, $1/3$ ларни кўрсатиш, амалий мазмундаги масалаларни ечишда соннинг улушкини ва улушкига кўра сонни топа олиш.

-расмларда кесма, учбурчак, тўртбурчаклар (жумладан, тўғри тўртбурчак ва квадратлар), бешбурчак айланани таниш;

-теварак атрофдаги геометрик шаклларни таниш ва топа олиш;

-кесма узунлигини ўлчаш, берилган узунликдаги кесмани ясаш, кесма узунлигини кўз билан чамалаб ўлчай олиш;

-чиғич ва циркулдан фойдаланиб тўғри тўртбурчак, квадрат, учбурчак ва айланалар ясай олиш;

-кўпбурчак периметрини, тўғри тўртбурчак юзини ва квадрат бирликлардан тузилган фигуralарнинг юзини ҳисоблай олиш;

-узунлик (мм, см, м, км) ва юза (см.кв, дм.кв, м.кв) ўлчови бирликларини, улар орасидаги асосий нисбатларни билиш, уларни ўз ўрнида қўллай олиш.

б) V-IX синфларда:

-натурал, бутун, рационал ва ҳақиқий сонлар ҳақида тушунчага эга бўлиш ва уларга оид ҳисоблашларни бажара олиш;

-сонларнинг ўрта арифметиги, нисбат, пропорция ва фоизларни билиш, уларни қўллай олиш;

-сонли ва ҳарфий ифодалар ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

-буюк алломаларимиз ва уларнинг математика ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

-формулалар ёрдамида ҳисоблашларни бажара олиш;

-тенглама, унинг илдизи тушунчаларининг маъносини билиш;

-чизиқли ва квадрат тенгламалар, икки номаълумли тенгламалар системасини еча олиш;

-сон ўқида ва координата текислигида нуқтани ифодалай олиш;

-икки нуқта орасидаги масофани топа олиш;

-график ва диаграммалар чиза олиш;

-алгебраик ифодаларнинг сон қийматини топа олиш;

-кўпхадлар устида арифметик амалларни бажара олиш ва уларни стандарт кўринишга келтира олиш;

-қисқа кўпайтириш айниятларини билиш ва қўллай олиш;

-даражা қатнашган каср ва ифодалар устида амалларни бажара олиш;

-бир номаълумли тенгизликларни еча олиш;

-арифметик ва геометрик прогрессияларни билиш, уларнинг исталган ҳадини ва ҳадлар йигиндисини ҳисоблай олиш;

- асосий тригонометрик функцияларнинг графиги ва хоссаларини, асосий тригонометрик айниятларни билиш ва қўллай олиш;
- алгебраик формулалар ва ҳисоблашларга оид масалаларни еча олиш;
- асосий геометрик фигуralар ва содда геометрик жисмларга оид тушунча ва атамаларни билиш;
- чизмачилик асбоблари ёрдамида геометрик фигуralарни текислиқда тасвирлай олиш;
- геометрик масалаларни еча олиш;
- геометрия фанидан олинган билимларни ижтимоий ҳаётда қўллай олиш.

Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишининг муҳим шарти ўқитувчиларнинг ўқитиш усули ва йўлларининг мақбул тизимини танлашдан ҳамда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг математик тайёргарлик даражаси, умумий ўқув кўникмаларининг ривожланганлигига, ҳал этилаётган таълим-тарбиявий масалаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уйғунлаштиришдан иборат.

Мактаб ўқувчиларининг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашни тўғри ташкил этиш орқали улардаги фаолликни бошқариш мумкин.

Н.А.Курдюкова мактаб баҳосининг объективлиги ва уни таълим жараёнидаги аҳамиятига таълим жараёни иштирокчилари томонидан таъсир этувчи психологик факторларни ўрганган. Унда қуйидаги ҳуносаларга келинган:

- ўқитувчи томонидан ўқувчиларга қўйиладиган баҳолар субъективдир;
- баҳонинг субъективлиги ўқитувчининг субъектив баҳолаш шкаласига таъсир этувчи шахсий ва таълим жараёнини бошқариш хусусиятларига боғлик;
- кўпчилик ўқитувчилар баҳога катта эътибор қаратиб, ўқувчиларни баҳолашда унинг таълим жараёнидаги аҳамиятини сусайтирувчи методик камчиликларга йўл қўядилар;
- юқори синф ўқувчилари учун баҳонинг аҳамияти пасайиб, ота-оналарнинг унга бўлган эътибори кучаяди;
- баҳонинг объективлигини ошириш мақсадида педагогика олий ўқув юртларида баҳолаш фаолиятидан практикум ташкил этиш керак.

Диссертация тадқиқотининг янгилиги - биринчи маротаба мактаб баҳосига педагогик жараённинг барча иштирокчилари: ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар нуктаи назаридан қаралган; ўқитувчи томонидан қўйиладиган баҳоларнинг субъективлигига таъсир этувчи психологик факторлар тадқиқ қилинган; таълим жараёнини турлича бошқарувчи ўқитувчилар баҳолаш жараёнининг психологик-педагогик хусусиятлари;

ўқувчилар ўзлаштириш даражаси уларнинг шахсий ва нейродинамик хусусиятларига боғлиқлиги кўрсатилган [30].

Ўқувчилар билим, қўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш на факат ўқитувчи, балки ўқувчиларнинг ўзлари томонидан ҳам олиб борилиши таълим самарадорлигига ижобий таъсир этади.

Математикадан дарсларни режалаштириш ва ташкил этишда ўтилган мавзуларни амалий машғулотлар жараёнида ўқувчилар қўпроқ англаб олиши ва ўзлаштиришига қаратиш муҳим. Бунинг учун эса ҳам назарияни ўрганишда, ҳам масалалар ечишда, оғзаки ва ёзма кўринишдаги ишларни рационал тарзда олиб бориш лозим.

Ўқувчиларга ўкув материалини баён этишда назарий материаллар Билан уларни тасдиқловчи фактлар нисбати қуидаги даражаларда бўлиши мумкин:

1-даражада. Фактлар мажмуаси асосида маълум бир назария, қонуниятни келтириб чиқаришга қаратилган тушунтириш.

2-даражада. Ҳар бир назарий қонуният фактлар Билан асосланади.

3-даражада. Назария минимал сондаги зарур ва етарли фактлар асосида баён этилади.

Ўқувчилар томонидан ўкув материалини ўзлаштирилганлиги келтирилган даражалар мутаносиблигига боғлиқ. Билимларни продуктив эгаллаш учун қуидаги комбинациялардан бирини қўллаш зарур: 1 ва 3; 2 ва 3; 1 ва 2. [23].

Аниқ фанлар, жумладан математика фани ижтимоий-гуманитар фанларга нисбатан жамиятдаги ўзгаришларга таъсирчан эмас. Агар ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактабларида амалдаги дастур [9] билан унга қадар мавжуд бўлган умумтаълим мактабларининг V-IX синфлари учун математика фани дастурини [10] унда белгиланган математика таълимининг мақсад ва вазифалари, мазмuni бўйича таққосласак жуда катта фарқни учратмаймиз. Қуида [9] ва [10] дастурларнинг мавзулар ва уларга ажратилган соатлар ҳажми бўйича таҳлилини келтирамиз:

V синф			
1999 йил тасдиқланган дастур		1991 йил тасдиқланган дастур	
Мавзу	Соат	Мавзу	Соат
Бошланғич синфларда ўтилганларни такрорлаш	4		
Натурал сонлар	83	Натурал сонлар	24
		Натурал сонларни кўпайтириш ва бўлиш	26
		Бурчак. Учбурчак. Тўртбурчак.	18

Каср сонлар	79	Каср сонлар. Ўнли касрларни кўшиш ва айриш.	34
		Ўнли касрларни кўпайтириш ва бўлиш	53
Такрорлаш	4	Такрорлаш. Мисоллар ечиш	15

VI синф

1999 йил тасдиқланган дастур		1991 йил тасдиқланган дастур	
Мавзу	Соат	Мавзу	Соат
5-синифарда ўтилганларни такрорлаш	4	Натурал сонларнинг бўлиниши.	17
Ўнли касрлар	85	Оддий касрларнинг умумий хоссалари. Кўшиш ва айриш.	16
Рационал сонлар ва улар устида амаллар	60	Касрларни шакл алмаштириш. Оддий касрларни кўпайтириш.	12
Масала ечиш усуллари	8	Оддий касрларни бўлиш. Пропорция.	49
Эҳтимоллик элементлари	8	Мусбат ва манфий сонлар. Тўғри бурчакли координаталар системаси.	23
6-синифарда ўтилганларни такрорлаш	4	Рационал сонлар устида амаллар.	38
		Такрорлаш. Мисоллар ечиш	15

VII синф Алгебра

1999 йил тасдиқланган дастур		1991 йил тасдиқланган дастур	
Мавзу	Соат	Мавзу	Соат
Алгебраик ифодалар	10	Алгебраик ифодалар	10
Бир номаълумли биринчи даражали тенгламалар	8	Бир номаълумли биринчи даражали тенгламалар	10
Бирҳадлар ва кўпҳадлар	18	Бирҳадлар ва кўпҳадлар	20
Кўпҳадни кўпайтиувчиларга ажратиш	16	Кўпҳадни кўпайтиувчиларга ажратиш	19
Алгебраик касрлар	20	Алгебраик касрлар	24
Чизиқли функция ва унинг хоссалари	10	Чизиқли функция ва унинг хоссалари	12

Икки номаълумли иккита чизиқли тенгламалар системаси	15	Икки номаълумли иккита чизиқли тенгламалар системаси	15
Такрорлаш	5	Такрорлаш. Мисоллар ечиш	10
Геометрия			
Бошланғич геометрик маълумотлар	20	Бошланғич геометрик маълумотлар	11
Учбурчаклар	24	Учбурчаклар тенглиги	21
Параллел тўғри чизиқлар	8	Учбурчак бурчакларининг йифиндиси	14
Параллелограмм ва унинг турлари	5	Такрорлаш. Масалалар ечиш	4
Фалес теоремаси ва унинг натижалари	4		
Геометрия фанини аксиоматик қуриш	3		
Такрорлаш	3		
VIII синф Алгебра			
1999 йил тасдиқланган дастур		1991 йил тасдиқланган дастур	
Мавзуу	Соат	Мавзуу	Соат
7-синф фанини такрорлаш	3		
Тенгсизликлар	16	Тенгсизликлар	18
Тақрибий ҳисоблашлар	6	Тақрибий ҳисоблашлар	12
Квадрат илдизлар	14	Квадрат илдизлар	14
Квадрат тенгламалар	22	Квадрат тенгламалар	22
Квадрат функция	16	Квадрат функция	16
Квадрат тенгсизликлар	12	Квадрат тенгсизликлар	10
Рационал кўрсаткичли даражা	9		
Такрорлаш	4	Такрорлаш. Мисоллар ечиш	10
Геометрия			
Юзлар	8	Бошланғич геометрик маълумотлар	11
Пифагор теоремаси	7	Учбурчаклар тенглиги	21
Учбурчакдаги метрик	5	Учбурчак	14

муносабатлар		бурчакларининг йигиндиси	
Тўғри бурчакли учбуручакда томонлар Билан бурчаклар орасидаги муносабатлар	14	Такрорлаш. Масалалар ечиш	4
Айлана ва кўпбурчаклар	11		
Айлана узунлиги ва доира юзи	8		
Векторлар	8		
Ўхшаш фигуralар	5		
Такрорлаш	2		

IX синф Алгебра			
1999 йил тасдиқланган дастур		1991 йил тасдиқланган дастур	
Мавзуу	Соат	Мавзуу	Соат
8-синф фанини такрорлаш	3	Микрокалькуляторда ҳисоблаш	12
Даражали функция	10	Бутун кўрсаткичли даражা	8
Тригонометрия элементлари	31	Даражали функция	18
Прогрессиялар	16	Тригонометрия элементлари	25
Кўрсаткичли функция	12	Прогрессиялар	14
Логарифмик функция	18		
Элементар функциялар	8		
Якуний такрорлаш	4		
Такрорлаш	4	Такрорлаш. Мисоллар ечиш	25
Геометрия			
Стереометрия аксиомалари ва унинг содда натижалари	6	Векторлар	12
Тўғри чизиқлар ва текисликларининг параллеллиги перпендикулярлиги	18	Фигуralар ўхшашлиги	18
Кўпёқлар	10	Кўпбурчаклар	16
Айланиш жисмлари	6	Юзалар	12
Кўпёқларнинг ён ва тўла сиртлари	7	Такрорлаш. Масалалар ечиш	10
Айланиш жисмлари	6		
Кўпёқларнинг ён ва тўла сиртлари	7		

Фазовий жисмларнинг ҳажмлари	11		
Якуний такрорлаш	4		

Бу дастурларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 1991 йилда тасдиқланган дастурда шу вақтда дарслик сифатида нашрдан чиққан альтернатив адабиётларга мос равишда вариатив дастурлар келтирилган. Масалан, 7-9 синфлар учун Ю.Н.Макарычев в.б. томонидан ёзилган «Алгебра» дарслиги билан бир вақтда Ш.А.Алимов в.б. томонидан ёзилган «Алгебра» дарслигига, геометрия фани учун эса А.В.Погорелов дарслиги билан Л.С.Атанасян в.б. томонидан ёзилган дарсликларга мос равишда тузилган математика мазмуни келтирилган. Республикаиз мактабларида ҳам асосан Ш.Алимов, А.В.Погорелов дарсликларидан фойдаланилганлиги сабабли, келтирган жадвалларда шу дарсликларига мос келувчи дастур мазмунини келтирғанмиз.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, [10] - дастурда ҳар бир мавзуни ўқитишидан кўзланган мақсаднинг келтирилиши ўқитувчилар учун ҳам назарий, ҳам методик ёрдам бўлган. [9]-дастурда эса хаттоқи дастурни амалга ошириш учун ўқитувчиларга адабиётлар ҳам тавсия этилмаган. Бу дастур асосида ёзилган дарсликлар шошма-шошарлик билан, кўпчилик мактаб ўқитувчилари, методист олимлар муҳокамасига қўйилмасдан нашр қилиниши, ҳар ўкув йили бошида янги дарсликнинг ўкув жараёнига кириб келишига сабаб бўлди. Бундай ҳол на факт ўқитувчилар, балки ота-оналар учун ҳам қийинчиликлар келтириб чиқарди.

Агар юқорида келтирилган жадвалларни диққат билан ўрганиб чиқсак, умумий ҳолда V-IX синфлар математика мазмуни 1991 йилда қандай бўлган бўлса шундайлигича қолдирилган. 1999 йилда белгиланган математика мазмунига 6-синфда эҳтимоллик элементлари, 9-синфда геометриянинг стереометрия бўлими киритилган.

Мактабларнинг математика ўқитувчилари, методист олимларнинг фикр-мулоҳазалари асосида ҳозирги кунда стереометрия элементлари 9-синф математика мазмунидан чиқарилган, лекин эҳтимоллик элементлари 6-синф режасига қандай киритилган бўлса шундайлигича, денгиздаги «оролча»дек қолган. Бу мавзуга ўрта маҳсус, касб-хунар таълимидағина қайтилади.

Геометрик материалларни ўргатиш методикаси.

Мавзу бўйича талабаларнинг билим ва кўникмаларига талаблар:

Ҳар бир талаба:

- бошланғич синфлар учун математика курси бўйича геометрик материалларни ўрганиш вазифаларини;

- Математика бошланғич курсига киритилган геометрик хақтердаги масалаларни ҳамда уларни ўрганиш тартибини;
- Геометрик материаллар билан танишув туфайли ўзлаштиришга хизмат қилувчи арифметик масалаларни;
- Геометрик тасоввурларни шакллантириш методлари ва усулларини;
- Ўқувчилар томонидан ечиш жараёнида геометрик хақтердаги масалаларни ўзлаштириб олишга хизматқилувчи машқларни ;
- Геометрик материалларни ўрганиш давомида фойдаланиладиган кўргазмалиқўлланмалар ва дидактик ўйинларни;
- Геометрик мазмундаги масалаларнинг ўзлаштирилишини текширишнинг турлича кўринишлари, шакли ва усулларини билиши керак.

Шунингдек ҳар бир талаба:

- Ўқитиши давомида геометрик элементлар бўлган арифметик материалларнинг ўзаро алоқасининг татбиқ этилишини билиши;
- Геометрик тасаввурларни шакллантириш метод ва усулларини мақсад сари йўналтириб, қўллай олиши;
- Геометрия элементлари бўлган машқларни танлаб олабилиши ва мақсад сари йўналтира олиши;
- Геометрик мисолларни ўрганишга хизматқилувчи кўргазмалиқўлланмалар ва дидактик ўйинлардан фойдалана олиши;
- Геометрия элементларини ўзлаштиришни текширишнинг турлича кўринишларини, шакл ва усулларини қўллай олиши;
- Текширув мақсадларига мос синов топшириклари ва мустакил ишларни тузса олиши керак.

Геометрия материалини ўрганиш методикасининг умумий тавсифномаси (характеристикаси)

Геометрик материал бошланғич синфлар учун мустакил бўлим сифатида ўқув дастурига киритилмайди. Ўқув жараёнида геометрия элементларини ўрганиш билан бевосита боғлаб олиб борилади.

Геометрик мазмундаги масалаларни ечиш, ҳисоб-китобга ўргатиш давомида геометрик фигуранлардан, дидактик материал сифатида фойдаланиш - буларнинг барчаси ўқувчиларнинг геометрик таасуротларини мустаҳкамлашга имкон беради.

Геометрик материалларни ўрганиш:

- Геометрик фигуранлар ҳақидаги тасоввурлар заҳирасини тўплашга (кенгайтиришга);
- фазовий фикрлашни тараққий эттириш, таҳлилқилиш, умумлаштириш, тасоввур этиш қўнималарини шакллантиришга;
- муҳим амалий қўнималарни ривожлантиришга;
- болаларни кейинчалик геометрияни ўрганишга тайёрлашга хизматқилади.

«10 гача бўлган рақамларни рақамлаш» мавзусини ўрганишда болалар нукта ва кесмалар билан танишадилар, улардаги учбурчак, тўртбурчак, бешбурчаклар ва бошқа кўпбурчаклар ҳақидаги тушунчалари кенгаяди.

«100 рақамигача бўлган сонларниқўшиш ва айириш» мавзусини ўрганишда эса тўғрибурчак, тўғрибурчакли тўртбурчак, квадратлар, кўпбурчакларнинг бир қўриниши сифатида ўрганадилар .

2- ва 3-синфларда геометрик фигуранлари ҳақида тасаввур кенгаяди ва чуқурлашади. Бундай тасаввурларни шакллантиришдақуйидаги топшириқлардан фойдаланиш мумкин:

а) Геометрик фигуранлар ва уларнинг элементлари чизилади. (Бу ҳолатда зарурий атамалар ўрганилади, геометрик фигуранларни таниб олиш ва ўзаро фарқлаш кўникмалари шаклланади.

б) Катак дафтарда чизғич ва учбурчак фигуранларни ясаш.

д) Фигуранларни гурухларга ажратиш.

е) Фигуранларниқисмларга ажратиш ва буқисмлардан бошқа фигуранлар ясаш.

ф) Турли предметлар ва уларқисмларининг геометрик шаклни яратиш.

г) (3-синфда) шартли белгилар ёрдамида геометрик чизмаларни ўқий олиш кўникмаларини шакллантириш.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида геометрик тасаввурни шакллантириш методикасида маълум шаклдаги реал предметдан унинг тасвири томон ва аксинча, тасвирдан реал предмет сари бормоқ керак.

Геометрик элементларни ўрганишдақуйидаги методлардан масалан; геометрик моделлаштиришдан фойдаланиш, қофоз, чўплар, пластилин ва симлардан фигуранларнинг моделларини ясаш, қофозда геометрик фигуранларни чизиш - болалар онгода геометрик тасоввурни ривожлантиришга омил бўлади. Бундай шароитда материалнинг тури, ранги, ўлчамлари, текисликдаги ҳолатини назарда тутмаган ҳолда фигуранларни шундай танлаш керакки, болалар уларнинг асосий белгиларини (шакли, геометрик сифатларини) аниқлай олсинлар. Шунга диққатқаратиш керакки, ўқувчилар геометрик фигуранларнинг барча сифатларини ажрата билсинлар. Бу фигуранлар тасаввурнинг тўғри бўлишига ёрдам беради. Масалан, тўғрибурчакли тўртбуракни ўрганиш жараёнида болалар унинг икки асосий сифати-тўртбурчак эканлиги ва бурчаклари тўғри эканлигини тушуниб этишлари керак.

Геометриянинг мактаб курсида унинг асосий тушунчалари синфдан синфга ўтган сари ўзгариб боради, Масалан, «кесма», «бурчак», «кўпбурчак» каби тушунчалар ноаниқ тушунчалар гурухига киради. Шунинг учун бошланғич синф ўқувчиларига «Учбурчак нима?» деб савол бериш нотўғри бўлар эди. Лекин бу саволни бошқа шаклда, «Учбурчак ҳақида нима дея оласиз?» деган саволга болалар ўз билими доирасида жавоб бера оладилар (учбурчакнинг учта бурчак, учта томонлари бор).

куйи синф ўқувчиларини геометрик фигуранлар билан таништиришни эрта бошлашга бўлган ҳаракат нафақат дастурий талабларни оширишга, шу билан бирга материални нотўғри ўзлашти-ришгақадар хатоларга йўлқўйишга, масалан, ўқувчилар квадратнинг тўғри бурчакли тўртбурчак эканлигини сезмайдилар, кўпбурчакли фигуранлар ҳисобига фақат беш-олти бурчакли фигуранларни киритадилар.

Бошланғич синфларда геометрик материални ўрганишда болалар энг оддий тушунчалар: түғри ва түғри бўлмаган бурчаклар, кўп бурчакли фигуralар (бурчаклар сонига кўра учбурчак, тўртбурчак, бешбурчак) билан танишадилар.

Машғулотни шундай тартибда олиб бориш керакки, унда болалар квадратни тўғри тўртбурчак, тўртбурчак ёки кўпбурчакли фигура деб атай олсинлар.

Геометрик материални ўрганишда чизма ва ўлчов асбоблариниқўллаш, оддий чизмаларни чизиш, геометрик фигуralар тасвирини ясаш билан боғлик бўлган мунтазам амалий ишлар болаларда тегишли кўникмалар ҳосилқилишга хизматқилади. Бундай холатларда бажарилаётган ишларни сўзлар билан тарифлай олиш, дастурда кўзда тутилган символика(белги,рамз) ва атамаларниқўллай олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуни ҳам назарда тутиш ғарурки, бошланғич синфларда олинган геометрик фигуralарни ясаш ва ўлчашга доир кўникмалар болалар онгida узоқ вақтлар сақланибқолади.

курилмаларнинг аниқлиги ва ўлчашга оид дастлабки тасоввурлар болалар онгida бошланғич синфлардаёқ шакллана бошлайди. Бошланғич синф ўқувчилари чизгич ёрдамида кесмаларни 1 см.гача аниқлик билан ўлчаш кўникмасига эга бўлишлари керак. Бундай шароитда зарурий амалий ишларни бажарилиши аниқлигини мунтазам кузатиб бориш зарур бўлади. Чизиш асбоблари ва қаламлардан фойдаланишда болалар олдига ёзиш ва ҳисоблаш кўникмаларини шакллантириш каби жиддий талабларкўйиш керак.

Чизиш ва ўлчашга оид кўникмаларни шакллантириш ишларини аста - секин ва изчиллик билан, бунинг учун нафақат математика, бошқа фанлардан, жумладан, меҳнат дарси, тасвирий санъат, табиатшунослик машғулотларидан ҳам фойдаланиш лозим.

Ўқувчиларни геометрик фигуralар билан таништириш методикаси.

Мавзуни ўрганишдан мақсад.

1.Нуқта, кесма, бурчак, кўпбурчак, тўғрибурчак, квадрат каби геометрик фигуralар ҳақида аниқ тасаввурларни шакллантириш.

2.Чизиш асбоблари ёрдамида ва уларсиз геометрик фигуralар ясаш учун амалий тажриба ва кўникмаларни шакллантириш.

3.Ўқувчиларнинг фазовий тасеввурларини ривожлантириш.

Бошланғич синфлар ўқувчиларининг геометрик фигуralар ҳақидаги тасоввурларини шакллантириш методикаси юқорида зикр этилган вазифалар алоҳидақўяди вакуийдаги босқичларни ўз ичига олади:

I босқич (тайёрлов) - Болаларда бўлган геометрик фигуralар ҳақидаги умумий тасоввурларни аниқлаш. (болаларнинг ҳаётый тажрибаси, модел фигуralардан фойдаланиб, амалий ишларни бажариш).

II босқич - Ўқувчилар билан амалий ишлар асосида уларда геометрик фигуralар ҳақидаги тасоввурларни шакллантириш.

III босқич – Ўрганилган материални хотираада мустаҳкам сақлабқолиши учун фигуralар ясашга оид маҳсус танланган машқ ва масалаларни бажариш.

Ўқувчиларда геометрик фигуранлар ҳақидаги умумий тасаввурлари» 10 гача бўлган сонларни ўрганиш» мавзусини ўтиш давомида яна бир бор аниқланади. Дастроба бу фигуранлар (айлана, учбурчак, квадрат ва ҳоказолар) материали сифатида фойдаланилади. Унда болалар ҳисоб - китобни бундай фигуранлар ёрдамида, масалан, 3 та квадрат, 8 та айлана, 5 та учбурчак каби, катта ёки кичик учбурчаклар, қизил ёки зангори доираларни санаш йўли билан, олиб борадилар.

Бундай шароитда геометрик фигуранларнинг номлари ва талаффузига диққатқаратилилади. «Кесма» ҳақида гап борганда, ўқитувчи яқин атрофдаги предметлар – (қалам, чизғич)дан фойдаланиб, кесманиқоғоздақандай тасвир этиш лозимлигини кўрсатади.

Болалар мавжуд материаллардан – (доска ёки столнингқирраси), сўнгра, геометрик фигуранлардан (учбурчак томонлари) кесмаларни топишни ўрганадилар. Бундай ҳолатда болаларни «нуқта» ва «кеスマ» тушунчаларини аниқ кўрсата олишга ўргатиш жуда муҳимдир. Кесмаларни ясашга оид кўнилмаларни шакллантириш жараёнида чизмаларнинг аниқлиги ва сифатига талабни кучайтириш керак. Дастробки онларданоқ чизғич, қалам, қўлнинг ҳолатининг тўғри бўлишини назоратда ушлаш лозим. Болаларни кесмалар ясашга ўргатишга доир машғулотдан кичик парча келтирамиз.

Болалар ўқитувчининг топшириғи билан катак дафтар сахифаси бошидан 2 та ва чапдан 3 катак ташлаб, нуқтақўядилар. Сўнгра бу нуқтадан ўнгга 5 пастга 2 катак ташлаб, 2 нуқтаниқўядилар. Сўнг бу нуқталарни чизғич ёрдамида бирлаштирадилар (чизғични чапқўл билан ушлаб, ўнгкўл билан чизадилар).

Сўнг дафтарнинг юқориқисмида бир нуқтани танлаб, уни ясалган кесманинг чап томонидаги нуқтасига томон яна бир тик кесма туширадилар.

Болаларнинг тўғри бурчак билан таништиришда шундай амалий машқни бажариш мумкин:

Ўқитувчи болаларга бир варакданқоғоз олиб, уни аввал ўртасидан буклашни, сўнг яна бир бор буклашни кўрсатади.

Бу ишларни ўқитувчи бажарганда ҳамма болалар кўриб туриши лозим. Сўнг болаларга ҳосил бўлган бурчак - тўғри бурчак модели экани тушунтирилади. Ўқитувчи бурчакнинг баландлиги ва томонларини кўрсатади.

Сўнг сухбат ўтказилади:

- қандай фигура ҳосил бўлди? (Тўғри бурчак).
- унинг томонлари ва баландлигини кўрсатинг.
- Енди ўзингиз ясаган тўғри бурчакни солиштиринг

Бунинг учун уларнинг бирини иккинчиси устига шундайқўйингки, томонлари бир-бирига тўғри келиб бурчакнингқуиқисми иккинчи бурчакнингқуиқисмига жойлашсин. (ўқувчилар ҳам ўқитувчи билан бирга бурчакларни таққослайдилар);

– Бурчакнинг бошқа томонлари ҳақида яна нима дейиш мумкин.(Бу томонлар ҳам мос тушди)

– Түғри бурчаклар тенг келди. Үзингиз ясаган учбурчакдан түғри бурчакни топинг.(бурчакларни бир-бири устигақыйиб, учбурчақдаги бурчак ҳам түғри эканлигини аниқлайдилар).

қўлларида бўлган түғри бурчак модели билан ушбу тасвиридаги түғри бурчакларни аниқлаб, унинг баландлиги атрофини бўяш топширилади.

Бошланғич синфларда ўрганиладиган қўпбурчаклар ичида түғри бурчак ва унинг кўп учрайдиган қўриниши бўлган квадрат алоҳида ўринни эгаллайди. Ўқувчилар ҳарқандай квадрат түғри бурчак эканлигини ва аксинча ҳарқандай түғри тўртбурчак квадрат эмаслигини тушиниб олишлари керак.

Түғри бурчакни ўрганишга бағишлиланган машғулотдан бир парча ҳар бир ўқувчига ҳар хил рангта бўялган турлича түғри тўртбурчаклар солинган конверт берилади.

Суҳбат:

- Бу фигуralар нима деб аталади (тўртбурчаклар).
- Модел ёрдамида уларнинг түғри бурчакларини топинг ва ўша жойни бўяңг;

- Икки түғри бурчаги бўлган тўртбурчакни топинг. Икки түғри бурчакли тўртбурчакни кўрсатинг ва түғри бўлган баландлигини ёнидан бўяңг.

- Учта түғри бурчаги бўлган қўпбурчакли фигурани топинг. (Ўқувчилар бундай тўртбурчакларнинг ҳамма бўлаги түғри эканлигини англайдилар.)

- Тўрт бурчаги түғри бўлган тўртбурчаклар түғри бурчакли тўртбурчаклар дейилади. Болалар түғри бурчакларнинг баландлиги яқинини бўяйдилар ва ўқитувчига кўрсатадилар.

Ўқувчилар түғри бурчакли тўртбурчакларнинг муҳим ва муҳим бўлмаган сифатларини англаб олишлари учун баъзи вақтлар дарс машғулотлари давомида ўйин сифат машқларни бажаришлари мумкин. Масалан:»Ортиқча фигурани олиб ташла» машқида болалар тўртбурчакларнинг муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларини топишлари учун амалий кўникма беради.

Болаларга ҳар хил материаллардан ясалган ва турли рангларга бўялган қўпбурчаклар намойиш этилади.

- Хўш, бу фигуralарнингқайси белгиси барчаси учун умумийдир?(Ҳаммаси түғри бурчакли қўпбурчаклардир.)

– қайси фигура ортиқча?

- Нега?(1,2,3,5 фигуralарда тўртта томон бор) Ўқитувчи бу фигурани олиб ташлашни таклиф этади.

– қолган фигуralарнинг ўзаро фарқи нимада?

- Бу фигуralарнинг умумий сифатлари нима?(уларнинг ранглари турлича,турли материалдан,қофоздан ва картондан ясалган)

– Бу фигуralарқандай номланади? (түғри бурчакли тўртбурчаклар.)

– Нега олиб ташланган фигурани тўғри бурчакли тўртбурчак деб аташ мумкин эмас? (чунки, унинг бта томони бор -тўғри бурчакларда эса 4 томон ва 4 бурчак бўлади)

Бундай машқлар болалар онгида энг муҳим тушунча-тўғритўртбурчак белгиларини мустаҳкамлайди.

Биринчи синф ўқувчилари бу тушунчани чуқурроқ тушуниб олишлари учун шундай ўйин ўтказиш мумкин.

Ўқувқуроллари ичida турли ўлчамдаги ва рангдаги тўғри бурчакли тўртбурчаклар шакли кўрсатилади шулардан биттаси тўғри бурчакли тўртбурчак эмас.

Болалар билан шундай сухбат олиб борилади.

– Буқандай фигуralар? (Тўғритуртбурчаклар уларда 4та бурчак ва 4та томон бор).

– Бу фигуralарнингқай бири ортиқча?

– Агар бешинчи фигурани олибқўйсакқолганлариниқандай аташ мумкин? (Тўғри тўртбурчаклар)

– Нега шундай деб аташ мумкин? (Чунки уларнинг 4 бурчаги тўғри бурчакдир).

– Бешинчи рақамли фигурани нега бу гурухгақўшиб бўмайди? Унда ҳам тўрт томон бор-ку! (Чунки, бурчакларнинг барчаси тўғри бурчак эмас)

Машқни бажариш давомида турли рангли, бир-бирдан ўлчамлари билан фарққилувчи, турлича жойлаштирилган тўртбурчаклардан фойдаланилади.

Тўғри бурчак белгиларини тушуниб олиш учун болалар биланқўйидаги машқларни бажариш тавсия этилади:

1. Чизмалар ичida, оддий, хаётий муҳитда тўғри тўртбурчакни бошқа фигуralардан ажратса олиш.

2. Тўғри тўрт бурчакларни унинг белгилари бўйича топиш.

3. Бошқа геометрик фигуralардан тўғри тўртбурчак ясаш.

4. Тўғри тўртбурчаклар ясаш.

кўйидаги амалий ишларни ташкил этиш фойдали ҳисобланади.

Болалар тасвирланган фигуralар тасвири тушурилган карточкаларни оладилар. Барча тўғри тўртбурчакларни бўяб, рақам сонларини дафтарга ёзиш тавсия этилади.

Квадратни тўғри бурчак деб ҳам, кейинроқ кўпбурчак деб аташ мумкин эканлиги «Номини айтинг!». Уйинида ҳам ўз тасдифини топиши мумкин. Ўқитувчи пакетдан фигурани олиб болаларга фақат унинг белгиларини айтади ва болалардан бу нима? деб сўрайди. Масалан:

– Менингқўлимдақизил рангли фигура,унинг тўрт бурчаги, тўрт баландлиги ва тўрт томони бор. Буқандай фигура? (Бу тўртбурчак)

– Менингқўлимда картондан ясалган сариқ фигура бор.Унинг 4 томони, 4 баландлиги ва 4 бурчаги бор.унинг ҳамма бурчаклари тўғри бурчак бу фигуранинг номи нима?(Бу - тўғри тўртбурчак). Расмлар.

– Мендаги тўртбурчак фигуранинг икки бурчаги тўғри бурчак уни тўғри бурчакли тўртбурчак дейиш мумкинми? (Йўқ, тўғри бўлганда барча

бурчаклари түғри бўлиши керак)». Ортиқча фигурани олиб ташла» ўйинида ҳам фойдаланса бўлади. Доскага турли рангли түғри тўртбурчак илинади. Ундан иккитаси квадрат.

– Бу фигуralар нима деб аталади? (Тўртбурчаклар, түғри тўртбурчаклар).

– Нима учун бундай деб аталади? Чунки тўрттала бурчаги тенг, тўрт томони бор.

– Буларданқай бири ортиқча? (зангори тўртбурчакни олиб ташланса, иккита квадратқолади).

– қолган фигуralар квадрат эканини ким исботлаб бера олади? (тўрт томони ўлчанади, агар улар тенг бўлса, демак, квадрат).

Болаларга яна шундай топшириқ бериш мумкин.: доскага учта квадрат илибқўйилади. Ўқувчи уларнинг томонларини ўлчаб, бир-бирига солиштиришни таклиф этади. Болалар томонларни ўлчаб, уччала квадрат ўзаро тенг эканини билиб оладилар.

Модел тўғри бурчак ёрдамида барча бурчакларни тўғри бўлган тўрт бурчакларни топадилар:

Бу фигуralарни бир сўз билан нима деб аташ мумкин? (Тўртбурчаклар)

– Уларнинг ичиданқай бири ортиқча? (қизил). Ўқитувчиқизил ранг фигурани олиб ташлайди.

– Яшил ва зангори фигуralарни нима деб атаймиз? (Квадратлар).

– Янақандай аташ мумкин? (Тўғри тўртбурчаклар)

– Нима учунқизил ранг фигурани квадрат деб атай олмаймиз? (Барча бурчаклари тўғри тенг эмас)

– Демак, яшил ва зангори фигуralарни квадратлар деб атаймиз.

Дафтaringизга квадрат чизиб, қизилқалам билан бўяңг.

Бундай топшириқларни бажариб, ўқувчилар квадратнинг муҳим белгиларини англай бошлайдилар. Квадрат томонлари тенг тўртбурчак бўлиб, болалар энди унинг уқадар муҳим бўлмаган белгилари - ранги, материали, ўлчамларига ҳам диққатқаратишга ўргана бошлайдилар.

Бошланғич математика дастурида геометрик материал катта ўринни олади. Геометрик материални ўрганишнинг асосий мақсади геометрик фигуralар (нуқта, тўғри ва эгри чизик, тўғри чизик кесмаси, синик чизик, кўпбурчак, айлана ва доира) ҳақида уларнинг элементлари ҳақида, фигуralар ва уларнинг элементлари орасидаги муносабатлари ҳақида, уларнинг баъзи хоссалари ҳақидаги тасаввурларнинг тўла тизимини таркиб топтиришдан иборат.

Геометрик фигуralар ҳақидаги фазовий тасаввурлар, геометрик фигуralарни чизмачилик ва ўлчаш асблолари ёрдамида ва бу асблоларнинг ёрдамисиз ўлчаш ва ясашларнинг амалий малакаларини (кўзда чамалаш, қўлда чизиш ва ҳоказо) таркиб топтирилади; ўқувчиларнинг нутқ ва фикрлашлари шу асосда ривожлантирилади.

Ўқувчиларда геометрик тасаввурларни таркиб топтириш, уларни чизиш ва ўлчаш малакалари биланқуроллантириш, улар тафаккурини ривожлантириш масалаларига геометрия элементларини

ўргатишдақўлланадиган ўқитиш методлари жавоб беради. Геометрия пропедевтик курсини ўқитишнинг муҳим методлари кузатиш методи, таққослаш методидан иборатдир. Бунда индуктив хулоса чиқариш билан бирқаторда дедуксия элементларидан ҳам фойдаланилади. Лаборатория ва амалий ишлар методи геометрик материални ўрганишнинг эффектив методларидан биридир. Лаборатория ишлари ва амалий ишлар ўқувчиларнинг геометрик фигураларнинг моҳиятини ўзлаштиришларида ижобий таъсир кўрса-тади.

Нуқта, тўғри чизик ва эгри чизик, тўғри чизик кесмаси. Биринчи синфдан бошлаб ўқувчиларда нуқта, тўғри чизик ва эгри чизик, тўғри чизик кесмаси ҳақида аниқ тасаввурларни таркиб топтириш керак. Шуни эслатиб ўтамизки, “нуқта”, “тўғри чизик” тушунчалари ҳозирги кунда ўқитилаёт-ган мактаб геометрия курсининг асосий тушунчаларидир. Шу сабабли “нуқта деб нимага айтилади?”, “тўғри чизик деб нимага айтилади?” деган саволлар маънога эга бўлмай қолади.

1.2.§. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилариға математика фанини ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари ва тамойиллари

Фан-техника ва замонавий технологияларнинг жадал тараққиёти ҳозирги қунда таълим тизимини, янги таълим технологиялари талаблари даражасида тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Бундай муаммолардан бири таълим жараёнини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш ҳисобланади ҳамда унинг зарурати ўқувчи-ёшларни жамиятнинг ҳар томонлама етук фуқаролари қилиб тарбиялаш вазифасидан келиб чиқади. Маълумки, таълим - бу ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг ўзаро мувофиқлашуви асосида шаклланадиган ташкилий жараён. Компьютерли таълим бериш жараённида эса ўқитувчи ва таълим оловучи фаолиятларини бир – биридан ажратиш, уларни тўғри ташкил этиш ва амалга оширишда компьютер имкониятларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Компьютерларни таълим муассасалари ўқув жараённида қўллаш қўйидагиларга имкон беради:

- таълим оловчиларда билиш эҳтиёжини шакллантириш;
- таълим оловчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;
- таълим оловчиларда фанни ўрганишга қизиқишини ошириш;
- таълим оловчиларда компьютер билан ишлашни ўрганишга бўлган эҳтиёжни ошириш;
- таълим оловчиларни компьютердан фойдаланиш билан боғлиқ оламни илмий билишнинг ҳозирги замонавий методлари билан таништириш;
- таълим оловчининг индивидуаллик даражасини ошириш;
- таълим оловчининг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш;
- материаллар мазмунининг хилма-хиллигини таъминлаш;
- таълимда фойдаланиладиган ўқув материаллари доирасини кенгайтириш;
- таълимда кўргазмалиликни кучайтириш;
- таълим оловчининг ўз-ўзини назорат қилиш, яъни баҳолаш жараёнининг омилларини кенгайтириш ва ҳоказо.

Ўқув фанларини компьютер ёрдамида ўқитишида бундай имкониятларга эришиш катта ҳажмдаги илмий-услубий тайёргарликни талаб қиласди ва жиддий қийинчиликлар асосида кечади. Шу билан биргаликда ахборот технологиялари воситаларидан фан асослари бўйича билимларни ўзлаштириш жараённида систематик равишда фойдаланиш таълим оловчига ўқитишининг замонавий методлари билан мулоқот қилиш имкониятини беради ва уни ахборотлашган жамиятда кўп жихатли интеллектуал фаолиятга тайёрлайди.

Ўқув жараёнида ахборот ва компьютер технологияларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳеч қандай педагогик самара бермайди. Шунинг учун биринчи навбатда, фан асосларини ўқитишида компьютерлардан фойдаланиш заруратини асослаш лозим.

Куйида, педагогика умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларини тайёрлаш жараёнида математика фанини ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланиш заруратини асослаймиз.

Биринчидан, математика фанини ўрганиш жараёнида ўқувчилар кўп сонли график ясаш қоидалари, график хоссалари ва бошқа шу кабиларни талаб даражасида ўзлаштириши учун улар ўзлаштирадиган билимларни тизимлаштириш ва туркумлаш зарур. Одатда, ўқувчида сакланадиган маълумотлар омбори мавжуд бўлиб, улар китоблар, маъruzалар матни, амалий ва семинар машғулотлари ишланмалари ва хотира ҳисобланади. Бу маълумотларни қайта ишлаш эса ўқувчиларни дарс конспектлари, дарслеклар, ўқув қўлланмалари ва бошқалар билан ишлашга ундайди. Бундай вақтда компьютернинг имкониятлари чексиз бўлиб, ундан фойдаланишининг содда шакли электрон маълумотли (эслатмали) материалларни яратиш ҳисобланади.

Иккинчидан, ўқув жараёни компьютерли технологиялар ёрдамида янада бошқарилувчи бўлиши мумкин. Шуни қайд этиш керакки, ўқувчилар тайёргарлигининг талаб этилган сифатига фақат, куйидаги тартибда схематик кўринишида ифодалаш мумкин бўлган бошқарув циклининг барча босқичларини аниқ ва ўзаро алоқадорликда амалга ошириш асосида эришиш мумкин:

1) ўқувчи билимини ташхислаш. Турли гурухлардаги ўқувчилар билан ишлашнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш учун улар билимини ташхислаш лозим;

2) бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича бажариладиган ишларни режалаштириш;

3) ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш. Маълумки, ўқув жараёнининг ишлаши ва ривожланиши унинг сифатини мониторинг қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам бу босқичда ўтказилган жорий ва оралиқ назоратлар бўйича олинадиган маълумотларни таҳлил қилиш ва шу асосда ўқув жараёнини тўғирлаб туриш (регулирования) га нисбатан хусусий қарорлар қабул қилиш биринчи ўринга чиқади;

4) бошқарув циклининг якуний босқичи бўлиб, якуний назорат ҳамда ўқувчиларнинг умуммаданий ва касбий тайёргарлиги ҳисобланади.

Бошқарув циклининг қайд этилган барча босқичлари ўқитувчидан кўп вақтни талаб этади. Аммо, ўқув жараёнида компьютердан фойдаланиш

ўқитувчининг таълим олувчига хос бўлган индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш имкониятини кенгайтиради ва ўз вақтида тескари алоқани таъминлайди.

Учинчидан, ахборот технологияларидан билиш ускунаси (инструменти) сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Педагогика умумий ўрта таълим мактабларида математика фанини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитишда у ёки бу ўргатувчи тизимлар ёрдамида аниқ содда геометрик фигуранарни талаб этиладиган масалалар билан чекланиш ёки интеграллаш соҳасидаги тайёр компьютерли моделларни намойиш этиш етарли эмас. Кўпчилик ўқувчилар, яъни ўқувчилари бирор бир дастурлаш тилида мустақил дастур тузга ва математик пакетлардан мустақил фойдалана олишга йўналтирилган бўлиши керак. Чунки, ўқувчилар билиш ускуналари ёрдамида билимларни шакллантириш жараёнига фаол жалб этилади ва ўз навбатида ўқув материалларини сифатли ўзлаштиришга имкон беради.

Ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини оширишнинг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади ва бу фақатгина янгини эгаллаш билан чекланмасдан, балки янгини яратишни ҳам ўз ичига олади. Агар ўқувчиларда шахсий фикрлаш намоён этилса, уларга ечиш учун янги масала қўйилса ва бу масала қайта тўлдирилган билимлар ёрдамида мустақил равишда ечилса, уларнинг иши ижодий характерда бўлади. Ўқувчилар янги билимларни эгаллайди қачонки, уларга янги материалнинг олдинги ўзлаштирилган материаллар билан алоқаси тушунарли бўлса. Бундай вақтда ўқувчиларда янги қоидаларни шакллантириш, уни исботлаш усулларини мустақил топиш ва масалани ечишга интилиш намоён бўлади. Математика фанини ўқитиш тажрибаси шуни кўрсатдики, баъзан ўқувчилар ўқув материалини ўзлаштириши, турли интегралларни ҳисоблаши ва амалий масалаларни ечиш кўникмасини эгаллаши учун семинар ва амалий машғулотларда ўрганилганларни етарли деб ҳисоблаб, мустақил ишлаш учун берилган топшириқларга бепарволик билан қарайди. Шу билан биргаликда уй вазифалари ва мустақил ишлаш учун берилган топшириқларни бажаришга ахборот технологияларини жалб этиш ўқувчиларининг мустақил ишлашини фаоллаштиришга имкон беради. Бунинг учун ишни уй вазифаларини компьютер ёрдамида текшириш, ўрганилаётган функция графигини қуриш ёки интеграллаш соҳасини тасвирлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тўртинчидан, ўқитишда компьютерни қўллаш орқали абстракцияни визуаллаш имконияти кенгаяди. Айниқса, Математика фанининг интеграл ҳисоб бўлимини ўрганиш жараёнини визуаллаш жуда муҳим ҳисобланади.

Бунинг учун ўқувчининг компьютердан фойдаланиш характерини ўзгартириш, яъни факат компьютернинг ҳисоблаш имконияти билан чекланмасдан балки, турли хил геометрик фигуralарни қуришда визуаллаштириш жараёни билан бирга олиб борилиши лозим.

Аммо, мутахассислик давлат таълим стандартларида геометриянинг планиметрия ва стереометриядан ўқув материалларини такрорлаш учун кўшимча вақт кўзда тутилмаган. Ўқувчилар ҳамма вақт ҳам юзаси аниқ интеграл ёрдамида ҳисобланадиган геометрик шаклларнинг аналитик ифодаси билан мустақил боғлана олмайди. Айниқса, бундай ҳолларни эгри чизик тенгламалари қутб ёки параметрик кўринишда берилган вақтда яққол кўриш мумкин. Уч ўлчовли объектларнинг фазовий тасвирини қуриш ўқувчиларга янада қийинчилик туғдиради. Бундай ҳолда компьютер геометрик образни визуаллаш нуқтаи назаридан чекланмаган имкониятларни тақдим этади. Бу эса ўз навбатида, фазовий тасаввур ривожланишига, аналитик конструкция ва унинг кўргазмали – образли ифодаси ўртасида жуда аниқ алоқа ўрнатишга, математика ва геометрия курслари интеграциясини таъминлашга, эгри чизиқли трапециялар юзалари, жисмлар ҳажмлари ва бошқаларни ҳисоблаш кўникмаларини шакллантиришга имкон беради.

Бешинчидан, ўқувчилари келгуси фаолиятида ахборот технологияларидан фойдалана олиш усулларини эгаллаган бўлиши керак. Аммо, мактабда, қолаверса академик лицей ва касб – ҳунар коллажларида математикани ўқитиш дастурларида ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш масаласи деярли эътиборга олинмаган. Шунинг учун математика фанини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнида асосий эътиборни мактаб, академик лицей ва касб–ҳунар коллажларида математика фанини ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш масалаларига қаратиш зарур. Бошқача айтганда, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган математика фанида мактабда ўқитиладиган математика курсларини компьютерли воситалар билан ўрганишда дуч келинадиган вазиятлар (холатлар) моделлаштирилиши лозим.

Олтинчидан, математика фани бўйича ташкил этиладиган машғулотларда ахборот технологияларидан фойдаланиш, ўқувчилар билимидаги юқори даражали формализмларни бартараф этишга имкон беради. Масалан, баъзи ўқувчилар у ёки бу тушунча таърифини хатосиз айтиб беради, аммо ундан масалаларни ечишда, теоремаларни исботлашда фойдалана олмайди. Худди шунингдек, формализмни қуидаги ҳолатларда ҳам кузатиш мумкин: кўпинча ўқувчилар математик тушунча ва реал борлиқ ўртасидаги боғлиқликни англай олмайди. Ўқитувчи математика фанини ўқитиш жараёнида ахборот технологиясидан фойдаланиб, ўқувчиларга

ўрганиладиган ўқув материалини онгли равишда ўзлаштиришга ёрдам бериши мумкин. Айнан, билимларни онгли ўзлаштириш жараёнида ўрганилаётган тушунчанинг ташқи олам билан алоқаси чуқур тушунилади, ўқувчининг билимларни ўрганишга ва қўллашга бўлган ижодий муносабати, мантиқий фикрлаши ва дунёқараши шаклланади.

Еттинчидан, ахборот технологиялари асосида математика фанини ўқитиши, ўқувчиларда ахборий маданиятни шакллантиришга ёрдам беради.

Маълумки, ўқитиши жараёнида фақат билимларни узатиш эмас, балки таълим олувчи шахсини ривожлантириш ҳам зарур. Айнан, математика фанини ўқитишида ахборот технологияси алгоритмик маданият билан боғлиқ ҳолда ўқувчиларнинг психик функциясини ривожлантириш, уларни кейинчалик ахборий маданиятни эгаллашга қизиқтириш ва умумий ўрта таълим мактабларидан сўнг мустақил ишлашга тайёрлашга ёрдам бериши мумкин.

Қайд этилганларни синтезлаб, биз, ўқувчиларига математика фанини ўқитишида ўрганиладиган материални ўзлаштириш самарадорлиги ва сифатини кўтарувчи ҳамда бугунги кун талабига мос келувчи ахборот технологияларидан фойдаланиш тамойилларини ишлаб чиқиш зарур деган хуносага келдик.

Бу эса ўз навбатида:

- математика фанида ўрганиладиган тушунчалар ҳажми ҳақидаги тасаввурни кенгайтириш;
- аналитик ифодалар ва уларнинг кўргазмали – образли тасвири ўртасидаги алоқани тўла очиш;
- ўқувчиларни компьютердан билиш инструменти сифатида фойдаланишга ўргатиш;
- ўқувчиларни мактаб математика фанини ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланишга тайёрлаш;
- ўқувчиларнинг ижодий ўқув мустақиллигини ошириш имконини беради.

Психоло – педагогик ва илмий – методик адабиётлар, ўқитиши амалиёти ва математика фанини ўқитиши жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишга имкон берувчи сабабларни таҳлил этиш асосида ўқувчиларига математика фанини ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг қўйидаги тамойилларини аниқладик:

- тизимлилик (математика фанини ўқитиши жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш узлуксиз ва тизимлилик характерига эга бўлиши керак);

- мажмуавийлик (ахборот технологияларидан математика фанини ўқитишида анъанавий ўқитиши технологияси билан биргалиқда фойдаланиш зарур);
- технологияланганлик (ўқувчилар тайёргарлигининг талаб этилган даражасига фақат бошқарув цикли барча босқичларининг аниқ ва ўзаро алоқадорлиги асосида эришиш, яъни ўқув жараёнини ташкил этишида компьютерлардан фойдаланиш ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятини эътиборга олишга йўналтирилган ва тезкор назорат ёрдамида ўз вақтида тескари алоқани таъминлаш лозим);
- ахборот технологияларидан билиш инструменти сифатида фойдаланиш (математика фанини ўқитишида устуворликни билиш инструменти сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ахборот технологияларига бериш керак);
- визуаллилик (ўқувчилар томонидан ўрганиладиган математика фанининг абстракт илмий тушунчаларининг ҳақиқий маъносини ҳар томонлама очиш учун ўқитиши жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялари максимал даражада компьютернинг визуал имкониятларига йўналтирилган бўлиши керак);
- мактабга йўналтирилганлик (математика фанини ўқитишига ахборот технологиясини қўллашни мактаб математика фанини ўқитишида компьютердан фойдаланиш масаласи сифатида қараш лозим).

Ушбу қайд этилган тамойиллар математика фанини ўқитишнинг анъанавий методик тизимига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал

№	Математика фанини ўқитишда ахборот технология- ларидан фойдаланиш тамойиллари	Математика фанини ўқитишнинг анъанавий методик тизими компоненталари				
		Мақса д	Мазму н	Методла р	Шаклла р	Воситала р
1.	Тизимлилик	TKC	-	-	-	TKC
2.	Мажмуавийлик	TKC	TÝ	TKL	TÝ	TKC
3.	Технологияланганл ик	TKC	TKC	TÝ	TKC	TÝ
4.	Визуаллилик	TKC	-	TÝ	-	TÝ
5.	Компьютердан билиш воситаси сифатида фойдаланиш	TKC	-	TKL	TKC	TÝ
6.	Мактабга йўналтирилганлик	TÝ	TKC	TKL	TKC	TKC

Бу ерда TKC – таъсир кучсиз, TÝ – таъсир ўртача, TKL – таъсир кучли.

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, барча тамойиллар ўқитишнинг методларига бир мунча кучли шакл ва воситалари, мазмуни ва мақсадига эса маълум даражада таъсир кўрсатар экан.

Математика фанини ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ижтимоий-назарий шарт-шароитлари ва тамойиллари мажмуаси 1-расмда келтирилган.



1-расм. Математика фанини ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг шарт – шароитлари мажмууси.

Математика фанини ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланиш тамойилларини ишлаб чиқишида қуйидаги иккита фундаментал назарияга, ривожлантирувчи ва тарбияловчи ўқитишининг педагогик назарияси ва фаолиятли ўқитишининг психоло – педагогик назариясига ҳамда амалиёт ва назария бирлигининг дидактик тамойилига таяндиник.

Қайд этилган тамойиллар асосида ишлаб чиқилган Математика фанини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиши методикаси ўқитувчига ўқув жараёнида улардан тизимли фойдаланиш, ўқувчига эса Математика фанини ўрганиш тизимида уларнинг роли ва аҳамиятини чуқур англаш имконини беради.

II- БОБ. ЎҚУВЧИЛАРИГА МАТЕМАТИКА ФАНИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

2.1.§. Умумий ўрта таълим мактабларда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда математика фанини ўқитиши жараёнида ўқувчилар математик тайёргарлигининг мақсади, мазмуни ва методи

Бу бобда ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга асосланган ҳолда мактаб математика фанининг геометрия фанининг “планиметрия” бўлимларини ўқитиши методикасини яратамиз. У қуидагиларни таъминлади: планиметрия бўлими бўйича билим ва кўникмалар даражасини қўтаришни; умумий ўрта таълимда ўқувчиларни математикага ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланиш тамойилларидан фойдаланиб, ўқув мустақиллигини оширишни. Ахборот технологияларидан фойдаланиб бўлажак ўқитувчиларга планиметрия бобини ўқитиши методикасини яратишида А.Г. Мардкович, Г.Л. Луканкин, В.А. Гусев ва бошқаларниг ишларида баён этилган умумий ўрта таълимда математика курсларини яратишнинг умумий концепцияларига таянган [47, 97, 102 ва бошқалар].

Методика деганда компонентлари ўқитишининг мақсадлари, мазмуни, усуллари, шакллари ва воситалари бўлган педагогик тузилмани тушинамиз.

Педагогик жараённинг асосий тушунчаларидан бири – ўқитишининг таърифига тўхталамиз. С.А. Смирнов ва бошқалар нуқтаи назарига қўшилган ҳолда ўқитиши деганда атрофдаги олам ходисалари, улар қонуниятларини, ўқувчилар ва ўқитувчининг ўзаро таъсири натижасида фаолиятнинг ривожланиш тарихи ва ўзлаштириш усулларини мақсаддага йўналтирилган бошқариладиган билиш жараёнини тушунилади [93].

Умумий ўрта таълимда Математика фанини ўқитиши жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш тамойилларига асосланиб Математика фанининг содда геометрик фигуralар бўлимини ўқитишининг мақсадлари, мазмуни ва усулларига таъсирини қараб чиқамиз.

Ўқитиши мақсадлари – ДТС талаблари даражаларида эришиш; ўқувчининг ўқитилаётган масалада етарли даражага эришганлигини намоён қилувчи хатти – ҳаракатини таърифлаш. Мақсадлар ўқитишининг кутилган натижаларини таърифлайди. Ўқитиши мақсадлари умумлаштириш ва деталлаштиришнинг турли даражалари билан аниқланади. Аммо мақсадлар исталган натижани қанчалик аникроқ таърифласа шунчалик унга эришиш даражасини текшириш осонроқ кечади. Бунда мақсадлар ҳақиқий, аниқ таърифланган ва етарли даражада табақалаштирилган бўлишлари зарур.

Педагогик адабиётда мақсаднинг бундай қўйилиши диагностик деб аталади [68].

Математика фанини ўқитиш жараёнини умумий ўрта таълимда замонавий ўқитиш жараёнидан, хусусан, жамият ҳаётида кечеётган жараёнлардан ажralган ҳолда қарай олмаймиз. Умумий ўрта таълим мактаблари илмий – техник тараққиёти томонидан таълимга қўйилаётган янги талабларни ҳисобга олишлари зарур. Бу босқичда ҳозирги замон мактабига ҳар томонлама ривожланган, математик билимларга эга, мактаб математика фанининг барча хусусиятларини тушунгач, замонавий таълим технологиялари билан таниш, ахборот технологияларидан фойдаланишни ва уларни ўқув жараёнига тадбиқ этишни биладиган ўқувчи керак.

Давлат таълим стандартида битирувчими математика мутахассислиги бўйича тайёрлашнинг асосий таълим дастурининг мазмунининг мажбурий минимумига қўйиладиган асосий талаблари таърифланган, унда кўрсатилганки бўлажак математика ўқитувчиси қўйидаги саволларни ўрганиш керак: математикага ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари; ўқув жараёнида замонавий ахборот ва коммуникатия технологиялари қўллаш; ўқув жараёнида ахборот ва коммуникатия технологиялардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари.

1. Текисликда қандай тўғри чизик олинмасин, бу тўғри чизикка тегишли бўлган нуқталар ҳам, тегишли бўлмаган нуқталар ҳам мавжуд.

2. Ҳар қандай икки нуқтадан фақат битта тўғри чизик ўтади.

3. Ҳар бир тўғри чизик текисликни икки бўлакка: иккита яrim текислика ажратади.

Ушбу аксиомалар геометрия фанининг аксиоматик қурилишини акс эттирувчи текисликда нуқталар ва тўғри чизиклар тегишлигининг асосий хоссаларини ифодалаб, келгусида учрайдиган баъзи теорема ва хоссаларни исботлашда ҳамда ясашга доир масалаларни ечишда таянч тушунчалар сифатида зарур бўлади.

Масала. Тўртта нуқта берилган. Бу нуқталар нечта турли тўғри чизикларни аниқпаш мумкин.

Ечиш: Геометриянинг аксиомасидан фойдаланамиз. Бу ерда нуқталарнинг турлича жойлашиши мумкинлигини қараб чиқиши муҳимдир. Бунда тўртта нуқта жойлашиш соҳасининг 3 та холини қўришимиз мумкин. Биринчи ҳолда битта тўғри чизикка, иккинчи ҳолда тўртта тўғри чизикка, учинчи ҳолда олтига тўғри чизикка эга бўламиз.

Нуқталарнинг тўғри чизикда жойлашувининг асосий хоссасини баён қилувчи аксиома (“*Бир тўғри чизиқда олинган исталган учта нуқтанинг фақат биттаси қолган иккитасининг орасида ётади*”) ўъКесма ва нур ”

мавзусининг мазмунига сингдирилган. Бу аксиомага таяниб кесма ва нур тушунчаларига таъриф берилади. Бунда ўқувчилар кесма, нур ва тўғри чизик бир-биридан нима билан фарқ қилишини билиб оладилар.

5-синфда берилган бурчак, ёйик ва тўғри бурчак, учбурчак тушунчалари 7-синфга келиб бойитилади ва ривожлантирилади. Масалан, 5-синфда ёйик бурчак “томонлари тўғри чизиқни ташқил қилувчи бурчак ёйик бурчак дейилади”-деб тавсифланса, 7-синфда эса “Ёйик бурчак деб томонлари бир-бирини тўлдирувчи нурлардан иборат бурчакка айтилади” деган таъриф берилади, яъни “...томонлари тўғри чизиқни ташқил қилувчи бурчак...” жумласи ундан мукаммалроқ ва аникроқ бўлган, лекин ўқувчи учун бир оз мушоҳадали бўлган томонлари бир-бирини тўлдирувчи нурлардан иборат бурчак...” жумласига ўзгартирилган.

Дарсликда қўшни бурчаклар деб, биттадан томонлари умумий, қолган томонлари бир-бирини тўлдирувчи бўлган бурчакларга айтилади дейилган. Бу таърифни бошқачароқ қўринишда яъни, “Агар иккита бурчакнинг битта томони умумий, қолган томонлари тўлдирувчи ярим тўғри чизиқлар бўлса, улар қўшни бурчаклар дейилади” деб ўзгартириш маъқул деб ҳисоблаймиз.

Қўшни бурчаклар йиғиндиси 180° га тенглиги, вертикал бурчакларнинг ўзаро тенглиги ҳақидаги теоремалар исботланмайди, уларга хосса сифатида қаралади.

“Геометрияни ўрганишда фикрлар кетма-кетлиги ва боғликлиги” мавзусини ўрганиш орқали ўқувчилар теорема, аксиома, таъриф ва улар орасидаги боғланишлар, яъни мактаб геометрия фанининг аксиоматик кўрилиши ҳақида умумий тушунча бериш билан чекланилади. Аксиоматик метод хозирги вақтда илмий тадқиқотларнинг асосий методларидан бири бўлиб, бу метод фақатгина математикада эмас, балки физикада, техникада, биологияда кенг ўрин олган. Шунинг учун аксиоматик метод ҳақидаги яҳлит тушунча академик лицей ва касб-хунар коллежи таълими зиммасига юклатилган. Шунинг учун бу масалага жиддий тўхтамасак-да, ўқитувчилар эътиборига қуйидаги фикрни ҳавола этамиз. Таъкидлаш жоизки, назарияни кўришда асосий тушунчалар фақат аксиомалар орқали берилади. Асосий тушунчаларнинг ҳамма хоссалари аксиомаларда мужассамлашган бўлиши керак.

Планиметрия фани қўйидаги аксиомалар асосига кўрилган эканлигини ўқувчилар онгли равишда тушуна олишлари лозим.

Текисликда нуқталар ва тўғри чизиқлар тегишлилигининг асосий хоссалари:

1. Текисликда қандай тўғри чизик олинмасин, бу тўғри чизиқка тегишли бўлган нуқталар ҳам, тегишли бўлмаган нуқталар ҳам мавжуд.

2. Ҳар қандай икки нуқтадан фақат битта түғри чизик ўтади.

Нуқталарнинг түғри чизикда жойлашувининг асосий хоссаси:

3. Түғри чизикдаги учта нуқтадан биттаси ва фактат биттаси қолган иккитасининг орасида ётади.

Кесмаларни ўлчашнинг асосий хоссаси:

4. Ҳар бир кесма нолдан катта тайин узунликка эга. Кесма узунлиги шу кесманинг ҳар қандай нуқтаси ажратган қисмлари узунликларининг йиғиндисига тенг.

5. Ҳар бир түғри чизик текисликни икки бўлакка: иккита ярим текисликка ажратади.

7-синф геометрия дастурига киритилгаи материалларнинг илмийлиги юқорида қайд этилган аксиомаларга асосланганлигидадир.

Ушбу курсни ўрганиш жараёнида ўқувчи зўриқмаслиги, яъни геометрияни ўрганишдан заъда бўлиб колмаслиги лозим. Бунинг учун эса мавзуларнинг сонини бир оз бўлсада камайтириш, энг зарур деб ҳисобланган тушунчаларни ўқитиш, қуи синфларда ўрганилган тушунчалар кейинги синфларда айнан такрорланмаслиги лозим. Шу мақсадда барча мактаб предметлари қатори математика фани дастурига ҳам бир мунча ўзгартиришлар киритилиб, такомиллаштирилди. Масалан 7-синф геометрия дарслигидаги илгари 1 соатга мўлжалланган “Кесманинг узунлиги ва унинг хоссалари. Кесмаларни ўлчаш” мавзуси янги тузилган режага кўра 3 соатга, яъни уч қисмга: “Кесманинг узунлиги ва унинг хоссалари”, “Кесмаларни ўлчаш” ва “Икки нуқта орасидаги масофа” каби мавзуларга ажратиб ўрганилади. Бу эса бир томондан ўқувчиларнинг фанни ўзлаштиришдаги ақлий фикрлашларини камайтирса, иккинчидан тушунчаларни пухта ва онгли ўзлаштириш имкониятини беради. Ўқув мавзуу режаларнинг янгилangan вариантида шунга ўхшаш бир қанча ижобий ўзгартиришлар киритилганки, мавзуларни ўзлаштириш учун етарлича соатлар ажратилган. Жумладан, перпендикуляр түғри чизикларга доир билимлар ҳам алоҳида мантиқий қисмларга ажратиб ўқитилади.

Ўқувчиларнинг перпендикуляр түғри чизиклар ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш мақсадида перпендикуляр түғри чизикларга таъриф бериш билан чекланиб қолмасдан, дарслик матнида түғри чизикнинг ихтиёрий нуқтасидан унга ягона перпендикуляр түғри чизик ўтказиш мумкинлиги исбот қилинади. Битта түғри чизикқа перпендикуляр бўлган икки түғри чизик ўзаро кесиши маслиги ҳақидаги теорема тескарисидан фараз қилиш йўли билан исботланади. Бу теорема орқали ўқувчилар түғри чизикда ётмаган нуқтадан шу түғри чизикқа перпендикуляр қилиб биттадан ортиқ түғри чизик ўтказиш мумкин эмаслигини тушуниб этишлари керак. Худди

мана шу тушунча геометрияда нүктадан тұғри чизикқача бўлган масофа тушунчасини аниқлайди. Ушбу тушунчага доир билимларни мустаҳкамлаш учун масалалар ечиш жараёнида масштаб тушунчаси такрорланиши айни муддаодир.

Масалан, дарсликда берилган қуйидаги масалани кўрайлик: Транспортир ва оддий чизғич ёрдамида оромгоҳдан темир йўлгача бўлган энг қисқа масофани аниқланг. Масштаб 1:10 ООО.

Ечиш: Нүктадан (оромгоҳдан) тұғри чизикқача масофа (темир йўлгача) нүктадан тұғри чизикқа туширилган перпендикулярнинг узунлигини билган ҳолда оромгоҳни ифодаловчи А нүктадан темир йўл тасвирини ифодаловчи чизикқа перпендикуляр тұғри чизик туширамиз. Туширилган тұғри чизикнинг перпендикуляригини транспортир ёрдамида аниқлаймиз. Ҳосил бўлган кесманинг узунлигини чизғич ёрдамида ўлчаймиз. Бу масофа 2,7 см чиқди. Берилган масштабни ҳисобга олсак ўртадаги масофа 270 м эканлиги маълум бўлади.

Учбурчак тушунчаси синик чизик орқали киритилади. Синик чизик ёрдамида кўпбурчакка таъриф берилади ва учбурчак кўпбурчакнинг хусусий ҳоли сифатида талқин этилади. 7-синфда ўқувчилар учбурчакнинг медианаси, баландлик ва биссектрисаси, учбурчаклар тенглигининг учта аломатлари, кесма ўрта перпендикуляригининг хоссаларига доир билимларни эгаллаш билан биргаликда уларда ушбу тушунчаларнинг тадбиқига доир масалалар еча олиш кўникмаси ҳам шакллантирилади.

1-масала. ABC учбурчакда AB=BC ва BD медианаси 4 см. Агар ABD учбурчак периметри 12 см бўлса, ABC учбурчак периметрини топинг.

Ечиш:

Берилган $P_{ABD} = AB+BD+AD=12 \backslash (AB+AD)+4=12; AB+AD = 8$.

$AB = BC$ $P_{ABC} = AB+BC+AC$ учбурчак медианасининг хоссасига кўра 4 см BD медиана AC томонини ($AD = DC$) тенг бўлакларга ажратади.

$P_{ABC} = 12$ см

Бундан $AC=AD+DC$. Шартга кўра $AB=BC$. Демак,

$P_{ABC} = 2 AB + 2 AD = 2(AB+AD) = 2 \cdot 8 = 16$ см. Ж: 16 см.

P_{ABC} Параллел тұғри чизиклар ҳақидаги билимларга чуқурроқ ёндашилади. Бунда, икки тұғри чизикнинг параллелліги, уларнинг параллеллик аломати, параллел тұғри чизиклар аксиомаси, тұғри ва тескари теоремалар, икки тұғри чизик ва кесувчи ҳосил қилган бурчаклар, мос томонлари ўзаро параллел ва перпендикуляр бўлган бурчаклар ва уларни мустаҳкамлашыга доир масалалар ечиши каби тушунчалар учун 10 соат вақт ажратилган бўлиб, илгариги дастурга нисбатан ушибу боб 2 соатга

тигизлаширилган. Уибу бобни ўргангач, ўқувчилар қуидаги мураккабликка эга бўлган масалаларни ишлай олишилари лозим.

2-масала $x=?$

Ечиш. 1-усул: Бунда чизмада хосил бўлган трапециянинг ички бурчакларини мос равища a , b , c билан белгилаймиз. Сўнгра тўртбурчакнинг бир қўшни бурчаклар йиғиндиси 180 га тенглигидан фойдаланамиз, яъни $82^\circ + a = 180^\circ$, $98^\circ + b = 180^\circ$, $112^\circ + c = 180^\circ$.

$$a = 180^\circ - 82^\circ = 98^\circ, b = 180^\circ - 98^\circ = 82^\circ, c = 180^\circ - 112^\circ = 68^\circ.$$

$$a + b + c + * = 360^\circ, 98^\circ + 82^\circ + 68^\circ + x = 360^\circ, x = 360^\circ - 248^\circ = 112^\circ.$$

2-усул: икки параллел тўғри чизиқни учинчи тўғри чизиқ кесиб ўтганда хосил бўлган ички алмашинувчи бурчакларнинг тенглигидан $x = 112^\circ$ эканлигини кўриш мумкин.

Учбурчак томонлари ва бурчаклари орасидаги муносабатлар бўлимига режада 10 соат ажратилган. Бунақада стандарт талаби бўйича учбурчак ички бурчагининг йиғиндиси, учбурчак ташқи бурчагининг хоссаси, тўғри бурчакли учбурчакнинг тенглик аломатлари, бурчак биссектрисанинг хоссаси, учбурчак элементлари орасидаги муносабатлар, учбурчак тенгсизлиги каби билимларни ўзлаширишлари зарур деб белгиланган ва албатта, барча олинган назарий билимлар масалалар ечиш орқали мустаҳкамланади ва амалий талқин қилинади.

Геометрия дарсларида ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш асосан теоремаларни исботлаш орқали амалга оширилади ва бу теоремалар назарий асос сифатида масалалар ечишга тадбиқ этилади. Шунинг учун ўқитувчи дарсликдаги мавзулар матнида исботи келтирилган теоремалар ва уларнинг исботланиш методларига нисбатан ўқувчиларда қизиқиш ва иштиёқни хосил қила олиши лозим. Ўқувчидан бундай иштиёқни уйфота олиш учун эса ўқитувчидан изланиш ва ўрганиш талаб қиласди. Бу борада (ўқитувчига ёрдам сифатида) янги яратилаётган, кейинги авлод дарсликларимизнинг ўқитиш услуби ижобий томонга силжиган ва такомиллашганлигини кўришимиз мумкин. Геометриядан амалдаги дарсликнинг кўпгина ижобий жиҳатларини қайд этиш мумкин. Масалан, “Учбурчак ички бурчакларининг йиғиндиси ҳақидаги теорема” мавзусининг бош мақсади учбурчак ички бурчакларининг йиғиндиси ҳақидаги теоремани исботидан иборат. Мавзуу матни тўғридан-тўғри теорема ва унинг исботи билан бошланмасдан, балки мавзуу матнининг дастлабки қисмида профилактика учун ўқувчини фаоллаштирувчи машқлар киритилган. Ушбу амалиётга йуналтирилган машқлар мавзунинг бош мақсадига каратилгандир.

1. Машқ орқали ўқувчилар 3 - 4 та берилган учбурчакнинг

ички бурчакларини транспортир орқали ўлчаш (олинган натижани жадвалга жойлаштирадилар ва ҳар бир учбурчакнинг ички бурчакларининг йифиндиси бир хил натижа (180° атрофида) билан тугаганлигининг шохиди бўладилар ва бу борадаги ўз хulosаларини билдирадилар.

2. Машқ (лаборатория иши) орқали эса ўқувчилар ўзлари қоғозга ясаб олган учбурчакнинг учала бурчагини қирқиб (ёки йиртиб) олиб уларни ёнма-ён қўйиш орқали учбурчакнинг ички бурчаклари биргаликда ёйик бурчакка, яъни 180° га teng бўлишини амалда исботлайдилар. Шундан сўнг эса ўқувчиларда ушбу теореманинг назарий жиҳатдан исботи қандай амалга оширилиши ҳақида қизиқиш пайдо бўлади. Теореманинг исботи дарслик мавзусидаги қуйидаги чизма ёрдамида амалга оширилади. Бунда ўқувчи чизмага қараб ўтилган дарсларда исбот қилинган икки параллел тўғри чизиқни кесиб ўттан тўғри чизиқ ҳосил қилган алмашинувчи бурчакларнинг тенглиги ҳақидаги теоремани эслайди ва юқорида қайд этилган 2-машқда бажарилган ишларидан хulosса чиқариб, расмдаги 4 ва 5 бурчакларни мос равища 1 ва 3 бурчакларга алмаштириш орқали теоремани исботига эришиш мумкинлигига акли етади.

Ўқувчиларнинг фикрлаш даражасини ривожлантиришда конструктив масалалардан ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай масалалар орқали ўқувчи дарсда ўрганган назарий билимларини амалда қўллашга, мулоҳаза юритишга ўрганади.



3. масала. $a \parallel b, x=I, y=1$

Ечиш. Бу масала ўқувчилар томонидан илгари ўрганилган билимларга таянган ҳолда мустақил ёки биргаликда мулоҳаза юритиш йўли билан оғзаки ечилади: 1) масаланинг шартига кўра a ва b тўғри чизиқлар ўзаро параллел. Демак, x бурчакнинг катталиги 20° га teng. 2) Навбатдаги мулоҳаза: масаланинг шартига кўра учбурчакнинг 2 та ички бурчаги маълум, унга кўра ва учбурчак ички бурчакларининг йифиндиси 180° га тенглигини билган ҳолда учбурчакнинг уччини бурчагини топамиз, яъни $180^\circ - (50^\circ + 20^\circ) = 180^\circ - 70^\circ = 110^\circ$.

Сўнгти мулоҳаза: номаълум y бурчак $(110^\circ + x)$ бурчакка қўшни эканлигини билган ҳолда қўшни бурчаклар йифиндиси 180° га тенглигидан фойдаланиб, x бурчакнинг топилган қийматини ўрнига қўйиб ҳисоблаш орқали y бурчакнинг катталиги $180^\circ - (110^\circ + 20^\circ) = 50^\circ$ га teng эканлигини топамиз. Жавоб: $20^\circ; 50^\circ$.

4-масала.

Ечиш усули. Бу масалани ҳам оғзаки ечиш



мумкин. Масаланинг шарти ва хулосасини чизмага қараб билиб оламиз. Учбурчак бурчаклари $y:z = 5:6:7$ ларининг ўзаро нисбатлари берилган. Шунга кўра унинг бурчакларини топиш талаб қилиняпти. Учбурчак ички бурчакларининг йиғиндиси ҳақидаги теоремани ҳамда пропорциянинг таърифи ва хоссасига асосланиб, масалани қўйидагича ечамиз:

1) пропорционаллик коэффициентини топиш учун $5+6+7=18$ ва $180:18=10$ ишларни бажарамиз. 2) учбурчак ички бурчакларининг йиғиндиси 180° эканлиги учун $5x+6y+7z=180^\circ$ tenglik ёзамиз. Бундан $5x=5-10=50^\circ$; $6x=5-10=60^\circ$; $7x=7-10=70^\circ$.

Жавоб: 50° ; 60° ; 70° .

Агар ўқитувчи ўқувчиларни конструктив масалаларни ечиш билан биргалиқда бундай турдаги масалалардан бир нечтасини мустақил равишда туза олишга ҳам ўргатиб, одатлантириб бора олса, уларнинг мустақил ижодий фикрлаш кобициятларини устиришга ва илмий-тадқиқот ишларга ўналтиришда ўзининг ижобий хиссасини қўшган хисобланади.

Геометрия фанини ўқитиши методикаси. Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришда планиметрия фанининг имконияти катта. Ҳақиқатдан ҳам геометриянинг планиметрия фани дедуктив асосга кўрилган бўлиб, бу дастур) ўз-ўзидан ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш маданиятини ўстириш учун мақбул тарзда тузилган.

Геометриядан 8-синф ўқувчилари учун қўйидаги ДТС талаблари белгиланган;

- чизмада паралелограмм, тўғри тўртбурчак, квадрат, ромб, трапециянинг берилган элементларига кўра тасвир эта олиш;
- паралелограмм ва унинг турларига хос хоссалардан масалалар ечишда фойдалана олиш;
- ўқقا нисбатан ва марказий симметрияга оид мисолларни атрофдан келтира олиш;
- берилган нуқта ва кесмага симметрия бўлган нуқта ва кесмани ясай олиш;
- пропорционал кесмаларни ясай олиш;
- Фалес теоремаси ва унинг натижалари, пропорционал кесмаларнинг хоссаларидан фойдаланиб масалалар еча олиш;
- паралелограмм, тўғри тўртбурчак, квадрат, ромб, трапеция, кўпбурчакнинг берилган элементларига кўра, ўрганилган хосса ва формулаларини қўллаб юзини ҳисоблай олиш;
- пифагор теоремаси ва унинг тадбиқига оид масалаларни ечиш;
- айланада ва унинг хоссаларига доир масалаларни еча олиш;

- икки айлананинг ўзаро жойлашишларини тасаввур қила олиш;
- айланага уринмани ясай олиш;
- уринманинг хоссаларига доир масалалар ечиш;
- марказий ва ички чизилган бурчакни тасвиrlай олиш ва уларнинг фарқини билиш;

" битта ёйнинг градус улчовини топиш учун шу ёйга тиralган марказий ва ички чизилган бурчакларнинг хоссаларини куллай олиш;

- учлари берилган айланада ётган ёки унга урилган учбурчакларни чизмада тасвиrlай олиш;

- учбурчакка ташқи ва ички чизилган айланаларни чизмада тасвиrlай олиш; доира ва унинг бўлаклари юзини формулалар бўйича хисоблашга доир масалаларни еча олиш;

- кесмаларнинг нисбати ва пропорционал кесмаларга доир масалаларни еча олиш;

-тўғри бурчакли учбурчакдаги гипотенузага туширилган баландликнинг хоссаларидан фойдаланиб масалалар ечиш;

- кесувчи ватарлар кесмаларининг ва кесувчи кесмаларнинг хоссаларидан фойдаланиб масалалар ечиш;

Бунда, “Ўхшаш геометрик шакллар” бобини ўргангач ўқувчилардан иккита ўхшаш учбурчакларнинг мос элементларини топа олиш, учбурчакларнинг ўхшашлик аломатларини масалалар ечишга тадбиқ эта олиш, гомотетиядан фойдаланиб кўпбурчакларни ясай олиш каби амалий кўникмаларни эгаллашлари талаб қилинади. “Учбурчакнинг томонлари ва бурчаклари орасидаги муносабатлар” номли боби бўйича ўқувчилар баъзи бурчакпарнинг синуси, косинуси, тангенси ва котангентини эркин ҳолда хисоблай олиши, асосий тригонометрик айниятлардан, синуслар ва косинуслар теоремаларини хисоблашга ва исботлашга доир масалаларни ечишда фойдалана олиш куникмасига эга бўлиши, “Айлана узунлиги ва доира юзи” бобини ўрганиб булгач эса мунтазам кўпбурчакни тасвиrlай олиши, мунтазам кўпбурчакка ташки ва ички чизилган айланаларнинг радиусларини топа олиши, айлана ва ёй узунликларини, доира ва унинг бўлаклари юзини хисоблай олишлари лозим. “Учбурчак ва айланадаги метрик муносабатлар” боби бўйича кесманинг нисбати ва пропорционал кесмаларга доир масалаларни, тўғри бурчакли учбурчакда гипотенузага туширилган баландликнинг, кесувчи ватар кесмаларининг ҳамда кесувчи тўғри чизиқ кесмаларининг хоссаларига доир масалаларни еча олиш куникмаларни эгаллаган бўлишлари зарур. Нихоят, “Планиметрия фани бўйича такрорлаш” номли бобни ўрганиш орқали ўқувчилар планиметрия фанидан уч йил давомида утилган материалларни такрорлаш орқали

эгаллаган билим, малака ва куникмаларини мустахкамлайдилар ва битирав аттестациясига тайёргарлик кўрадилар. Ушбу бобларни ўқитиш матни мавзулар кетма- кетлигига амалдаги дарслерда ўз аксини топган.

9-синф геометрия фанининг укув режасига кўра, дарснинг дастлабки 4 соати 7-8 синфлар материалларини такрорлаш билан бошланади. Бунда асосан тўртбурчаклар ва векторларнинг хоссаларига доир 32 та масала ечиш таклиф қилинган. Ушбу 4 соатлик такрорлаш қисмини анъанавий усулда утиш орқали мақсадга эришиш кийин. Шунинг учун бу дарсларни интерфаол усуллардан “Кластер” методини куллаб утиш яхши самара беради.

Дастлабки дарсни қўйидагича ташқил этиш мумкин:

1-боскич. Ўқитувчи: Хурматли ўқувчилар! Ҳар бир нарсани ибтидоси бўлганидек, унинг интихоси ҳам бўлади, албатта. Мана, ёзги марокли дам олиш ҳам уз поёнига етиб, сиз учун ҳам завкли, ҳам машаккатли бўлган мактабнинг сўнгги боскичи бошланди. Бу укув йилида сиз ҳар йилгига Караганда диккат ва эътибор билан укишингиз, келгусидаги хаёт йўлингизни танлашдек масъулият остонасида тўрганингизни хис қила олишингиз талаб этиладики, келажакда касб-хунар ўрганиш учун коллежда укишни давом эттирасизми ёки илм йўлини танлаб, укишни академик лицейда давом эттирасизми, бу сизнинг хошиш ва истагингизга боғлиқдир. Ҳар иккала ҳолатда ҳам сизнинг олдингизда яна илм сирларини ўрганиб, билим чуккиларини эгаллашни давом эттириш талаб этилади. Шундай экан, бугундан бошлаб, илгари олган билимларимизни мустахдамлаб боришга киришамиз. Марҳамат қилиб, хозир ҳаммамиз биргаликда геометриядан 8-синфда ўргангандаримизни ёдга туширишга ҳаракат қиласиз.

2-боскич. Ўқитувчи топширик беради: Ҳар бир ўқувчи 8- синфда геометриядан ўргангандаримизни, 5 дақиқа давомида уйлаб, эслаган нарсаларини дафтарига ёзади.

3-боскич. Ўқувчилар гурухларга бўлинадилар. Агар синфда 25 нафар ўқувчи бўлса, уларни 5 та гурухга ажратиб, ҳар 5 нафар ўқувчининг фикри умумлаштирилади ва ҳар бир гурух уз ишини химоя қилишга тайёрланади.

4-боскич. Ҳар бир гурух ишини тавдим этади. Ўқитувчи томонидан барча гурухдарнинг фикр- лари кузатиб борилади ва умумлаштирилиб, биргаликда холоса чикарилади.

Натижада ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорликда катта ҳажмдаги назарий материалларни қиска (45 дақиқа) вақт ичидаги эсга олиб, такрорлаш орқали билимларини мустахкамлайдилар. Кейинги дарсларда эса, такрорлашга яна ҳам жиддийрок ёндашилади, яъни теорема ва формулалар такрорланади. Учинчи ва тўртинчи дарсларда эса юкорида кайд этилган 32 та масапа

танланиб, синфда ва уйда ечилади.

Такрорлашни бундай ташкил этиш орқали ўқитувчи таълим сифатини оширишга эришади.

“Ўхшаш геометрик шакллар” га доир мавзуларни ўқитиш учун 17 соат вақт ажратилган, лекин ўхшашликка доир мавзулар ўқувчиларга бир-оз мураккаблик қилиши амалий тажрибадан маълум. Айниқса “Ўхшаш учбуручаклар ва уларнинг хоссалари” мавзусини бир соатда ўзлаштириш қийин. Бу мавзуда ўхшаш учбуручакларнинг 3-та хоссаси берилган бўлиб, 1-хосса теорема шаклида ифодаланиб, исбот қилинади (Иккита ўхшаш учбуручак юzlари нисбати ўхшашлик коэффициентининг квадратига teng). Иккинчи ва учинчи (Иккита ўхшаш учбуручаклар периметрларининг нисбати ўхшашлик коэффициентига teng. Ўхшаш учбуручакларнинг мос томонлари нисбати шу томонларга туширилган баландликлар нисбатларига teng) хоссалар эса исботлашга доир масала тарикасида берилган бўлиб, уларнинг исботини ҳам ўқувчи эсда сакдаб колиши талаб этилади, чунки кейинчалик ушбу хоссаларни масалалар ечишга тадбиқ эта олиши лозим.

Худди шундай учбуручаклар ўхшашлигининг аломатларига доир мавзулар ҳам режада белгиланган бир соатга дарсликдаги узлаштирилиши керак бўлган мазмун мос келмайди (қўплик қиласи). Ушбу мавзуларни утишда ҳам ўқитувчи ноанъанавий усуллардан самарали ва уз жойида фойдаланиш орқали муаммога ечим топиши мумкин. Бунда ўқитувчи учбуручакларнинг ўхшашлик аломатларини ифодаловчи теоремаларнинг исботларини видеопроекторда намойиш қилиб, савол-жавоб асосида ўқувчиларнинг тушунмаган жойларини шарҳдаб, жараённи аста-секинлик билан тушунтириб бориш орқали исботлашни якунласа мақсадга мувофик бўлади, яъни ҳар бир ўқувчи бевосита исботлаш жараёнида иштирок этади. Сўнгра ўқувчиларни кичик гурухларга бўлиб, уларга турли хил кўриниш ва алмаштиришга доир конструктив масалаларни ечиш топширилади. Масапан, дарсликда “Расмдаги маълумотлар асосида х ни топинг” мазмунда бир қанча конструктив масалалар берилганки, ўқитувчи ва ўқувчилар вақтдан унумли фойдаланиб, опримал ишлаш натижасида барча масалаларни ечиш имкониятига эга бўлсалар, ўқувчиларда чизма геометриясига доир фикр-мулоҳазалари кенгаяди, тушунча ва билимлари бойитилади. Натижада эса уларга тикувчи-бичувчи, курувчи, дурадгор, устачилик касбини эгаллашда дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ечиш осон кечади. Бунинг учун албатта, дарсда компьютер технологиялари ва дарснинг интерактив методларидан унумли фойдаланиш керак деб ҳисоблаймиз. Масалан, “Гомотетия ва ўхшашлик”, “Ўхшаш қўпбурчакларни ясаш” мавзуларини утишда дарсликнинг электрон вариантидан фойдаланиб, дарсни компьютер

хонасида утиш ўқувчилар учун ҳам қизиқарли, ҳам самарали бўлади, негаки ҳар бир ўқувчи Paint дастурдан фойдаланиб гомотетия асосида ўхашаш кўпбурчакларни ясаш кўникмасига эга бўладилар.

Мамлакатимиз мустақиллигигача бўлган даврда мактабларда самарадорликни ошириш мақсадида дарсларни ўқитишининг техника воситаларидан фойдаланиш талаб қилинар эди ва (асосан очик) дарслар шу асосда ўтиларди. Кейинчалик эса, яъни мактаблар компьютерлаштирилгач бу воситалар ўзини оқламади. Бугунги кунга келиб ҳар бир фан ўқитувчиси компьютерда мавзуга мувофик дарс материалига мос келадиган қилиб, эстетик дид билан ўзи ҳоҳлагандек намойишлар қилиш учун кўргазмалар тайёрлаши учун тулик имкониятлар мавжуд. Бундан ташкари хозирда мактабларга барча фанлар бўйича турли мавзуларда тайёр дастурлар ҳам етказиб берилмовдаки, бўлардан ўқитувчилар унумли фойдаланишлари керак.

Масалан, “Ўхашаш геометрик шакллар” га доир мавзуларни компьютер хонасида утиш методикасини уртоклашмокчимиз.

Бу мавзуга оид PowerPoint дастури ёрдамида “Гомотетия ва ўхашлик” номли кичик (слайдлаштирилган) дастурни тайёрлаб, дарсга тақдим этилади.

Ушбу дастурни тайёрлашда албатта ҳамма ўқитувчида ҳам ижодкорлик кобилияти намоён бўлавермайди. Шунинг учун илгариги манбалардан ҳам фойдаланса бўлади. Қандай қилиб? Масалан, ўша 80- йилларда яратилиб, мактабларга таркатилган “Ўхашлик ва гомотетия” номланишидаги икки кисимли кинофильмга кайта ишлов берилиб, уни амалдаги дастур материалларига мослаштириб, янгича мазмун билан бойитилади ва ўқувчиларга тақдим этилади. Укув материалини слайдлар шаклида намойиш қилишининг кинофильм шаклидан афзаллиги шундаки, курсатилаётган ҳар бир кадрни истаганча (ўқувчилар тушуниб олгунига қадар) тўхтатиб туриш мумкин. Кинофильмдаги воқеа ва ҳодисалар, чизмалар, формуулалар ўқувчиларнинг кўз олдидан тезлик билан ўтаб кетиши натижасида мазмuni тушунарли булмай колади.

Ўқитувчи мавзуни проектор орқали ўқувчиларга намойиш қилиб, тушунтириш жараёнида эвристик методни куллайди, яъни мавзуни савол-жавоб, мулокот орқали тушунтиради. Масалан, қуйидаги саволлар бериши мумкин:

Сиз экранда қандай шаклни кўриб турибсиз?

Айтинг-чи шакллар ичida шунга ўхашаш шакл борми?

Гомотетияга қандай таъриф берилади?

Гомотетик шаклларга мисоллар келтиринг.

Шаклларнинг ўхашлик коэффициента қандай топилар экан?

Гомотетия ўхшашлик алмаштириши бўлишини изохлаб беринг ва ҳ.к.

Ўкув материали назарий жиҳатдан мустаҳкамлангач, ўқувчилар жуфтликларда ишлаб, дарсликдаги машқларни компьютерда мустақил бажаришлари лозим. Масалан, учбурчак чизинг. Учбурчак ички соҳасида (ташқи соҳасида) 0 нуқта белгиланг ва коэффициенти 2 га тенг бўлган 0 марказли гомотетияни қараб, берилган учбурчакка гомотетик учбурчак ясанг.

Бундай топширикдарни ўқувчилар катта қизиқиши билан бажарадилар ва натижада даре материалларини пухта узлаштирадилар. Шу билан бирга болаларда компьютернинг Word ёки график дастурида ишлаш куникма (малака) си ҳам шаклланиб боради. Бу жараён орқали яна бир нарсани, яъни геометрия ва информатика фанлари интеграциясини ҳам кўриш мумкин.

“Учбурчак томонлари ва бурчаклари орасидаги муносабатлар” га доир мавзулар учун режада 17 соат вақт ажратилган. Ушбу боб шуниси билан ҳарактерлики, учбурчак элементлари орасидаги ўзаро боғланишларга тригонометрия тадбиқ этилади. Маълумки, тригонометрия математиканинг алоҳида соҳаси бўлиб, унга маҳсус фан сифатида каралади. Лекин математикада, хусусан геометриянинг кўпгина муаммоларини хал этишда тригонометрия асосий курол хисобланади. Бунга биз ўрта асрларда Ўрта Осиёда математика тараққиёти билан танишиш жараёнида ҳам бунга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. (Ўша давр тригонометриянинг камолот чўққисига эришган даври ҳисобланади). Мактаб математика фанида эса саккиз йиллик математика ўрганиш жараёнида тригонометрия ҳақида ҳеч нарса дейилмайди-да, факат тўққизинчи йилга келганда, яъни 9-синф алгебраси ва геометриясида қисман киритилган. Шунинг учун ҳам ўқувчилар тригонометрик тушунчаларни ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч келадилар. Масалан “Ўткир бурчакнинг синуси, косинуси, тангенси ва котангенси” мавзусини ўқитиш методик жиҳатдан қўйидагича ташкил этилган: янги мавзууни ўтишда дастлаб тўғри бурчакли учбурчак танлаб олинади ва бу учбурчакнинг чизмасига кўра элементлари номланади ҳамда уларга изоҳ берилади. Сўнгра тўғри бурчакли учбурчак ўткир бурчагининг синуси (косинуси, тангенси ва котангенси)га таъриф берилади. Таърифи келтирилган тушунчаларнинг ёзилиши ва ўқилиши ҳақида маълумот берилади ва келтирилган таърифлардан формулалар келтириб чиқарилади. Кейинги босқичда эса ушбу теорема исботланади: *Бир тўғри бурчакли учбурчакнинг ўткир бурчаги иккинчи тўғри бурчакли учбурчакнинг ўткир бурчагига тенг бўлса, бу ўткир бурчакларнинг синуслари (косинуси, тангенси ва котангенси) ҳам тенг бўлади.* Теорема исбот қилингач, ўқитувчи томонидан шу теореманинг тадбиқига доир битта масала ечиб кўрсатилади.

Дарснинг мустаҳкамлаш қисмида эса дарсликнинг “савол, масала ва топшириқлар” қисмидаги 2 та савол ва 5 та масаладан учтасини синфда қолган 2 тасини уйда ишлаш учун берилади. Ушбу бир соатлик дарс жараёнини кузатиб, шундай холосага келиш мумкин: дарсни инновацион технологиялар асосида ўтиб, вақтдан унумли фойдаланиш эвазига катта ҳажмдаги тушунчаларни бир соатга сигдириш мумкин бўлган тақдирда ҳам, ўқувчилар ўргангандан тушунчаларининг моҳиятини англаб етмайдилар. “ $\sin x$ ”, “ $\cos x$ ”, $\operatorname{tg} x$ ” ва “ $\operatorname{ctg} x$ ” деб юритиладиган ибораларнинг мазмун моҳиятини англаб етмаганликлари учун ўқувчилар берилган билимларни формал ўзлаштирадилар. Мактаб математика дастури даражасида эса бундай формалликнинг олдини олишнинг иложи йўқ. Таълимнинг мактабдан кейинги босқичида эса ушбу муаммонинг ечими топилади. Шунинг учун баъзи ҳолларда математик тушунчаларни формал ҳолда ёдлаб олишга ҳам тўғри келади. Лекин бир туркум тушунчаларни маъносини англаб етмасдан, шунчаки ёдлаб олиш орқали ўқувчида мустақил фикрлай олиш, масалаларни мустақил еча олиш кўникма ва малакаларини шакллантириб бўлмайди.

Шунга ўхшашиб “Айлана узунлиги ва доира юзи”, “Учбурчак ва айланадаги метрик муносабатлар” боблари учун ҳам умумлаштирувчи дастурлар яратиб, дарсни самарали ва сермазмун қилиб ўтказиш ҳар бир ўқитувчининг қўлидан келади.

Л.В. Шкеринанинг агар математик фаолиятнинг ташқи мақсадлари (математик предметларни ўрганиш натижаларига қўйиладиган ДТС талаблари) ўқувчиларнинг ички талабларига яқинлаштирилса, улар томонидан қабул қилиш эҳтимоли каттароқ бўлади, яъни умумий ўрта таълимда уларни математик тайёрлаш жараёнидаги ўқув – билиш фаолияти мақсадларига ўтади - деган фикрига қўшиламиз.

Ишлаб чиқилаётган методикада умумий ўрта таълимда геометриянинг планиметрия бўлимини ўқитиши бўйича анъанавий методиканинг ортирилган ижобий тажрибасидан фойдаланилади ва тажрибаларни – бўлажак ўқитувчиларни математикани ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш тамойиллари амалга оширилади.

Умумий ўрта таълимда геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўрганиш қуйидаги мақсадларга эришишга йўналтирилган:

- амалий фаолият қўллаш учун зарур бўлган математик билим ва кўнилмалар тизимини эгаллаш, турдош фанларни ўрганиш, фазовий тасаввур, алгоритмик маданият, интуиция, танқидийлик ва ўз-ўзини танқид каби шахс сифатларини ривожлантириш;

- фан ва техниканинг универсал тили, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш воситаси сифатида геометрия фанининг планиметрия бўлимининг ғоя ва методлари ҳақидаги тасаввурни шакллантириш;

- геометрияни ахборот технологиялари воситалари билан шахс маданиятини шакллантириш, ижтимоий тараққиёт учун математика, шу жумладан геометрия фанининг планиметрия бўлимининг аҳамиятини тушуниш.

Маълумки, XVII асрда техника ривожига қўйилаётган талаблар Фалес ва Пифагор асарларида “нуқта ва тўғри чизик” тушунчасини пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозирги замонавий ҳолатга қараб қўпчилик замонавий ҳисобкитоблар орасида “нуқта ва тўғри чизик” тушунчасидан бошланган ва улардан фойдаланилаётган анъанавий математика ётади.

Математика ҳамма вақт амалий масалаларни ечиш имкониятини таъминлайди. Замонавий математик пакетлар, маҳсус ишлаб чиқилган дастурлар эса оммавий масалаларни ечишни ва мутахассисларнинг назарий тадқиқотларини осонлаштириди. Ўқувчилар замонавий ахборот технологияларидан геометриянинг планиметрия бўлимини ўрганишда муҳим рол ўйнаши ва ўзларининг бу борадаги шахсий тажрибаларига ишониши керак.

Геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитиш математиканинг бошқа бўлим ва мавзуларини ўқитиш билан бир қаторда ўқувчиларнинг етарли даражада юқори илмий тайёргарлигининг шаклланишига ёрдам бериши керак.

Уларнинг геометрия фанининг планиметрия бўлимини бўйича билимлари етарлича кенг бўлишлари керакки, улар мактабда ишлаш даврида геометрик тушунчаларининг моҳиятини уларнинг амалий масалаларни ечишга тадбиқларининг турли соҳалари ҳақида айтиб беришга имкон яратсин.

Амалий масалаларни ечишда геометрик тушунчаларини ишлатишни билиш ва геометрик чизмаларни тасвиrlай билиш кўникмалари шаклланишида ахборот технологияларидан фойдаланиш муҳимdir.

Умумий ўрта таълимда геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитиш, математика фанининг бошқа ихтиёрий бўлимини ўқитиши каби математик фикрлашнинг унга хос сифатлари фикр юритишнинг мантиқийлиги ва аниқлиги қўйилган масаланинг ечилишининг алгоритмиклиги, локанизмлиги билан ривожланишини таъминлаш керак. Агар ахборот технологияларига билиш воситаси сифатида устиворлик берилса, у ҳолда уларнинг математик фикрлаши ривожланишидаги имкониятларини етарлича катта деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу ҳолат ўқитиш

фаоллигининг педагогик тамойили билан боғлиқ: компьютердан билиш ускунаси сифатида фойдаланиш ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини фаоллаштиради, интегралларни ҳисоблашда билим, билиш, кўникмалардан фаол фойдаланишни тахмин қиласди – деган ўқитиш фаоллигининг педагогик тамойили билан узвий боғлиқ.

Геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитишни шундай ташкил этиш керакки, ўқувчилар математика методикаси фани пропедевтикасида мактабда анализ асосларини ўқитиш мазмуни, усуллари ва шакллари билан танишишлари керак. У математикага объектнинг турли хусусиятлари ва характеристикаларининг ўзгариши жараёнларининг математик моделларини ўрганувчи фан сифатида мустаҳкам қизиқишини таъминлаши керак. Ўқувчиларни аниқ, каррали ва эгри чизиқли интегралларни тадбиқидаги кенг имкониятларига қизиқтириш керак. Математикага қизиқишини тарбиялашда ахборот технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитиш жараёнида ўқувчилардан назариянинг асосий таърифлар ва қоидаларининг аниқ таърифлаши, ўз фикрларини мантиқий тўғри, кетма-кет ва хат – саводли баён этишига эришиш керак.

Фан ва техникада маълумотларни кўпайтириш хусусий ҳодисалар ва боғланишларга тегишли бўлган янги маълумотларни тўплашдан келиб чиқади. Шунга қарамай илмий билимлар таркибида принципиал ўзгаришлар деярли кам бўлади. Ўқувчиларни шахсий билимларини тўплашга шундай ёндошишни ўргатиш керакки, унинг натижасида улар нафақат ҳозир маълум бўлган балки келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни мустақил таҳлил қилишга тайёр бўлсин. Бу ўз вақтида замонавий мутахассиснинг ахборот маданиятига эга бўлишига ёрдам беради. Муҳими, ўқувчилар бошқа фанлар соҳасида ахборот технологияларидан фойдаланишни ўрганган бўлиши керак, бусиз ахборот маданият ҳақида гапириш мумкин эмас.

Ахборот маданияти - деганда ахборотнинг жамиятдаги вазифаси ва шахснинг ахборот сифатларининг шаклланиши билан боғлиқ маданият соҳаси тушунилади [21].

А.Г. Мордкович томонидан таклиф этилган педагогика институтлари ўқувчилари математикани ўқитиш мақсадлари тизимининг (илмий дунёқарашини тарбиялаш; мактабда ишлаш учун етарли даражадги математик билим, билиш ва кўникмаларни шакллантириш; математик фаолиятининг етарли тажрибасини таъминлаш) Математика фани имкониятлари билан нисбати ҳақидаги масалани қараш ушбу курс материали асосида педагогика институтларида математика фанининг методик

моделининг қуйидаги компонентлари мувофақиятли амалга оширилади деб хулоса чиқаришга имкон беради.

- мотивация (киритилаётган масалалар сериясини олдиндан ўйлаб танлаш йўли билан, интегралнинг мтематик моделига олиб келувчи реал холатларни расмийлаштириш);

- пропедевтика (Математика фанининг асосий бўлимларида интеграллашни ажратиш йўли билан);

- алгоритмик йўналиш (қаралаётган курсда кўпроқ бўлган аниқ турдаги интегралларни ҳисоблаш алгоритмларини расмийлаштириш йўли билан);

- ўқувчиларга математик моделлаштиришни ўрганиш;

- ўқувчиларга дидактик тамойилларни бевосита ва билвосита ўқитиш; ўқувчиларни ички ва предметлараро боғланишларни амалга ошириш ва тўғри тушунишга ўргатиш.

Курс мазмуни. Умумий ўрта таълим мактаб фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим масалаларидан бири илмий асосланган таълим мазмуни таърифидир. Замонавий юқори малакали мутахассис мураккаб, тез ўзгарувчи шароитларда ишлайди. Бу ўқитиш мазмунини систематик тўғрилаш ва янгилаш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Анъанавий педагогикада таълим мазмуни тизимлаштирилган билим, кўникма ва малакалар нуқтаи назарлар ва ишончлар мажмуаси, шу билан бирга билиш кучларининг аниқ даражаси ўкув тарбиявий иш натижасида эришилган амалий тайёргарлик сифатида аниқланади.

Охирги йилларда таълимни умумлаштириш ғояси асосида таълим мазмуни моҳиятини аниқлашга шахсий – йўналтирилган ёндашиш асосида ёндашиш. Шахсий – йўналтирилган таълим мазмуни инсоннинг табиий хусусиятлари, унинг ижтимоий хусусиятлари ва маданият субъекти хусусиятларининг ривожланишига йўналтирилган.

А.В. Петровскийнинг “умумий ўрта таълим тизимида жамият томонидан қўйилган талабнинг педагогик таҳлили ва ижтимоий жамиятнинг ўзлаштиришга фаолиятли характеридан келиб чиқсан олий таълим мазмунини шакллантириш ушбу мазмунни проекциялаш ва ясашнинг кўпдаражали жараёндир” - деган нуқтаи назарига қўшиламиз [66].

Таълим мазмуни - деганда билим, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият ва ҳиссий иродали муносабатлар тажрибаларининг педагогик мослаштирилган тизимини тушунамиз. Унинг ўзлаштирилиши эса жамиятнинг моддий ва маънавий маданиятини тиклаш ва ривожлантиришга тайёр бўлган ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришни таъминлайди.

Ўқувчиларга геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитиш мазмуни ДТС га, ўқувчиларини тайёрлашнинг мақсадлари ва мактаб математик таълимида рўй берган ўзгаришларга асосланиб шаклланган. Аммо ахборот технологияларидан фойдаланиб геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитиш бу мавзуни ўқитишнинг анъанавий мазмунини бир мунча ўзгартиришни талаб этади.

Биринчидан, визуаллик тамойили ахборот технологияларидан фойдаланиш компьютернинг визуаллик имкониятларига йўналтирилган бўлишини талаб этилади.

Амалий машғулотлар ва лаборатория ишларида айниқса, аниқ интеграл тадбиқларини ўрганишда ўқувчилар юзаси ҳисобланиши керак бўлган фигуralарни декарт ва қутб координаталарда ясашни билиши; ҳажми ёки сирт юзи нафақат қалам ва чизғич ёрдамида балки замонавий катта математик пакетлар билан амал бажаришда топиладиган жисм ва унинг кесимини ясашни билиш керак. Шунга ўхшашиб саволларни кўриб чиқиш учун ўқувчиларни математик пакетларнинг графикили имкониятлари билан таништириш зарур.

Иккинчидан, ахборот технологияларидан билиш воситаси сифатида фойдаланиш тамойили геометрияни ўрганишда ўқувчилар ахборот технологияларини ўқитиш жараёнида янги билимларга эга бўлиш, кўниkmаларни мустаҳкамлаш ва геометрик тушунчаларни пухта ўрганиб чиқиш, амалий масалаларни ечиш учун янги малакаларни шакллантиришни талаб этади.

Шу сабабли математик пакетлар учун дастурлашнинг юқори даражали ва ички тилларидан фойдаланиш (кўзда тутилади); ўқувчиларни маълумотли материаллар банки ва маълумотлар базасини яратишда жалб этиш; тестларни тайёр қолипига киритишни ишлаб чиқиш тахмин қилинади. Ўқувчиларга индивидуал уйга вазифалар сифатида қуидаги мавзулар бўйича: “нуқта”, “нуқтанинг координаталари”, “икки нуқта орасидаги масофа”, “икки нуқтадан ўтувчи тўғри чизиқ”, “нуқта ва тўғри чизиқ орасидаги масофа” Power Point да тақдимот яратиш таклиф этилади.

Мажмуавийлик тамойили, компьютер замонавий фандаги тутган ўрнининг муҳимлигини тушуниши билан бирга ўқувчилар дастурлар, математик пакетлар ва муҳитлар инсон томонидан яратилганлигини англашлари янгини талаб этади. Экранда нуқтанинг кординаталари орқали кординаталар текислигига нуқтани ясаш алгоритмлари инсон томонидан ёзилган, шунинг учун геометрик фигуralарни тасвиrlашда компьютернинг ўрни ва ролини яхшироқ тушунишлари учун амалий ва лаборатория машғулотларига (шундай вазифаларни киритиш) компьютернинг реал

бўлмаган ҳисоблашини, яъни айрим вақтларда компьютер ечим сифатида тушунарли ва маъноли натижаларни бера олмаслигини намойиш этувчи вазифаларни киритиш керак.

Учинчидан, компьютердан тизимли фойдаланиш тамойили, геометрияни ўқитиш жараёнида барча асосий назарий, амалий саволларда ва амалий масалаларни ечишда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари намойиш этилишини талаб қилади.

Тўртинчидан, мактабга мўлжаллаш тамойили, интеграл ҳисобини ўқитиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёнида мос интегрални ўрганишда мактаб математика фанида геометриянинг планиметриясидаги айрим масалаларини кўриб чиқиши талаб қилади.

Кўйидаги индивидуал ижодий вазифалар ёрдамида математика ўқитиши методикасининг пропедивтик йўналиши кучаяди: мактаб ўқувчилари учун тестларни ишлаб чиқиш, тренижёр – дастур ёки “нуқта” ва “нуқтанинг кординаталари” мавзулари бўйича ўқитиш дастурларини яратиш, “икки нуқта орасидаги масофа” мавзуси, бўйича презентация – дастурини ишлаб чиқиш. Шундай қилиб ўқувчилар амалиётда уларнинг келажакдаги қасбий фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиб математика дарсларини мустақил ишлаб чиқишининг муҳимлигини тушунишади.

Уумий ўрта таълимда ўқувчиларига математикани ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш тамойилининг ўқитиш мазмунига таъсирининг юқорида келтирилган тахлилига кўра геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўрганиш тематик режасига алоҳида ахборот технологияларидан фойдаланишга боғлиқ назарий саволлар ва амалий масалаларни киритиш зарур деган холосага келамиз. Уларнинг рўйхатини келтирамиз:

- Maple символик ҳисоблашлар пакетининг графикили имкониятидан эгри чизиқли трапециялар ва геометрик жисмларни тасвирлашда фойдаланиш;
- айланиш жисм ҳажми. Айланиш сирти юзи. Ахборот технологияларидан фойдаланиб тасвирлаш ва ҳисоблаш;

Ўйга бериладиган топшириқлар устида ишлаш жараёнида мустақил иш қисман компьютер синфида ўтади, бу ҳар бир ўқувчига иккинчи модулни ўрганишда ўз ўқтиш траекториясини индивидуал яратишга имкон яратади.

Ўқитиш методлари. Ўқитишнинг мақсадини аниқлаш ва мазмунини корректировкалашдан сўнг мос ўқитиш усулларини танлаш мухимdir. Бунга ўқиши жараёнининг мувофақиятли кечиши боғлиқ.

Метод (метод грекча “тадқиқот”) – мақсадга эриши йўли, усули маълум даражада тартибланган фаолият.

Педагогик адабиётда “ўқитиш методи” тушунчаси таърифига ягона ёндошиш йўқ.

И.Я. Лернер ва М.Н. Скаткин ўқитиш методларини ўқувчиликнинг билиш фаолиятини ташкил этиш йўллари сифатида аниқлайдилар [95, 96].

Н.Д. Никодров ўқитиш методи деганда ўқувчининг билиш фаолиятини бошқариш усулини тушунади [59].

Яъни, бу ҳолда ўқитиш методи тушунчаси ўқитувчининг ўқувчига таъсири усули сифатида таърифланади. Аммо кўп олимлар бутун ўқув жараёнини “ўтказувчи – қабул қилувчи” тизимга келтириш мумкин эмас деб ҳисоблайдилар [59]. Педагог – ўқувчи муносабатларда фаоллик ва ўзаро таъсир зарур, нратижа сифатида ўқувчидаги аниқ билим, билиш ва кўникма шаклланиши учун педагог таъсири ўқувчининг фаоллиги стимуллайди, шу билан бирга аниқ, олдиндан қўйилган мақсадларга эришилади. Шунинг учун ўқитишнинг ўқувчининг ташкини ички фаоллигини стимуллаш жараёни сифатида тақдим этиш мумкин. Аммо одамда билим, билиш, кўникмаларнинг шаклланиши жараёни фақат унинг шахсий фаоллиги натижасида кечади.

Дидактика ўқитишда икки томонни ажратади: ўқитиш – ўқитувчининг материални баён этиш, ўқувчилар томонидан ўрганилаётган фан ва ходисаларни кузатишни таклиф этиш мактаб ўқувчиларининг билимларни ўрганиш ва уларни тадбиқ этиш бўйича ишини бошқариш уларнинг билим, билиш ва кўникмаларни ўзлаштиришини текшириш фаолияти; ўқиш – ўқувчиларнинг аниқ фан ва жараёни тушишга, ўқитувчининг тушунтиришларини эшлишга, ўрганиладиган фактларни, предметларни, ходисаларни ва улар орасидаги боғланишнинг маъносини тушунишга, тушунган фактларни умумлаштиришга, ўқитувчининг вазифалари бўйича билимларни мустахкамлаш ва улардан фойдаланишга қаратилган ўқитувчи томонидан бошқариладиган онгли фаолиятидир [49].

Бундай ёндошишга асосланиб, Е.Я. Голант ўқитиш усули деганда ўқитувчи ва ўқувчининг ўқитиш масаласини ечишга йўналтирилган ўзаро боғлиқ фаолияти усулини тушунади [31]. М.И. Махмутов, Р.А. Низомов, Ю.К. Бабанскийлар ҳам “ўқитиш методи” тушунчасининг шунга ўхшаш таърифини келтирадилар.

Л.В. Шкерина томонидан келтирилган тушунчага ёндашишлар бир-бирига зид эмас, балки улар бир – бирини тўлдиради, чунки улар кўпроқ дидактик жараёнларни акс этувчи ўқитиш усули таърифини беришга имкон беради. Бу ёндашишлар асосида усул бир томондан ўқувчиларнинг билиш,

ўқув материалини ўзлаштириш ва ўқув – билиш фаолияти усули сифатида характерланади, бошқа томондан эса – бу билимларни, билишларни, кўникмаларини узатиш усули ва бу фаолиятни бошқаришни ташкил этиш усули сифатида характерланади [78].

Ўқитиши методларининг турли классификацияси мавжуд. Олимлар уларни билимлар манбалари (сўзли, кўргазмали, амалий) бўйича қўйидаги гурухларга ажратадилар:

- ўқитиши босқичлари (билимларга эга бўлиш, ижодий фаолият, мустахкамлаш, билимлар, билишлар ва кўникмаларни текширишлар) бўйича;
- фаолият характеристири ва мустақиллик даражаси ва ижодийлиги (тушунтиришли – тасвирли, репродуктивли, муаммоли баён, қисман – изланувчанли, татқиқотли) бўйича;
- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билимларни ўтказиш ва қабул қилиш манбаларига муносабатлари (сўзли, китоб билан ишлаш, кузатиш, тажриба, машқ ва амалий иш) бўйича;
- ўқитиши методи мос ўқитиши методи билан бирга олиб бориш усули (информацион – умумлаштирувчи, бажарувчанлик, тушунтирувчи, репродуктивли, йўл-йўриқли ва самарали амалий, тушунтирувчи – ундовчи, қисман – изланувчи, ундовчи ва изловчи) бўйича табақалаштириладилар.

Юқорида қаралган гурухлар кирувчи жуда кўп турли хусусий методлар ҳақида гапириш мумкин. Маълумки, уларнинг ҳар бирини геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитишида ишлатилиши мумкин. Лекин ахборот технологияларининг ривожланиши билан ахборот технологиялари ўқитиши жараёнига киритиш эҳтиёжи ва имкони пайдо бўлди, бу айрим ўқитиши методларига таъсир этади.

Ўқитувчи ёки ўқувчилар томонидан бирор компьютерли математик пакет тилида ёки юқори даражадаги дастурлаш тилида ёзилган турли намойиш (тақдимот) дастурлари назарда тутилади. Ўрганилаётган материалнинг бирор фактини тасвирловчи дастурни ёзиш ҳам ўқувчиларга вазифа бўлиши мумкин. Масалан, аниқ интегрални тақрибий ҳисоблаш усулларини ўқитиши жараёнида ўқувчилар аниқ интегралнинг тақрибий қийматини тўғри тўртбурчак ва трапеция усули билан ҳисоблашни тасвирлашнинг мос дастурларини тузиши, ўқитувчи эса Симпсон ва Монте-Карло усуллари билан аниқ интегралнинг тадбиқий қисмини ҳисоблашни тасвирловчи дастурни ёзишлари ҳам мумкин. Бу эгри чизиқли трапецияларнинг статик (харакатсиз) тасвири ёки динамикада ўзгаришларни кўрсатувчи айрим теоремаларнинг қадамли тасвирини билиши мумкин. Шунингдек, ахборот технологиялари ҳажми ёки сирти юзаси аниқ интеграл ёрдамида ҳисобланадиган геометрик жисмнинг кесимини визуаллаштириш ва

аксинча, амалий масалада сўз бораётган геометрик жисмни унинг кесими бўйича тиклаш имконини беради.

Амалий ва лаборатория машғулотларидағи одатий масалалар бу сода геометрик фигуранларни қуриш масалалариdir. Турли хилдаги геометрик фигуранларни қуришни билишни шакллантирилиши лозим бўлган билимлардан бириdir. Лекин бундай олий мақсадга эришишга интилишда абстракт тушунча “нуқта ва тўғри чизик” устига қуриладиган фигуранларни тушунишга эришиш керак. Геометрик тадбиқларни ўрганишдан аввал тушунчанинг геометрик маъносига ўқувчиларни мурожаат этишга мажбур қилувчи мисолларни танлаш билан масаланинг ечимиға ижодий ёндошишни амалга оширамиз. Бизнинг фикримизча кесмага нисбатан симметрик ёки кесмани ўртасидан ўтувчи тўғри чизиққа нисбатан симметрик эгри чизиқли трапециялар юзасини ҳисоблаш масалаларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ахборот технологияларидан ўқувчиларнинг алгоритмик маданиятини шакллантириш учун фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш методлари. Алгоритмик маданият деганда жамиятнинг ҳозирги вақтда ривожланишида ҳар-бир инсоннинг умумий маданиятининг қисми бўлиши керак бўлган маҳсус “алгоритмик” тасаввур, билим ва кўникмалар мажмуасини тушуниш қабул қилинган. Алгоритмик маданиятга эга бўлиш: алгоритм мазмунини ва унинг хоссаларини тушуниш алгоритми мавдуж бўлган шахс фаолиятининг соҳасини автоматлаштириш имкони ҳақидаги тасаввурларга эга бўлишни; таърифлашнинг аниқ воситалари ва усуллари (масалан, блок схема) ёрдамида алгоритмни таърифлашни билиши; алгоритмик жараёнларнинг асосий турларини билишни назарда тутади.

Ўқувчилар асосан “Декарт координаталар системаси” мавзусини ўрганиш давомида ўрганган усуллари ўзлари аниқ алгоритмлардир. “Декарт координаталар системаси” мавзусидаги масалаларни ечишда берилган нуқтани тасвирлаш усули маълум бўлган у ёки бу қуришларни киритиш алгоритмларини аниқ фарқлаш зарур.

Ўқувчилар томонидан геометрик фигуранларни тасвирлаш алгоритмларни билишни талаб қиласи. Геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитиш жараёнида ахборот технологиялари билан боғлиқ барча: нуқта ва тўғри чизик мавзусидаги дастурлаш тилларида тузиш усуллари ҳақида тақдимот яратиш ва бошқа вазифаларни киритиш ўқувчиларнинг алгоритмик маданиятини шакллантириш ва ривожланиши учун бевосита усоллайдир. Бу ерда функциянинг бирор нуқтадаги қийматини ҳисоблаш ва эгри чизиқли трапеция юзини топишдан тортиб то дастур тузишгача барча алгоритмлардан фойдаланишга бўйсинади ва ўқувчилар фойдаланган

алгоритмлардаги хатоликларни тұғирламағунча керакли натижага эга бўла олмайдилар, яъни дастур ишламайди.

Агар ўқувчилар олдига ечимида компьютер иштиrogи талаб қилинган ижодий масалалар қўйилса, масаланинг шартидан охирги натижагача бўлган, мини – алгоритмлардан тузилган занжирни тузишни билиш ҳам яхши шаклланади.

Ўқувчилар компьютерли математик пакетлар ёрдамида содда геометрик фигуralарни қуриш учун тайёр алгоритмлардан фойдаланган биринчи машғулотда ўқитувчининг мос тушинтиришларидан сўнг иш репродуктив даражада кечади. Сўнгра, ўқувчилар индивидуал ижодий вазифа устида мустақил ишлай бошлагандага қисман – изланувчи усул ишлай бошлайди.

Бу ерда биз бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган ўқитишни интенсификациялаш масаласини ечишга яқинлашамиз.

Математик моделни қуриш вақтида ўқитувчининг иштироки даражаси ва ролига қараб ушбу усуллар гурухини репродуктив, қисман – изланувчан ёки тадқиқотли методлар гурухига киритиш мумкин.

4. Компьютердан масалаларни ечиш жараёнига ижодий, эмоционал муносабатларни яратиш воситаси сифатида фойдаланишга мўлжаланган ўқитиш методлари. Ўқитувчи интеграл ҳисобни ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиб, ўқув жараёнини ёрқин, эмоционал рангларга бўяди, шу билан бирга ҳозирги замон математика ўқитувчисининг образини нафакат мактаб математика фанини мукаммал билиувчи шахс сифатида, балки математик формулалар ва теоремалар ортида турган ходисаларни тушунувчи; фанлараро боғланишларни ахборот технологияларининг бутун инсоният ва хусусан таълимнинг ривожланишида тутган ўрнини англайдиган инсон сифатида шакллантиради.

Ўқув жараёнига ижодий, эмоционал муносабатни яратувчи усуллар ҳақида гапирилганда ахборот технологияларининг эгри чизиқли трапецияларни ва ўрганилаётган геометрик жисмни визуаллаштиришдаги имкониятларини эслатмаслик мумкин эмас. Шу билан бирга таклиф этилаётган методикада имкон пайдо бўлгандан компьютердан кўпроқ фойдаланиш ҳақида сўз бораётганлигини айтиб ўтишимиз керак. Содда геометрик фигуralарни қуриш қўникмасининг анъанавий қайта ишлаш тушунтириш – тасвири, репродуктив усулари билан ўқитишнинг бошланғич даврларида жуда муҳам ўринга эга. Ўрганилган материални такрорлаш учун қисман – изланувчи ва тадқиқотли усулларга кўтарилган ҳолда ахборот технологияларидан фойдаланиш фойдали.

Айрим вақтда, ўқувчи содда геометрик фигураларни усулини: бошқа усулни тезда танлашда қийналади. Бундай ўқувчилар учун геометрик фигураларни тасвирлаш усуллари ҳақида зарур маълумотлардан тузилган кўрсатма ва суюнч (таянч) жадваллар системасини ва мос компьютер маълумотлар базасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар ўқувчилар бу жараёнда иштирок этишмаса, у ҳолда тушунтириш – тасвирли ёки репродуктив ўқитиш усуллари ҳақида сўз олиб бориш мумкин. Агар ўқитувчи маълумотлар базасини яратишга ўқувчиларни жалб этса, у ҳолда қисман – изланувчи ва тадқиқотли ўқитиш усулларига ўтиш амалга оширилади.

Мактаб математика фанининг шу мавзусига оид мисолардан тузилган компьютернинг маълумотлар базасини яратишга нафақат иккинчи курс ўқувчиларини, балки юқори курс ўқувчиларини ҳам жалб этиш мумкин, чунки ушбу усул мактаб ўқувчиларига математика ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланишга яхши тайёргарлик бўлади.

Ахборот технологияларидан фойдаланишнинг бошқа шакли – ўқувчилар томонидан тестли вазифаларни ишлаб чиқиш ва улар билан компьютернинг тест қобиқ (обложка) ларини тўлдириш бўлади. Бу ўрганилган назарий материаллар бўйича; содда геометрик фигураларни билиш бўйича; геометрик фигураларнинг ҳаётдаги тадбиқи бўйича ва бошқа тестлар бўлиши мумкин. Кўпгина олимларнинг тадқиқотлари кўрсатиши бўйича тестли вазифаларни мустақил танлаган ва ечган ўқувчилар бошқа тест тузиш жараёнида қатнашмаган ўқувчиларга нисбатан мавзуларни яхшироқ ўзлаштирадилар, охиргилари шу тестлар ёрдамида бир неча марта синовдан ўтказилишига қарамай. Бу яна бир марта компьютердан билиш ускунаси сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини, яъни педагогика умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни – бўлажак математика ва информатика ўқитувчиларини математикани ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг асосий тамоиларидан бири эканлигини тасдиқлайди.

2.2.§. Умумий ўрта мактаб математика фанини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитишининг шакл ва воситалари

Ўқитиши ташкил этишнинг асосий мақсадларидан бири – бу унинг самарали шаклини танлашдан иборат. Педагогик манбаларда “ўқитиши шакли” тушунчасига ягона таъриф мавжуд эмас.

А.В. Петровский ўқитиши шаклларини маълум дидактик масалаларни ечишга қаратилган ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш усуллари, ўқитишининг ташкилий шакллари (маъруза, семинар, мустақил иш ва ҳоказо), яъни ўқувчи ва ўқитувчининг ўқитиши усуллари ва мазмунини амалга оширувчи ўзаро ҳамкорлиги усулларидир - деб таърифлайди [62].

Б.П. Есипов эса ўқитишининг ташкилий шакли - деганда ўқув ишлари, дидактик масала ва ўқитиши усулларининг мазмунини амалга ошириш усулини тушунишни қайд этган [25].

Р.А. Низамов ўқитишининг ташкилий шаклини ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш усули - деб таърифлаган [18].

Н.Д. Никандров эса ўқитиши шакли – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро боғланишининг қандайдир усулидир, унинг асосида (миқёсида) ўқитишининг усуллари ва мазмунни амалга оширилади - деган таърифни берган [59].

Умуман олганда педагогика соҳасида изланиш олиб бораётган олимлар, ўқитиши шакли – бу ўқитиши субъекти ва обьектининг ўзаро таъсирлашувини амалга оширувчи белгиланган мақсадлар, танланган мавзу ва усуллари асосида ўқитувчи томонидан таълим олувчиларга билим, кўникум ва малакаларни узатишини ташкил этишнинг қандайдир усулидир - деган фикрга келишган.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишининг маъруза, турли амалий машғулотлар, семинар, лаборатория ишлари, практикум, ўқувчилар мустақил ишлари, илмий-тадқиқот ишлари, педагогик амалиётлар каби шаклларидан фойдаланилади. Келтирилган ўқитиши шаклларидан Математика фанининг геометрия фанининг планиметрия бўлиминини ўқитиши жараёнида фойдаланиш мумкин.

Педагогик амалиётларда мақсад, мазмун ва усулларга боғлиқ ўқитиши усулларини танлаш бўйича кўрсатмалар мавжуд, аммо, бу танлашга ўқитиши воситасининг бирор таъсири деярли сезилмайди. Биз В.Р. Майернинг “Яқинга қадар ўқитишининг асосий воситалари китоб, конспект, синф доскаси ва бўр ҳисобланган вақтларда бу табиий эди. Лекин, ўқитиши жараёнига компьютер техникаси ва ахборот технологияси кириб келишидан бошлаб, бу ҳолат тубдан ўзгарди. Энди машғулотларнинг ташкилий шаклини ўқитиши

воситаларини эътиборга олмасдан режалаштириш мумкин эмас” деган фикрига қўшиламиз [98].

Замонавий педагогикада глобал тенденциялардан бири – бу билим олувчининг талаб ва имкониятларига қараб ўқитишни глобаллаштириш ва дифференциациялаш тенденциясидир. Л.В. Шкерина ўқитишга дифференциал ёндашиш, индивидуал ўкув траекторияларини яратиш ва амалга ошириш учун машғулотлар тизимида дифференциалланган потенциал (кўрсаткич) шартлари бажарилиши керак, деб таъкидлайди [78]. Компьютер технологиялари имкониятларидан фойдаланиш бу кўрсаткичларни сезиларли даражада оширади.

Педагогнинг вазифалари тўпламига нафакат ўқитиш вазифаси, балки бошқариш вазифаси ҳам киради. Кўпгина олимлар (масалан, С.И. Архангельский, В.П. Бесспалько, П.Я. Гальперин, Т.И. Ильина, Н.Ф. Талызина, Л.В. Шкерина ва бошқалар) ўз тадқиқотларини педагогик тизимда бошқариш масалаларига бағишлиаганлар. Л.В. Шкерина томонидан ўкув фаолиятини бошқариш тушунчасига берилган таърифни асос қилиб оламиз [78]. Умумий ўрта таълим мактабларида ўкувчиларнинг математик тайёргарлик жараёнида уларнинг ўкув-билиш фаолиятини бошқариш – деганда, ушбу фаолиятнинг обьекти (субъекти) сифатида ўкувчига унинг натижаларининг обьектив таҳлилига асосланган ва бўлажак математика ўқитувчисининг математик тайёргарлик мақсадига эришишга йўналтирилган таъсири тушунилади.

Ўқитиш жараёнини бошқариш ўкув жараёнининг жорий ҳолатини ўз вақтидаги ташхисига асосланади. Ушбу жараён ўқитувчи учун компьютер технологияларидан фойдаланиш натижасида енгиллашади, энди у нафакат ўз субъектив сезгиларига, балки тест натижаларига ҳам асосланади. Компьютер натижаларни қайта ишлаганлиги сабабли унда ўкув жараёнини тўғирлаш учун кескин сабаблар (тест натижалари) ва қўшимча вақт пайдо бўлади.

Муаллиф ушбу ёндашувни геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитишни ташкил этишда амалга оширишга интилади. Масалан, “Аниқ интеграл ва унинг татбиқлари” мавзусини ўқитишни бошлашдан аввал “Аниқмас интеграл” мавзусини ўзлаштириши ва аниқмас интегралларни ҳисоблашни билишини аниқлаш учун назорат иши таклиф этилган (8-илова). Назорат иши натижалари гуруҳдаги кўпчилик ўкувчиларнинг ва алоҳида ҳар бир ўқувчининг “суст (заиф) томонлари” ни аниқлашга ёрдам беради. Натижаларга қараб ўқитувчи ўзлаштирилиши қийин бўлган масалаларни амалий машғулотларда компьютерли тренажёрда функциянинг ҳосиласини олиш ва аниқмас содда геометрик фигуralарни машқлари ёрдамида билимлардаги бўшлиқларни тўлдиради [16]. Шундай қилиб, компьютер

технологиялари ёрдамида ўқув материалларининг даражасини ўз вақтида ташхис қилиш ва ўқув жараёнини тўғри ташкил қилиш имконияти бошқариш тизимининг эгилувчанлигини оширади. Аудитория машғулотлари тизими ўқитувчига ўқувчининг ҳатти-ҳаракатини назорат қилиш, уларни шарҳлаш, компьютер технологиялари ёрдамида назоратнинг асосий усулларини кўрсатиш ва ўз-ўзини ҳамда ўзаро назорат учун шароит яратишга имкон беради. Албатта, ўқувчига машғулотлардан ташқари компьютерда ишлаш имконини бериш зарур. У ўқитишидан ташқари вақтда тест синовларидан ўтиши ва натижаларига қараб ўз ўқув-билиш фаолиятини тўғирлаши мумкин. Бу ерда, нафақат битта бўлим бўйича назорат назарда тутилади, балки билим сифатини нафақат репродуктив, балки продуктив ўқув фаолияти соҳасидаги мос билим, кўнкима ва малакаларнинг эгалланишини жорий тезкор назорат қилиш ҳам назарда тутилган.

Таклиф этилаётган методикада ўқитишининг асосий шакли - бу амалий машғулотлар ва талбаларнинг уйида шахсий компьютерида ёки компьютер синфида бажарган мустақил ишидир. Табиийки, геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитишида фақат амалий машғулотлар билан чегараланиш мумкин эмас ва бу керакли натижаларни бермайди. Компьютер синфида ўтказиладиган вақт ўқувчи учун унумли сарфланиши керак. Мисоллар ечиш билан боғлиқ назарий ва алгоритмик муаммоларни узоқ вақт компьютер синфида муҳокама қилиш, компьютерли муҳитда ишлашга ажратилган вақтни самарасиз сарфлаш ҳисобланади. Шунинг учун, умумий характердаги саволлар, зарур назарий маълумотлар, дастурлар тузиш, математик пакетлардаги дифференциал ва интегралларни ҳисоблаш учун асосий буйруқлар иложи борича маъруза ва амалий машғулотларда кўриб чиқилиши керак. Таклиф этилаётган методикада ўқувчилар томонидан мустақил бажариладиган индивидуал, ижодий топшириклар жуда муҳимдир.

Энди ишлаб чиқилаётган методикада ўқитишининг ҳар бир асосий шаклларини амалга ошириш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Маъруза (лотинча *lectio* - ўқиши) – нафақат илфор, балки тарихий нуқтаи назардан биринчи ўқитиши шаклидир. Унинг бошланиши қадимги Шарқда, Греция ва Римда аниқланган. Нашриёт ишларининг ривожланиши ва ўқув адабиётларининг тарқалиши билан уни маърузачи бевосита адабиётлардан олинган маълумотлар манбаи сифатида қараган - деб маъruzанинг қиймати гумон қилинган. Лекин, ҳозирги вақтда маъруза ўқишининг асосий, ташкилий шаклларидан бири ҳисобланади. Унда ўқувчиларнинг фан билан илк танишуви бошланади, таълим олувчиларни фан асосларига киритади, илмий билимларга асос солинади.

Кириш характердаги маърузаларда, ўқитувчи ўқувчиларни курснинг мақсади ва вазифалари, унинг ўқув предметлари тизимидағи ва бўлажак касбий фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти билан таништиради. Маърузачи таклиф этилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларга қисқа характеристика беради, ушбу курсни ўқитишда ўтказиладиган ўқув машғулотларининг бошқа турлари ҳақида гапириб беради. Ўқувчилар ўқитувчи талаблари ва билимларнинг назорат графиги билан танишадилар. Бундай маърузалар ўқувчига ўз ўқув-билиш фаолиятида мўлжални олишга ёрдам беради.

Маърузалар ўқувчини қаралаётган ўқув материалларига тўғри ёндашишга қаратилган бўлади. Ўтказилган сўровлар натижаси маърузаларнинг барча масалаларининг: ўқувчиларнинг билишга қизиқишиларини шакллантириш, уларнинг мустақил ишлашига туртки бериш, кучларини керакли томонга йўналтириши зарурлигини кўрсатади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг яхши маърузаси – маърузачининг аудитория билан ижодий мулоқоти ҳисобланади. Бундай мулоқотнинг самараси ўқувчиларнинг қаралаётган мавзуга мос материалларни ўқиб ўрганиши жиҳатидан ва эмоционал жиҳатдан янча юқори бўлади. Маърузада факат унга хос бўлган, тингловчига кучли ва тақрорланмас таъсири этувчи сифатлар мавжуд. Бундан ташқари, маърузалар умумий қўринишидаги билимларга эга бўлиш, ўқув материалларида тўғри йўналишга эга бўлишнинг иқтисодлашган усули эканлигини таъкидлаш лозим [26].

Юртимиз ва хорижий тадқиқотчилар томонидан ўтказилган сўровлардан, ўқувчилар маърузадан нималар кутишаётгани маълум бўлди. Бунга кўра уларнинг фикрича яхши маъруза - материалнинг юқори даражада тайёрланган, аниқ ва мантиқий режалаштирилган, тингловчилар учун қизиқ ва тушунарли бўлган, уларни мустақил фикрлашга йўналтирувчи шарҳи ҳисобланади.

Шу билан бирга, маъруза ўқитиш шакли сифатида қатор камчиликларга ҳам эга. Унда ўз вақтида тескари алоқанинг йўқлиги ўқув-педагогик фаолиятни амалга ошириш назоратини ва уни тўғрилаш учун кам самара беради. У билимларни ўзлаштириш психологияси қонуниятларига кўра, эслаб қолиш даражасида ўқитишга мўлжалланмаган. Ўзлаштириш характеристи, ўқувчиларга у ёки бу ўқитиш шакллари асосида рухсат этилган фаолият турига боғлиқ бўлганлиги сабабли, ўзлаштириш маърузада юқори даражада бўла олмайди. Биз Л.В. Шкеринанинг маъруза мақсадлар жиҳатини йўналишни таъминлашга йўналтирилиши керак, чунки бундай ҳолда семестр давомида маърузада мустаҳкам регламенти зарурияти йўқолади - деган фикрига қўшиламиз.

Ташкилий шакл сифатида маъruzанинг яна бир камчилиги унда ахборот жараёнининг сустлиги ва бир хил кўринишлилигидир (бир жинслигидир), яъни математик билимларнинг бир даражада қабул қилишга қаратилганлигидир. Маъруза материалини қабул қилиш турличалиги ва математик фаолиятда аналитик-синтетик амаллари бажарилишининг объектив қийинчиликларига кўра буни амалда бажариш мумкин эмас.

Айримлар маърузани мустақил фикрлашга интилишни тўхтатиб, ўзгаларнинг фикрини танқид қилмасдан, пассив қабул қилишга ўргатади. Коммуникация жараёнининг бир тарафламалилиги сабабли, ўқувчилар деярли савол ҳам беролмайди ёки танқид ҳам қилолмайди. Шундай имкониятлар мавжудлигига қарамай катта аудиторияларда савол-жавоб усули қўлланилмайди – деб айблашади.

Кўрсатилган камчиликларни маъруза фанининг рационал қурилиши ва методикани тўғри танлаш йўли билан бартараф этиш мумкин. Маърузали ўқитишининг қатор муаммоларини компьютер технологияларидан фойдаланиб ҳал қилиш мумкин - деб ҳисоблаймиз.

Математика фанида геометрия фанининг планиметрия бўлиминига тахминан 40 соат ажратилган.

Математикани компьютер технологияларидан фойдаланиб ўқитиши методикасини амалга ошириш учун ўқувчилар биринчи маърузада амалий машғулотларда дуч келиниши мумкин бўлган асосий математик пакетлар ва уларнинг имкониятлари ҳамда муаммолари билан таништирилади. Биз математик пакет сифатида MathCAD ни асос қилиб олингандикан. Шунинг учун, маъруза ўқтилаётган бўлимда унинг хусусиятлари, имкониятлари ва фойдаланиш усувларига тўхталиб ўтиш лозим. Шу билан бирга, маърузада, дифференциал ва интеграл ҳисобда юқори даражадаги дастурлаш тилларидан фойдаланиб ўқитиши ва турли тестли дастурлар имкониятларига тўхталиш зарур.

Таклиф этилаётган методикада компьютерли намойишдан фойдаланиш кўзда тутилган. Аммо, маъруза заллари (аудиториялар) етарлича техник воситалар билан таъминланмаганлиги сабабли ҳозирча нисбатан етарлича фойдаланилгани йўқ. Шу билан бирга, тақдимот дастурлари турларини ажратиш муҳимдир: ўқувчилар билан муҳокама қилинган алгоритмлар бўйича ишлайдиган ва ўқувчиларга ишлаш тамоили маълум бўлмаган дастурлар. Булардан кейинги тури муаммоли вазиятни ҳосил қилишда жуда қўл келади.

Агар, маърузалар умумлашган илмий билимларга асос бўлса, амалий машғулотлар бу билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва касбий фаолиятда кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беришга қаратилган бўлади.

Амалий машғулотлар ўқувчиларнинг илмий фикрлаши ва нутқини ўстиради, уларнинг билимларини текширишга ва мустақиллигини ривожлантиришга имкон яратади. Амалий машғулотлар назария ва амалиётнинг боғланишининг ўзига хос шаклидир. Бу боғланиш қўйидаги фаолият турларида амалга оширилади: компьютер технологияларидан фойдаланиш ҳисобидан ўқув фаолиятини мукаммаллаштириш масалаларини ҳал этиш; компьютерли моделлаштиришни амалга оширувчи тажрибали фаолиятни амалга ошириш; иш натижаларини компьютер технологиялари воситаларида бажарилган ҳисбот, тақдимот, ўқув лойиҳаси кўринишида ҳужжатлаштиришга қаратилган фаолиятни амалга ошириш; тармоқда мультимедиали – иловалар яратиш бўйича фаолиятни амалга ошириш.

Амалий машғулотларнинг тузилиши асосан бир хил – ўқитувчининг кириш тушунтириши, қўшимча тушунтиришларни талаб қилувчи материал бўйича ўқувчилар саволлари, амалий қисм ва ўқитувчининг якуний сўзи кўринишида бўлади. Турлилик асосан реферат, дискуссия, машқлар, масалаларни ечиш, кузатишлар, тажрибалар ва ҳоказолардан иборат амалий қисмда пайдо бўлади. Ўқитувчилар тажрибаси амалий машғулотда факат амалий кўникма, масалаларни ечиш техникаси, графикларни ясаш кўникмасини қайта ишлаш билан чегараланиш мумкин эмаслигини кўрсатади.

Ўқувчилар, шу билан бирга, курснинг илғор ғоясини, ўқитилаётган материал ва уни ўрганиш усулларининг бўлажак касбий фаолият билан боғлиқлигини аниқлаши керак. Бу ўқув фаолиятига хаётый характер бағишлайди, бўлажак касбий фаолият тажрибасини эгаллаш зарурлигини тасдиқлайди.

А.Г. Мардковичнинг ўқитишнинг касбий-педагогик йўналтирилганлик концепцияси тамойилларига кўра ўқувчиларига нафакат масалани ечишни ўргатиш, балки бошқаларни шунга ўқитиш техникасига эга бўлишга, мактабда “Интеграл ҳисоб” мавзусини ўқитишда масалаларнинг аҳамияти ва ўрнини тушунишга ёрдам бериш керак. Ўқитишнинг касбий – педагогик йўналтирилиш концепциясида бўлажак ўқитувчининг математика ўқитишда масалаларнинг бешта вазифаси ажратилади: ўргатувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи, назорат қилувчи ва услубий. Охирги вазифаси педагогика умумий ўрта таълим мактабларида муҳим аҳамиятга эга. Одатда у қуйидагилардан иборат бўлади: масала ечиш жараёнининг тўрт босқичини ажратиш (шартни англаш, масала ечиш режасини тузиш, ечиш ва ечимни таҳлил қилиш) битта масаланинг турли ечилиш усулларини методик таққослаш; ўқитувчининг масаланинг илмий ва методик аҳамиятига шарҳи; амалий машғулотда қаралган машқлар тизимиға методик шарҳи.

Ишлаб чиқилаётган методикада ҳар хил турдаги функцияларни дифференциаллаш ва интеграллаш усулларини қайта ишлаш ҳамда дифференциал ва интегралларнинг турли тадбиқлари билан таништиришга мүлжалланган амалий машғулотларда мақсадга эришиш учун компьютер технологияларидан фойдаланилади. Биз ўз тадқиқотимиз мазмунида “Аниқмас интеграллар” ва “Хосмас интеграллар” мавзулари бўйича амалий машғулотлар кўпроқ оддий аудиторияларда ўтказилиши, “Аниқ интеграл ва унинг тадбиқи”, “Каррали ва эгри чизиқли интеграллар” мавзулари бўйича амалий машғулотларнинг аксарияти компьютерли синфларда ўтказилиши мақсадга мувофиқ - деб ҳисоблаймиз.

Мустақил ишларни ўтказишнинг хусусияти, кичик гурухлар деб номланувчи гурухларда, ҳамкорликда иш олиб боришдан иборат. Ишни ташкил этишининг бундай шакли ўқув фаолиятининг юқори самарали шакли ҳисобланади. Ўқитувчидан ўқув жараёнини моҳирона бошқариш талаб этилади: бу машғулотлар ўқувчиларни, кейинчалиқ, мустақил ишлашга ўйналтириши, уларнинг фикрлаш фаолиятини ошириши, амалий иш усуллари билан қуроллантириши керак.

Бу анъанавий усул компьютер технологияларидан фойдаланиш шароитида бир қанча шакл алмаштиради. Компьютер технологияларининг ҳолати мустаҳкамланиши билан боғлиқ ҳолда, мустақил ишларнинг аҳамияти ва тутган ўрни ошиб бормоқда, чунки компьютер технологиялари тажриба ўтказиш, математик моделларни тузиш, экспериментларни олиб боришга қулай имконият яратади. Мустақил ишларни 12-15 нафар кишига мүлжалланган компьютер синфларида ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчи ҳар бир амалий машғулотни ўтказиш режасининг мазмуни ва ташкил этилишини яхшилаб ўйлаб кўришлари зарур. Дастур буйруқларини ёзишда йўл қўйилиши мумкин бўлган синтаксис ва мантикий хатоликларни олдиндан кўриши лозим, акс ҳолда ўқитувчи эътибори дастур “бажарилмаётган” ёки математик пакет талаб этилаётган амалларни бажаришни хоҳламаган ўқувчиларга ажратилиши мумкин.

Мустақил ишларнинг мазмуни бевосита турли ўқув экспериментлар, намойишли тажрибалар, индивидуал уйга вазифалар, масалалар ечимларига боғлиkdir. Масалалар дифференциал ва интеграл ҳисоб бўйича индивидуал топшириқлар тўпламидан берилади. Геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитишда қуйидаги мавзуларда мустақил ишларни бажариш кўзда тутилган:

- 1) Параметрик тенгламалар билан берилган эгри чизик билан чегараланган фигура юзи. Юзани қутб координаталарда ҳисоблаш;
- 2) Айланма жисм ҳажми ва сирт юзини ҳисоблаш;

3) Умумий ўрта таълим математика фанида “Геометрик фигуранлар ва унинг ҳаётий аҳамияти” мавзусини ўқитишида компьютер технологияларидан фойдаланиш;

4) Эгри чизиқли геометрик тадбиқи.

“Эгри чизиқ тушунчаси” деб номланган 1-ишида ξ нуқталарни ва $[a,b]$ кесмани кесмаларга ажратиш усулини танлаш, ҳақиқатдан ҳам ихтиёрий эканлигини кўрсатувчи қатор тажрибалар ўтказилади. Бу иш фронтал бажарилади: ҳамма учун битта умумий амаллар кетма-кетлиги олиб борилади. Шундан сўнг ҳар бир ўқувчи мавзуга оид индивидуал топшириқлар олади ва уларнинг бажарилишини компьютерда амалга оширади. Ушбу лаборатория иши маъруза материалини давом эттиради ва интегралли йиғиндиларни тузиш ξ нуқталарни танлашга боғлиқ бўлмаслик шартини кўрсатишга йўналтирилган. Бу ўз навбатида ушбу шарт ўқувчиларга янада ойдинроқ ва тушунарли бўлишига хизмат қиласди.

“Эгри чизиқ” деб номланган 2-ишида ўқувчилар томонидан тақрибий ҳисоблашнинг тўртала усулининг (трапециялар, тўғри тўртбурчак, Симпсон, Монте-Карло) ҳар бири ҳақида тайёрланган маъruzалари эшигилади. Гуруҳ олдиндан тўртта қисм гуруҳларга ажратилади ва ҳар бири уйга вазифа сифатида компьютер технологияларидан фойдаланиб, тақрибий қийматини юқорида келтирилган тўртта усууллардан биридан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиши ва амалда қўллаш бўйича топшириқ олади. Берилган усул бўйича тақрибий ҳисоблаш назарияси бўйича қилинган маъruzадан сўнг, ўқувчилар, лаборатория ишининг бажарилган қисмини 15 дақиқа давомида намойиш этадилар. Ушбу ишнинг мақсади ўқувчиларни тақрибий ҳисоблашнинг турли усууллари билан таништиришдан иборатdir.

“Параметрик тенгламалар билан берилган эгри чизиқ билан чегараланган фигура юзи. Юзани кутб координаталарда ҳисоблаш” номдаги 3-ишида ўқитувчи машғулот бошида MathCAD математик пакетининг фигуранларни тасвирлашдаги график имкониятлари, параметрик берилган функциялар ва кутб координаталари билан берилган функциялар билан ишлаш учун маҳсус буйруқлар ҳамда назарий маълумотларни бериб ўтади. Иш фронтал бажарилади, яъни барчага битта, умумий амаллар кетма-кетлиги берилади.

4-“Айланма жисм ҳажми ва сирт юзи” номли ишни бажариш аввалида, ўқувчилар, аниқ интегралнинг геометрик татбиқи билан ишлаш учун назарий машғулотларни тақрорлашлари керак, шундан сўнг битта масала MathCAD тизимидан фойдаланиб ечилади. Шундан сўнг ҳар бир ўқувчи компьютерда топшириқларни бажариш учун мос мавзулардан индивидуал топшириқлар оладилар.

Мустақил ишларда қутб координаталарида ва параметрик кўринишда берилган фигуralарни тасвиirlаш; айланма жисмларни тасвиirlаш масалаларини чукур, мустақил қайта ишлашни талаб этувчи назорат саволлари илова қилинган. Ўқувчилар томонидан аниқ интегралларнинг физик ва геометрик татбиқларини онгли равишда тушуниш жараёни амалга оширилади.

Математикани ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланишни, бу ўз навбатида бўлажак касбий фаолият пропедевтикаси мақсадига эришишга йўналтирилганлигини намойиш этиш, компьютер технологияларидан фойдаланиб геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитиш ҳақидаги замонавий тасаввурларни ривожлантириш мақсадида 5-иш олиб борилади.

“Эгри чизиқни татбиқи” деб номланган 6-ишининг мақсади каррали ва эгри чизиқли интегралларнинг геометрия ва физикада татбиқининг турли имкониятларини кўрсатишдан иборат.

Геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўрганишнинг анъанавий усулида ўқувчиларнинг бажарадиган иши қуйидаги схема бўйича қуриларди: маъруза – маъруза материалларини мустақил қайта ишлаш – амалий машғулот – уйга бериладиган топшириқларни бажариш. Одатда, ишининг бундай ташкил этилишида маърузадаги назарий материаллар ва амалий машғулотларда фойдаланиладиган материаллар орасида узулиш кузатилади. Амалий машғулотларда фойдаланиладиган материал - бу маърузанинг қисқача мазмунидир, яъни формуалалар, теорема шартлари, қоидалар тўплами ва бошқалар. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг назарий материал устида мустақил ишлаши амалий машғулотларда ва уйга бериладиган топшириқларни бажаришдаги ишларидан тубдан фарқ қиласи. Агар, биринчи ҳолда ўқувчилардан ўзлаштирилиши қийин бўлган мавҳум тушунчалардан фойдаланилган мантиқий фикрлашнинг шаклланган кўникмаси талаб этилса, амалий машғулотларда ва уйга берилган топшириқларни бажаришда мустақил иш асосан стандарт ҳолларда (типик масалаларни ечишда) маъруза материалларининг охирги натижаларини қўллашни талаб этади. Шу сабабли ўқувчи, кўпинча, амалий топшириқларни назарий материални чукур ўзлаштирмасдан ҳам бажаришга қодир бўлади. Эгалланган назарий билимларни назорат қилиш, одатда, фақат оралиқ назорат ёки якуний назоратда амалга оширилади, табиийки бу ўқувчининг мустақил ишлаш жараёнини бошқаришни қийинлаштиради.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, сўнгги йилларда олий маълумот потенциали мотивацияси пасайиб бораётганлигини таъкидлашмоқдалар. Кўпинча ўқувчиларнинг ўқишига қизиқиши, эга

бўлаётган касбга қизиқиши пасайиб бораётганлиги намоён бўлмоқда, улар билим сифатига масъулиятни сезмайдилар. Олиб борилган тадқиқотлардан кўринадики, академик гурӯҳларда 7 % дан 20 % гача ўқувчилар паст мотивацион қизиқиши намоён этиши, бу эса ўқишининг етарли даражадаги туртки бўлувчи қучи бўла олмайди, демак, мустақил ишлаш учун ҳам. Атиги 12 % дан 23 % гача ўқувчилар шаклланган мотивлар тизимини кўрсатган, бу самарали ўқув-ўрганиш меҳнатни таъминлайди.

Я.А. Каменский “Биз шундай усулни топишимиз ва очишимиз керакки, унда ўқитувчилар камроқ ўқисин, ўқувчилар кўпроқ ўқисинлар” - деб ёзган эди [77]. Бизнинг фикримизча компьютер технологияларидан билиш воситаси сифатида фойдаланиш ўқитувчининг билимларни узатувчи ролидан четлашиб, билиш-ўрганиш жараёнининг бошқарувчисига айланишига олиб келади.

Маълумки, ўқувчиларнинг мустақил иши нафақат ҳар бир фанни ўзлаштиришга мўлжалланган, балки умуман ўқишида, илмий ишларида ва касбий фаолиятида мустақил ишлаш масъулиятини ўз бўйнига олиш, муаммоларни мустақил ҳал этиш, конструктив ечимни топиш, инқирозли ҳолатлардан чиқиш йўлларини топиш ва бошқа кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

Мустақил ишнинг тўғри ташкил этилишидан психологияк – педагогик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўйидагилар келиб чиқади:

- қаралаётган соҳада ўқувчилар билими чуқурлашади ва кенгаяди;
- ўқувчиларда ўрганиш фаолиятига қизиқиши шакллантиради;
- билиш жараёнининг усулларини ўзлаштиради;
- ўрганиш қобилиятини ривожлантиради.

Мустақил ишнинг қийматини оширувчи омиллар орқали билимларнинг тез эскиришига олиб келувчи ахборот оқимишининг йириклишиши ҳамда фанлар дифференциацияси ва интеграцияси мавжуд. Психологиядан маълумки, ўзлаштирилиши лозим бўлган ҳар қандай ҳажмдаги билимлар ўқувчиларнинг мустақил ўрганиш фаолиятисиз амалга ошмайди. Шунинг учун, олий ўқув юртида, ўқитишнинг ушбу шакли аввал қараб чиқилганларга қараганда юқори даражада ташкил этилган шакл ҳисобланади.

Мустақил иш катта амалий потенциалдан ташқари муҳим тарбиявий функцияга ҳам эга: мустақилликни нафақат билим ва кўникмалар тўплами сифатида, балки характер хусусияти сифатида ҳам шакллантиради, бу эса етук мутахассиснинг асосий сифатларидан биридир. Дж. Маклиш, Г.Г. Хамов, Й.Г. Елинк, Л.К. Богута, А.Ю. Самойловой ва бошқа олимларнинг умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш нафақат ўқувчиларга танланган касбни эгаллаш учун билим узатишга қаратилган, балки у авваламбор

мустақил ишлаш, танқидий ва ижодий ўйлаш қобилиятини, доим ўз мустақил таълим олиш қобилиятини шакллантиришга мажбурдир, - деган фикрига қўшиламиз.

Ишлаб чиқарилган методикада мустақил иш мос топшириқлар, зарур услугбий кўрсатмалар, иш режалари, дарсликлар ва қўлланмалар, шу билан бирга компьютер ва мос ахборот технологиялари ёрдамида ташкил этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда мустақил таълимни ўқув жараёнининг асосий шаклларидан бири сифатида тушунтириш керак.

Н.Д. Никандров ўқувчиларни мустақил таълимга алоҳида эътибор қаратишга чақиради ва маълум маънода мустақил ишлашга йўналтиради, лекин ўқувчиларнинг мустақил ишларини олий таълим муассасаси фаолиятининг ўз олдига ўқитиш шаклининг самарадорлигини оширишни мақсад қилиб қўйган элементлари орқали тузиш тўғрироқ бўлади. Булар: умумий ўрта таълим мактаблари томонидан чоп этилган ва курсни танлаш ҳамда вақтни режалаштиришни енгиллаштирувчи катологлар, мустақил ишлашга заруриятнинг пайдо бўлишига имкон яратувчи ўқувчиларнинг фанлараро машғулотларини киритиш, олий мактабга мос асосланган ҳолатни яратиш ва бошқалар [79].

Ишлаб чиқилган методикада мустақил ишга муҳим ўринлардан бири ажратилади. У оддий уйга бериладиган ва индивидуал ижодий топшириқлардан иборат. Амалий машғулотларда ўқувчилар ўқитувчилар томонидан компьютер ёрдамида уйга берилган топшириқларда олинган натижаларни текширишга таклиф этилади, индивидуал ижодий топшириқларнинг барчаси эса бевосита компьютер технологияларидан фойдаланишга боғлик.

А.М. Матюшкиннинг [72] экспериментал тадқиқотларига ва умумий ўрта таълим мактаблари иш тажрибасига суюнган ҳолда индивидуал ижодий топшириқлар устида мустақил ишлашда, ўқувчилар, 2-3 кишилик груптарда иш олиб бориша, натижа янада самаравалироқ бўлади. Бу ўз навбатида ўқувчилар орасида ўрганиш жараёни натижалари билан бевосита алмашишга имкон беради ва уларнинг ўқув жараёнига фаол қатнашишига қулай шароит яратади. Иккинчи ва учинчи ўқувчилар бу ҳолда нафақат ўзаро назорат иштирокчилари сифатида, балки ўзаро ижодий, коммуникатив, ижтимоий-маданий ва интеллектуал, ҳар бир ўқувчининг билиш фаолиятининг самарадорлигини сезиларли даражада оширишни таъминловчи фаолият омили сифатида қатнашади. Чунки, ўқувчилар мустақил ишлашади, ўқитувчи улар билан индивидуал муроқотда бўлиш имкониятига эга бўлади. Назорат назарий қисм ва албатта, компьютерда бажарилган қисми ва ёзма ҳисботи орқали ўқувчилар билан бевосита муроқотда амалга оширилади. Мустақил

ишлиарни ахборот технологияларидан фойдаланиб бажариш намунаси 1-иловада келтирилган.

Ўқитиши воситалари. Бугунги кунда жамиятнинг ахборотлаштирилиши мутахассисларга ўз фаолиятида алгоритмлар ва дастур пакетларидан иборат бутун жамоа тажрибасини ижодий кўллашга имкон берувчи ахборот технологияларидағи билимларини кенг кўламда кўллашни назарда тутади.

Ўқувчиларга геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитишининг ишлаб чиқилган методикасида ўқитиши воситаларига муҳим ўрин ажратилган. Бўлажак ўқитувчиларга Математикани ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланиш тамойилларига кўра умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўқитишининг мазмуни, шакли ва усуллари тўғриланди. Бунга кўра ўқитишидаги асосий эътибор ўқитишининг компьютерли воситаларига қаратилган, лекин бунда дарслер, ўқув-методик кўлланмалар, ўқув кўлланмалари, методик кўрсатмалар ва бошқалар ҳам ўз ўринларини йўқотмайди.

Ҳозирги вақтда умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув нашрётлари тизимининг аниқ намунавий модели тасдиқланган, у ўқув жараёнида ўрни ва аҳамиятини аниқловчи функционал хусусияти бўйича дифференциалланган нашрнинг тўртта гуруҳидан иборат [9]:

- дастурий-методик (ўқув режа ва ўқув дастурлар);
- ўқув-услубий (методик кўрсатмалар, ўқув фанини ўқтиши методикаси, курсни ўрганиш, курс иши ва малакавий битирув ишлиарни бажариш методикаси бўйича материаллардан иборат кўрсатмалар);
- ўргатувчи (дарслер, ўқув кўлланмалар, маъзуза матнлари, конспектлар);
- қўшимча (практикумлар, машқ ва масалалар тўпламлари, ўқиш учун китоблар ва бошқалар);
- назорат қилувчи (тест ўтказувчи дастурлар, маълумотлар омбори).

Умумий ўрта таълим мактаблари учун дарслер ва ўқув кўлланмаларга кўйилган талаблар ДТС да етарлича тўлиқ таърифланган ва таҳлил қилинган.

Компьютерли ўқув воситаларини батафсил кўриб чиқамиз. Компьютерли ўқув воситалари синфланишига бир нечта ёндашувлар мавжуд. Г.В. Кирилов компьютерли ўқув воситаларини техник ва дастурли компьютерли ўқув воситалари гуруҳларига ажратади ва дастурли воситаларнинг асосий турларини санаб ўтади, улар функционал йўналтирилганлиги бўйича ажратилган [72]:

- намойишли дастурли компьютерли воситалар - ўқув материалнинг кўргазмали тасаввурини таъминловчи воситалар;

- имитацион дастурли компьютерли воситалар (тизимлар) – асосий тизимий ёки функционал характеристикалари ўрганилувчи аниқ ҳақиқат аспектидир;
- моделлаштирувчи дастурли компьютерли воситалар – объект, ҳодиса, жараён ёки ҳолат моделларидан ва модел яратишга ўқитиш учун воситалардан фойдаланишни назарда тутган воситалар;
- назорат (ўз-ўзини назорат) учун дастурлар – ўқув материални ўзлаштириш даражасини аниқлашга йўналтирилган;
- коммуникация воситаларида ахборот алмашиш, эълонлар тахтаси, телекоммуникация;
- турмуш ва бўш вақтни ташкил этиш воситалари – уй кутубхонаси, маълумотлар тўплами, ўйинлар, кўнгил очишлар;
- ўқув-ўйинли дастурли воситалар – ўқув холатларни “ўйнаш” учун мўлжалланган (масалан, оптимал ечимни қабул қилиш ёки ҳаракатнинг оптимал стратегиясини ишлаб чиқиши мақсадида);
- ҳисоб дастурлари – ҳисоблаш масалаларини кенг доирасига йўналтирилган универсал электрон жадваллар ёки аниқ масалаларга йўналтирилган касбий пакетлар;
- маълумотларни излаш воситалари – маълумотлар базаси ва банклари;
- таҳрирловчи ва матнли, графики, аудио ва бошқа ахборотларни тайёрлаш, шакл алмаштириш ва қайта ишлаш воситалари;
- дастурларни ишлаб чиқиши воситалари – замонавий интерфейсни таъминловчи дастурлаш тиллари ва уларнинг қобиқлари;
- тизим дастурлари – компьютернинг иш қобилиятини таъминловчи ва ташки қурилмаларга хизмат кўрсатиш.

Ушбу ишда компьютерли ўқув воситалари билиш воситаларига нисбатан классификациясини қараймиз. Уларга умумий ишлашга белгиланган компьютер воситалари киради, улар бирор табиий-илмий курсларни ўрганишда фойдаланиш мақсадида яратилмаган, аммо уларни ўқитишда билиш воситаси сифатида қўллаш мумкин (масалан, Pascal, HTML дастурлаш тиллардаги дастурлаш тизимлари, символли ҳисоблашлар тизими ва бошқалар). Ўқитиш воситаларига ўқув-услубий мажмуалар, ўқувчиларни бирор курснинг аниқ мавзусини ўқитиш учун маҳсус яратилган компьютерли ўқув дастурлари киради.

Компьютерли билиш воситаларини учта гурухга ажратиш мумкин, булар билиш воситалари сифатида фойдаланиладиган дастурлаш тиллари; математик пакетлар ҳамда матнли ва графики материални қайта ишлаш воситалари.

1. Геометрия фанининг планиметрия бўлимини ўрганиш жараёнида билиш воситалари сифатида қўлланиладиган юқори даражадаги тилларда дастурлаш тизимлар. Бу гурухга қуйидагилар киради:

- юқори даражадаги алгоритмик дастурлаш тиллари (QBasic, Pascal, C ва бошқалар);
- мантикий дастурлаш тиллари (Logo, Prolog ва бошқалар);
- символли ҳисоблаш тизимиға асосланган дастурлаш тиллари (символли ҳисоблашлар тизими ичида дастур ёзишга мўлжалланган MathCAD ва бошқа тиллар).

2. Символли ҳисоблашлар тизимлари (Maple, MathCAD, Mathematica, Derive, Reduce ва бошқалар). Ишлаб чиқилган методикада MathCAD символли ҳисоблашлар тизими афзал қўрилади. Тизим асосий математик функцияларни ўз ичига олган ядро, шу билан бирга математиканинг турли билимларида унинг имкониятларини кенгайтирувчи кўп сонли кутубхоналардан иборат. Бу математик пакет замонавий компьютерларга мослашган бўлиб, 16 Мб оператив хотирави компьютерларда ишлатилади ва хотирада кам жой талаб қиласди. Бундан ташқари, у дўстона интерфейсга эга, яъни бошқа тизимларга қараганда соддароқ ва тушунарлироқ бўлган буйруқлар тизимиға эга. Бундан ташқари унда графикили ва анимацион воситалар қулайроқ амалга оширилган. Уларнинг афзалликларидан бири жисмларнинг фазодаги графикли тасвири билан ишлаш имкониятидир, бу тасвири сичқонча ёрдамида айлантириш мумкин. Бу обьект ҳақида батафсил тасаввурни беради. Maple турли хил компьютерлар ва турли операцион тизимлар ёки қобиқлар учун ишлаб чиқилади. Maple математик система, ҳисобли, символли, графикли ҳисоблашларнинг кучли воситаси бўлиб ва ривожланган дастурлаш тилига эга бўлиб, турли жараёнларни моделлаштириш ва таълимда бошловчи фойдаланувчи ҳам профессионал учун ҳам қўлланиши осон.

3. Матнли ва графикли материални қайта ишлаш тизимлари:

- матн муҳаррирлари (Word, WordPad ва бошқалар);
- электрон жадваллар (Excel, Lotus 1,2,3 ва бошқалар);
- маълумотлар омбори (Access, FoxPro ва бошқалар);
- график муҳаррирлар (Corel Draw, Paint ва бошқалар);
- тақдимот яратувчилар (Power Point ва бошқалар).

Компьютерли ўқитии воситалари. Умумий ўрта таълим мактабларида Математика фанини ўқитиш учун ўқув-компьютерли дастурларни яратишга уринишлар кам бўлган. Бизга Математика фани бўйича охирги ишланмалардан Ю.В. Башкатова томонидан комплекс ўзгарувчи функциялар фани бўйича яратилган ўқув-компьютерли дастур ҳақида маълум.

Интернетда (масалан, таълимий математик сайтида – www.exponenta.ru да) Математиканинг айрим мавзулари бўйича ахборот технологияларидан фойдаланиб ишланадиган турли компьютерли дастурлар, лаборатория ишлари, қатор практикумларни топиш мумкин, лекин Математиканинг бирор мавзуси бўйича тугалланган ўқув-методик мажмуа мавжуд эмас.

Шу билан бирга, бозор турли компьютерли ўқитиши воситалари билан аста-секин тўлиб бормоқда ва ўқитувчи уларни танлашда юқори даражадаги ахборот маданиятига ва педагогик маҳоратга эга бўлиши керак. Анъанавий ўқитиши механик кўчирувчи воситалар ишлаб чиқариш, ўзлаштириш ва фойдаланиш нуқтаи назардан қийинчиллик туғдирмайди, шу сабабли кўпинча уларни педагоглар деб аташади. Лекин уларнинг мақсадга мувофиқлиги аниқмас. Ўқитишининг ахборот-компьютерли тизими универсал ва очиқ бўлиши керак, унинг ёрдамида ўқитувчи ўзи ўқувчиларда компьютер билан ишлашга мусбат психологик установкани шакллантирувчи ва ўқув жараёнининг самарадорлигини оширувчи компьютер техника фаоллаштирувчи элемент сифатида кирувчи ўқув-методик мажмуани шакллантириш ва ўзгартириш имкониятига эга бўлиши керак.

Иш муаллифи томонидан асосий эътибор билиш жараёнини енгиллаштиришга қаратилган, яъни юқори даражадаги дастурлаш тилларида дастурлаш тизимлари (Basic, Pascal ҳамда математик пакетлар Maple, MathCAD ва бошқалар); символли ҳисоблаш тизимлари (Maple, MathCAD ва бошқалар); матнли ва графикли ахборотларни қайта ишлаш тизимлари (Word, Power Point, Excel ва бошқалар) каби компьютерли воситалардан фойдаланилган.

Математика фани ўқитища ахборот технологияларидан фойдаланишнинг асосий шакллари ишчи дастур асосида ўрганиб чиқилган (2-жадвал).

2-жадвал

**9 – синф геометрия фанидан тақвим-мавзу режалаштириш
(хафтасига 2 соатдан, жами 68 соат)**

Дарслар тартиби	Бўлим ва мавзулар	Соат	Дарс ўтиш санаси	Уйга вазифа
	I чорак	18		
1-4-дарслар	1 Такрорлаш.	4		
	2 Ўхшаш геометрик шакллар .	17		
5-дарс	Кўпбурчакларнинг ўхшашлиги.	1		

6-дарс	Ўхшаш учбурчаклар ва уларнинг хоссалари.	1		
7-8-дарслар	Учбурчакларнинг ўхшашлик аломатлари.	2		
9 дарс	Масалалар ечиш	1		
10 дарс	1-назорат иши.	1		
11 дарс	Масалалар ечиш	1		
12-дарс	Тўғри бурчакли учбурчакларнинг ўхшашлик аломатлари.	1		
13-14-дарслар	Ўхшашлик аломатларининг исботлашга доир масалаларга тадбиқлари.	2		
15 дарс	Ўхшаш кўпбурчакларнинг хоссалари.	1		
16 дарс	Масалалар ечиш	1		
17 дарс	2-назорат иши.	1		
18 дарс	Масалалар ечиш	1		
	II чорак	14		
19-дарс	Геометрик шаклларнинг ўхшашлиги.	1		
20-дарс	Гомотетия ва ўхшашлик.	1		
21-дарс	Масалалар ечиш	1		
	3 Учбурчак томонлари ва бурчаклари орасидаги муносабатлар.	18		
22-дарс	Ўткир бурчакнинг синуси, косинуси, тангенси ва котангенси.	1		
23-дарс	Баъзи бурчакларнинг синуси, косинуси, тангенси ва котангенсини ҳисоблаш.	1		
24-дарс	0° дан 180° гача бўлган бурчакнинг синуси, косинуси, тангенси ва	1		

	котангенси.			
25-26-дарслар	Асосий тригонометрик айниятлар.	2		
27-дарс	Масалалар ечиш.	1		
28-дарс	3-назорат иши.	1		
29-дарс	Масалалар ечиш.	1		
30-дарс	Учбурчак юзини икки томони ва улар орасидаги бурчак синуси ёрдамида ҳисоблаш.	1		
31-дарс	Синуслар теоремаси.	1		
32-дарс	Косинуслар теоремаси.	1		
	III чорак	20		
33-дарс	Векторларнинг скаляр кўпайтмаси.	1		
34-дарс	Икки вектор орасидаги бурчак ва уни ҳисоблаш.	1		
35-36-дарслар	Учбурчакларни ечиш.	2		
37-дарс	Масалалар ечиш.	1		
38-дарс	4-назорат иши.	1		
39-дарс	Масалалар ечиш.	1		
	4. Айлана узунлиги ва доира юзи.	12		
40-дарс	Айланага ташқи ва ички чизилган кўпбурчаклар.	1		
41-дарс	Мунтазам кўпбурчаклар.	1		
42-дарс	Мунтазам кўпбурчакка ташқи ва ички чизилган айланалар.	1		
43-дарс	Мунтазам кўпбурчакнинг томони билан ташқи ва ички чизилган айланалар радиуслари орасидаги боғланиш.	1		
44 дарс	Масалалар ечиш	1		

45 дарс	5-назорат иши.	1		
46-дарс	Айлана узунлиги.	1		
47-дарс	Айлана ёйи узунлиги.	1		
48-дарс	Бурчакнинг радиан ўлчови.	1		
49-дарс	Доира ва доира бўлакларининг юзи.	1		
50-дарс	Масалалар ечиш.	1		
51-дарс	6-назорат иши.	1		
	5 Учбурчак ва айланадаги метрик муносабатлар.	7		
52 дарс	Пропорционал кесмалар ва уларнинг хоссалари.	1		
	IV чорак	16		
53-дарс	Тўғри бурчакли учбурчакдаги пропорционал кесмалар.	1		
54-дарс	Берилган иккита кесмаларга ўрта пропорционал кесмани ясаш.	1		
55-дарс	Айланадаги пропорционал кесмалар.	1		
56-дарс	Масалалар ечиш.	1		
57-дарс	7-назорат иши.	1		
58-дарс	Масалалар ечиш.	1		
	6 Такрорлаш. Масалалар ечиш.	10		
59-60-дарслар	Ўхшаш геометрик шакллар .	2		
61-62-дарслар	Учбурчак томонлари ва бурчаклари орасидаги муносабатлар.	2		
63-дарс	Айлана узунлиги ва доира юзи.	1		
64-65-дарслар	Учбурчак ва айланадаги метрик муносабатлар.	2		
66-дарс	Масалалар ечиш.	1		
67-дарс	8-назорат иши.	1		
68-дарс	Якуний дарс.	1		

2.3.§. Математика фани бўйича ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган индивидуал ижодий машқлар мажмуаси

Ёш авлодни кучли, билимли, интеллектуал салоҳиятли, қолаверса, ватанпарвар, халқпарвар этиб тарбиялаш учун таълим-тарбияга янгича ёндашиш, уни сингдиришда ва амалга оширишда янгича услугуб ва мазмун, шакл ҳамда воситалардан, яъни манбалардан фойдаланиш тақозо этилади. Бунинг учун эскича ишлаш билан янги вазифаларни амалга ошириб бўлмаслигини биз педагоглар чуқур англамофимиз керак.

Маълумки, XXI аср - ахборот-коммуникацион технологиялари асидир. Бугунги кунда ахборот технологияларидан фойдаланиш, ахборотларни қабул қилиш ва узатиш, қайта ишлари, ахборот манбаалар имкониятларини чуқур ўрганиб олиш шарт ва муҳимдир.

Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш таълим тизимини такомиллаштиришда янги ахборот-коммуникация ва Интернет технологияларидан унумли фойдаланиш - бугунги куннинг асосий талабига айланди.

Хозирда биз янги яратилган ва энди яратилаётган технологияларидан инновацион салоҳиятларидан таълимда кенг фойдаланишни жорий этишимиз зарур.

Биз янги технологиялардан тайёр ечимлар кутиб ўтирмасдан, балки ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда бу технологияларнинг ривожланишига ўз ижобий таъсирилизни ўтказишимиз керак.

Таълимда ахборот-коммуникация технологиялардан унумли ва тизимли фойдаланилса, таълим муассасалари учун яратилаётган янги авлод ўқув дарслклари, кўлланма ва воситалар имкониятларидан фойдаланишни мунтазам жорий этиш амалга оширилса, табиийки, таълим сифат ва самарадорлиги ортишига эришилади.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитининг юқори ҳаракатчанлиги боис ҳар бир инсон ҳаёти давомида нафақат иш жойи, балки мутахассислиги ва касбини ҳам тез-тез ўзгартириб туришга тўғри келади, яъни мутахассис касбий мобилизациялашган бўлиши керак. Ишлаб чиқариш технологияларининг ривожланиши ишчиларга қўйилган малакавий талабларнинг тубдан ўзгаришига олиб келади. Касбий билимлар ва кўникмалардан ташқари касбий аҳамиятли сифатлар талаб этилмоқда, улардан бири – мустақилликдир. Хозирги вақтда ишчилар кенг касбий-малакавий профилга эга бўлишлари керак [1]. Маълумки, бу ғоялар юқори компетентлик, мобиллик ва маҳоратли каби сифатларга эга ижтимоий ва

касбий фаол шахсни тарбиялашга йўналтирилган таълимнинг ривожланишига муҳим таъсир этади.

Маълумки, бугунги кунда мутахассисларнинг технологик тайёргарлигидан ташқари шахснинг мустақиллик, муҳим қарор қабул қилиш қобилияти, ҳар қандай ишга ижодий ёндашиш, доим ўқиши билиш, коммуникабеллик, ҳамкорлик қила олиш, ижтимоий ва касбий жавобгарлик каби сифатларнинг шаклланиши таълим ривожланишининг муҳим факторидир. Ушбу сифатларнинг шаклланишига таълимнинг ҳар бир пафонасида шахсга йўналтирилган таълимнинг киритилиши имкон яратади, бундай таълим бўлажак мутахассисни тарбиялашда инсонпарварлик мақсадларни етарлича қониқтиради. Шахснинг касби тақозо қилган сифатлари бир умрга таълимни таъминлайди. Шахсга йўналтирилган таълимнинг ривожланиши инсонга касбий маҳоратини оширишга ва кейинги ижодий ўсишига қўмаклашади. Шундай қилиб, таълим олдига қўйилган масала нафақат инсонга тўлақонли фуқаро бўлиш учун кенг миқёсда билим беришдан иборат, балки унда атрофдаги оламни ижодий англаш учун зарур бўлган эркин фикрлашни ривожлантиришдир. Ҳозир замонавий давлатда маданият ва хўжаликнинг ривожланишида фаннинг улкан муҳим аҳамиятга эга эканлиги умумтан олинган. Шунинг учун ёш олимларни юқорида келтирилган сифатлар билан тарбиялаш ва таълим бериш катта мустақил масаладир.

Илмий иш инсон фаолиятининг фақат ижодий истеъдодга эга бўлган кимсалар билан муваффақиятли ривожланиши мумкин бўлган соҳага киради. Барчага маълумки, санъат, адабиёт, мусиқа соҳасида ижодий қобилиятга эга бўлган кам сонли инсонлар муваффақиятли ишлай олади. Айнан шу нарса илмий ишга ҳам тегишли, бу ерда ҳам фақат ижодий қобилиятли инсонлар муваффақиятли ишлай олади. Шундай қилиб, илмий ишнинг самарали ривожланиши учун санъатда каби ижодий қобилиятли инсонлар танловини таъминлаш зарур. Бу ерда бундай танловни амалга ошириш санъатдагидан кўра қийинроқ кечади, чунки санъатда ҳаётўзи танлайди, чунки ёзувчининг ёмон ёзилган асарини ҳеч ким ўқимайди, бастакорнинг ёмон басталаган куйини ҳеч ким эшитмайди ва баҳо бериш санъатда алоҳида ташкилий қийинчиликларга боғлиқ эмас. Аммо, фан соҳасида инсоннинг ижодий ютуқларини баҳолаш анчагина қийин кечади, гарчан у ҳам жамоа томонидан бажарилади, бу жамоа ушбу соҳада нуфузли олимлардан иборатдир. Илмий ходимларни уларнинг ижодий қобилияларига кўра танлаш илмий ишнинг энг қийин ташкилий муаммоларидан бири.

Фаннинг ҳар қандай соҳасида илмий ишнинг муваффақияти фақат ижодий истеъдодли инсонлар орқали таъминланиши мумкин, бундай


инсонлар кам. Инсониятнинг бундай заҳираси чекланган экан ундан тўлиқ фойдаланиш имконини яратувчи шароитларни яратиш лозим. Бунинг учун биринчидан истеъодли инсонларни илмий ишга жалб этувчи шароитларни яратиш; иккинчидан уларнинг ижодий қобилиятлари характеристига кўра танловни ташкил этиш; учинчидан истеъодли ёшларни тарбиялаш учун табиатдан берилган қобилият тўла ривожланиши учун маҳсус шароитлар яратиш. Бу масала бизда қуйидагича ечилади: ўрта мактабни битиргач бундай ижодий қобилиятли ўқувчилар академик лицейларга йўналтирилади. Аммо бу масаланинг тўлиқ ечими эмас, чунки академик лицейларнинг профессор-ўқитувчилари ёшларни ижодий тарбиялашга мувофиқлашмаган. Шунинг учун академик лицейларда ёшларнинг ижодий тарбиясига таъсир этиш фақат ташқаридан ташкил этилиши мумкин. Ҳозирча энг яхши усуллардан бири – академик лицей ўқувчилари учун фан олимпиадаларини ташкил этиш. Математика ва физика бўйича масалаларни ечиш, асбобларни ясаш, астрономик кузатувлар бўйича беллашувлар ва ўқувчиларнинг кўпроқ сонини қамраб олувчи, илмий-техникавий ижодга қизиқишини намоён этишнинг бошқа шакллари бўлиши мумкин. Бундай олимпиадалар нафақат қобилиятли, ижодий истеъодли ёшларни аниқлашга имкон яратади, балки ўқувчиларга ёшлиқдан илмий муаммоларни ижодий ечишга қизиқиш ва муҳаббат уйғотади. Бундай олимпиадалар бизда ривожланган ва юқори даражада ўтказилади. Илмий муаммоларга ижодий қизиқишининг ривожланишига университетлар ва умумий ўрта таълим мактаблари қошида ташкил этилган тўгарак ва семинарлар ҳам яхши таъсир этади. Бу тўгаракларни ёш олимлар олиб борадилар, шу тарзда, ўқувчи илмий ижод жараёни билан танишади. Яхши маълумки, самарали илмий иш учун нафақат билим ва тушунча талаб этилади, балки асосийси мустақил аналитик ва ижодий фикрлаш, бу сифатларни тарбиялаш, аниқлаш ва баҳолашнинг самарали воситаларидан бири – ёшларни ўқитишида масала ечиш. Математика, физика, механика каби аниқ фанларни ўрганишида масалаларни ечиш катта аҳамиятга эга. Масалани ечиш нафақат ўқувчига ўз билимларини амалий муаммони ечишида қўллашга имкон яратади, балки ўқитувчи учун масалалар ўқувчи фанни қанчалик чуқур тушинишини текшириш учун энг самарали усуллардан бири. Бундан ташқари, юқорида айтилганидек ёшларни масалалар ечиш ёрдамида ўқитишида мустақил ижодий илмий фикрлашни тарбиялаш ва аниқлаш мумкин. Математика ўспирин ёшдаги болаларда табиий фанлар соҳасида ижодий фикрлашни бошланғич тарбияси учун мос келувчи фандир. Маълумки, ҳамма масала ҳам ўқувчида бундай иқтидорни аниқлаш имконини беравермайди. Шунинг учун бундай масалалар характери ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш керак. Тажрибалар шуни кўрсатадики,

тўпламларда берилган одатдаги масалалар ҳар доим ҳам эркин фикрлашни тарбияловчи характерга эга бўлмайди. Одатда бу масалалар берилган маълумотларни керакли формулаларга қўйиб аниқ жавобга эга бўлишига олиб келинади. Бу ерда ўқувчининг мустақиллиги формулаларни тўғри танлай олишда намоён бўлади. Биз эслатиб ўтган сифатларга муаммоли масалалар эга.

Ўқувчининг ижодий потенциалини оширувчи “муаммоли” математик масалани келтирамиз.

Учлари A, B, C нуқталарда бўлган ихтиёрий ABC учбурчак ва A', B' ва C' нуқталар берилган. Вақтнинг бошланғич моментида A', B' ва C' нуқталар мос равища B, C ва A нуқталар билан устма-уст тушади. Вақтнинг охирги моментида A', B' ва C' нуқталар мос равища учбурчакнинг BC , CA ва AB томонлари бўйлаб вақт бўйича ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиб, C, A ва B нуқталар билан устма-уст тушади. AA' , BB' , CC' кесмаларнинг бир-бири билан кесишиш нуқталари тўпламини аниқланг ва график кўринишда тасвирланг ва шу билан бирга ушбу тўпламнинг ташқи қисми билан чегараланган фигура юзини топинг.

Берилган масала ечимининг қадамларини келтирамиз. Дастреб масала шартини схематик тасвирлаймиз.




2-расм.

Айрим шартли номларни келтирамиз:

- асосий учбурчак – масала шартида берилган учбурчак (ΔABC);
- ҳаракатланувчи нуқталар - A', B' ва C' нуқталар;
- ҳаракатланувчи кесмалар - AA' , BB' , CC' кесмалар;
- кесишиш эгри чизиқлари – ҳаракатланувчи кесмаларнинг ўзаро кесишиш нуқталари тўплами ёрдамида ҳосил бўлган эгри чизиқлар.

Дастреб берилган масаланинг хусусий ҳолини ечамиз, бу ерда асосий учбурчак ΔABC ни teng томонли учбурчак деб фараз қиласиз. Фаразга мос чизмадан фойдаланамиз.



3-расм.

Бу холда, тенг томонларга мос бўлиб, A', B' ва C' нуқталар вақтнинг тенг кесимларида тенг кесмаларни ўтади, деб таъкидлашимиз мумкин. Шундай қилиб, $AA' = BB' = CC'$ кесмалар тенглиги ва $AC' = BA' = CB'$ нуқталарнинг ҳаракатланиш вақтининг ихтиёрий моментида бажарилади. Бундан ташқари ACC' , BAA' ва CBB' учбуручаклар тенглигидан ABD , BCF ва CAE учбуручакларнинг асосига ёпишган бурчаклар йиғиндиси ҳар доим 60° га тенг (асосий учбуручакнинг мос томонлари асос бўлган ҳолда). Бундан $\angle ADB$, $\angle BFC$ ва $\angle CEA$ вақтнинг ҳар онида 120° га тенг деган хулоса чиқариш мумкин.

Ҳосил бўладиган эгри чизиклар график кўриниши тушинарли бўлиши ва кўргазмалилик учун ҳисоблаш машиналарининг техник имкониятларини қўллаш мумкин. Масалани кесишиш нуқталари координаталарини топишга келтирамиз. Берилган нуқталар координаталари маълум: $A(a, a)$, $B(b, b)$, $C(c, c)$, $A'(a', a')$, $B'(b', b')$, $C'(c', c')$. A', B' ва C' нуқталар мос равища CB , AC ва BA кесмалар бўйича ўзгармас тезлик билан ҳаракатланади. Бу нуқталар координаталарини топиш учун асосий учбуручакнинг уларга мос кесмаларини n -та тенг қисмларга ажратамиз. Бу холда қўйидаги формулаларга эга бўламиз:

$$\begin{aligned} a'x &= cx + k \frac{bx - cx}{n} \\ a'y &= cy + k \frac{by - cy}{n} \\ b'x &= ax + k \frac{cx - ax}{n} \\ b'y &= ay + k \frac{cy - ay}{n} \\ c'x &= bx + k \frac{ax - bx}{n} \\ c'y &= by + k \frac{ay - by}{n} \end{aligned}$$

бунда k - ҳаракатланувчи нүқталар итерацияси тартиб рақами ва $n \geq 1, k \in [0; n]$.

Итерация жараёнида кесишиш нүқталари координаталарини топиш учун айрим формулаларни келтириб чиқарамиз. Ҳаракатланувчи нүқталар ётган тўғри чизиклар тенгламаларини аниқлаймиз.

AA' кесма учун

$$\frac{\mathbf{x} - a\mathbf{x}}{a'x - ax} = \frac{\mathbf{y} - a\mathbf{y}}{a'y - ay}.$$

Бундан

$$\mathbf{y} = \frac{a'y - ay}{a'x - ax} \mathbf{x} + ay - \frac{ax(a'y - ay)}{a'x - ax}.$$

Белгилаш киритамиз:

$$\begin{aligned}\mathbf{a}_1 &= \frac{a'y - ay}{a'x - ax}; \\ \mathbf{b}_1 &= ay - \frac{ax(a'y - ay)}{a'x - ax}.\end{aligned}$$

Натижада одатдаги тўғри чизик тенгламасига эга бўламиз:

$$\mathbf{y} = \mathbf{a}_1 \mathbf{x} + \mathbf{b}_1.$$

Қолган ҳаракатланувчи кесмалар BB' ва CC' кесмалар учун шу усул бўйича

$$\mathbf{y} = \mathbf{a}_2 \mathbf{x} + \mathbf{b}_2$$

$$\mathbf{y} = \mathbf{a}_3 \mathbf{x} + \mathbf{b}_3$$

ни топамиз.

AA' ва BB' кесмаларда ётган тўғри чизиклар кесилган нүқталарнинг абциссаларини топамиз:

$$\begin{aligned}\mathbf{a}_1 \mathbf{x} + \mathbf{b}_1 &= \mathbf{a}_2 \mathbf{x} + \mathbf{b}_2 \\ \mathbf{x} &= \frac{\mathbf{b}_2 - \mathbf{b}_1}{\mathbf{a}_1 - \mathbf{a}_2}\end{aligned}$$

бунда $\mathbf{a}_1 - \mathbf{b}_1 \neq \mathbf{0}$ ва $a'x - ax \neq 0$.


Кесишиш нүқталар ординаталарини топиш абциссанинг топилган қийматини AA' ва BB' ҳаракатланувчи кесмалар ётувчи тўғри чизикларнинг бирининг тенгламасига қўйишга келтирилади.

Ўхшаш формулаларни қолган қолган ҳаракатланувчи кесмалар жуфтликлари учун қўллаб барча кесишиш нүқталари координаталарини топамиз, улардан жадвал кўринишида мос эгри чизиклар графикларини ясашда фойдаланиш мумкин.

Дастур C# тилида келтирилган, ушбу мисолда $n = 200$, итерация жараёни эса A' (дастурда A1 шаклида белгиланган) нүқта C нүқтага етмагунча (0,001 хатолик эътиборга олинган ҳолда). Барча нүқталарни

номлашда аниқ сонлардан фойдаланиш керак. Олинган координаталар кетма-кетлиги жадвал кўринишида функцияни графикли тасвирлаш мумкин, бунда ихтиёрий тушинарли визуаллаштириш воситасини қўллаш мумкин.


Ҳосил бўлган кетма-кетликларни визуаллаштириб, ҳаракатланувчи кесмалар кесишиш нуқталари графикига эга бўламиз, у қўйидаги кўринишга эга:



Ушбу фигурани ташкил этувчи эгри чизиқлар айлана ёйларини эслатади, шу билан бирга ушбу эгри чизиқларнинг барча нуқталари асосий учбурчакнинг томонларининг мос учлари билан тенг бурчакларни ҳосил қиласди деган далил, бу эгри чизиқлар айлана ёйлари эканлигини исботлайди. Бу ёйлар кесишиш нуқтаси асосий учбурчак медианалари кесишиш нуқтаси деган яна бир қизиқ далил мавжуд.

Маълумки, ёй ўлчами унга мос марказий бурчак бўлади. Унинг ўлчами, ўз навбатида, унга мос айланага ички чизилган бурчак бирлигидан икки марта кичик. Айланага ички чизилган бурчак ўлчови 120° эканлигини топганимиз учун, унга мос марказий бурчак 60° га teng. Демак, ёйларнинг ҳар бири радиуси асосий учбурчак томонига teng айлананинг $\frac{1}{3}$ қисмига teng (бу эса марказий бурчак томонлари tengлигидан келиб чиқади).

Тенг томонли учбурчак медианаси ҳам баландлик ҳам биссектрисса бўлганлиги учун медианалар кесишган нуқтадан ҳар бир учигача бўлган масофа teng. Бундан учбурчак уни ва медианалар кесишган нуқта орасидаги ёй қисми айланадир ва фигуранинг юзини топиш учун бўялган сегмент юзини топиш етарли (4-расм).



4-расм.

Бунинг учун сегмент юзаси формуласини қўллаймиз:

$$S = \frac{\pi R^2}{360} \alpha - S_{\Delta}$$

бунда, R - асосий учбуручак томони, α - BO ёйни ўз ичига олган марказий бурчакнинг радиусли ўлчови, S_{Δ} - учлари айланга маркази ва B ва C нуқталарда жойлашган учбуручак юзи.

Бизнинг ҳолда

$$\alpha = 30, S_{\Delta} = \frac{R^2}{2} \sin 30$$


формулага қўйиб ва соддалаштириб, қуйидагига эга бўламиз:

$$S = \frac{\pi R^2}{360} 30 - \frac{R^2}{2} \sin 30 = \frac{\pi R^2}{12} - \frac{R^2}{4} = \frac{R^2}{12(\pi - 3)}.$$

Бундан фигура юзаси

$$S = 6S = \frac{R^2}{2(\pi - 3)}.$$


Шундай қилиб, биз масаланинг соддалаштирилган варианти, яъни тенг томонли учбуручак ҳолатида фигура юзини топдик. Ихтиёрий учбуручакка келсак – нуқталар координаталарини топиш жараёни юқоридагига ўхшашибўлади, дастур ҳам шунга ўхшашиб, факат асосий учбуручак учун бошқа координаталар бериш етарли. Ихтиёрий учбуручаклар учун ушбу дастурни қўллашда ҳосил бўлган айрим эгри чизиқлар мисолини келтирамиз (5-расм).



5-расм.

Шу билан бирга нүкталар ҳаракати энди ўзгармас тезлик билан эмас, балки асосий учбурчак мос томонларига пропорционал тезликлар билан амалга оширилишини айтиб ўтиш жуда муҳимдир, чунки ҳар бир томон тенг қисмларга ажратилади.

Албатта, ихтиёрий учбурчак учун ҳосил бўлган эгри чизиқлар энди айлана хоссаларига эгна бўлмайди ва бу ўз ўрнида юзани ҳисоблашда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бу эгри чизиқлар эллипс ёйларини эслатади. Ҳақиқтдан ҳам, бу факат гипотеза эканлигига қарамасдан тасвирнинг ташқи қиёфаси, айрим шакл алмаштиришлардан сўнг бизни унинг ҳақиқат эканлигига ишонтиради (6-расм):



6-расм.

6-расмда ихтиёрий олинган учбурчак тасвирланган, унинг учун олинган нуқталар тўпламига параллел қўчиришни қўллаб унга ўхшаш учбурчак ҳосил бўлгунча ясадик, бу учбурчак томонлари ўрталари берилган учбурчакка teng учбурчакни ҳосил қиласди. Унда кесишиш нуқталари билан ҳосил қилинган эгри чизиқлар, балки битта эллипснинг ясовчи ёйлари эканлигини аниқ кўриш мумкин. Агар бу шундай бўлса, у холда бу эллипс берилган учбурчакка ташқи чизилган ва унга ўхшаш учбурчакка ички чизилган, аммо унинг юзасидан икки марта катта. Ташқи учбурчак томонлари ўрталаридан ҳосил бўлган учбурчак медианалари кесишган нуқта чизмадан кўриниб турибдики, эллипс ўқлари кесишиш нуқтаси.

Ушбу гипотезани исботлагач, ундан асосий масалани ечишда фойдаланиш мумкин.

Бундай масалаларнинг ўзига ҳослиги улар аниқ тугалланган жавобга эга эмаслигида, яъни муаммолилигида, чунки ўқувчи ўз имкониятлари ва қобилиятига қараб қўйилган масалани ўрганишда чукурлашиши мумкин. Ўқувчининг жавоблари унинг илмий фикрлашининг қобилияти ва ҳарактерини баҳолашга имкон беради, бу ўз ўрнида аспирантурага танлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу турдаги масалаларни ечиш ўқувчига илмий фикрлашда машқ қилишга ва илмий муаммоларга муҳаббатни уйғотади. Бундан ташқари, бундай масалаларнинг кўпчилигида физик бирликлар ва параметрларнинг сон қийматлари берилмаган ва уларни танлаш ўқувчининг ўзига қолдирилади.

Анри Пуанкаре ўзиниг “Математик ижод” (“Математическое творчество”) психологик этюд (кичикроқ илмий асар) ида кашфиётларидан бирига қандай қилиб эришган ҳолатини батафсил ёритиб берган. Олимнинг

фикрига кўра бундан олдин узоқ тайёргарлик иши бўлган, унда онгизлил жараёни катта ўрин олган. Равшан бўлиш босқичидан сўнг иккинчи босқич – исботни тартибга келтириш ва уни текшириш бўйича онгли иш олиб бориш босқичи келиши зарур эди. А. Пуанкаре математик қобилиятларда масала ечимиға олиб келувчи амаллар занжирини мантиқий тузиб олишни билиш муҳим аҳамиятга эга деган холосага келган. Бу ерда кўпларга тушинарли бўлмаган математик ижод ҳақида сўз боради [25]. Аммо, Ж. Адамарнинг ёзишича “алгебра ёки геометрия бўйича масалани ечаётган ўқувчи иши ва ижодий иши орасидаги фарқ фақат даражада, сифатида, чунки иккала иш ҳам ўхшаш характерда” [36].

Андрей Николаевич Колмогоров ўзининг “Математик касби ҳақида” деб номланган, ёшларга бағишлиланган рисоласида маҳсус математик қобилиятнинг 3 гуруҳини келтиради: алгоритмик, геометрик ва мантиқий [36]. У геометрик фикрлаш қобилиятини қуидаги тур масалаларда машқ қилдириш мумкин ва керак: “Кубни унинг марказидан асосий диагоналига перпендикуляр ўтган текислик билан кесганда қандай кўпбурчак ҳосил бўлади?”.

Илмий муаммоларни ҳал этишда олимга ҳар доим ўз тасаввурида ўрганилаётган ҳодисани изоҳлашда хизмат қилувчи физик параметрларнинг бирлиги ва нисбий аҳамиятини яққол тасаввур қилишга тўғри келади. Бу ўрганилаётган ҳодисани тажриба асосида ўрганишда муҳим аҳамиятга эгаларини топишни билишда жуда зарур. Шунинг учун олим-ўқувчиларга физик бирликларни аниқловчи формулаларда символлар улар учун ҳар доим аниқ миқдорли қийматни билиш керак эканлигини ўргатиш керак.

Математикдан фарқли равищда физик учун математик тенгламалардаги параметрлар ҳам, ўзгарувчи бирликлар ҳам аниқ миқдорлар бўлиши керак. Таъкидлаш керакки, мураккаб масалалар ечилаётганда, ўқувчилар нафақат адабиётдан балки консультациялардан ҳам фойдалансин. Олимлар консультацияядан фойдаланишининг адабиётдан фойдаланишини ўрганганидек ўрганишлари зарур. Илмий ишда илмий раҳбарлар ва ҳамкаслар билан маслаҳат ва суҳбатлар ишнинг муваффақияти учун жуда зарур ва бунга ўқитишининг бошиданоқ ўргатиш керак.

ХУЛОСАЛАР

Бугунги кунда умумий ўрта таълим муассасалари зиммасига ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ижодий ёндошган ҳолда муаммолар ечимини мустақил топиш, хулоса чиқариш жараёнларида бевосита иштирок этишга қодир бўлган ўқувчиларни тайёрлаш вазифаси юклатилган. Мазкур вазифалардан келиб чиқсан ҳолда умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларни билимли қилиб тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш ва умумий ўрта таълими самарадорлигини оширишга қаратилган. Тадқиқот вазифасидан келиб чиқсан ҳолда ўтказилган илмий изланишлар асосида қуидагилар аниқланди:

1. Республикализнинг таълим муассасаларида фаолият юритиш учун мустақил ва эркин фикрловчи, замонавий техника ва технологияларни мукаммал тушуна оладиган математика ўқитувчиларга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди.
2. Педагогик адабиётлар ва тадқиқот ишлари таҳлили ўтказилиб “тизим” “тизимли ёндашув” ва “педагогик тизим” тушунчаларига олимлар ва педагогларнинг фикрлари ва таърифлари ўрганилди.
3. Таълим жараёнини тизимли ёндашув асосида ташкил этиш имкониятлари чуқур таҳлил этилди.
4. Математика фани бўйича ўқувчиларга қўйиладиган умумий, психологик талаблар ўрганилиб, уларнинг моҳияти ёритилиб берилди.
6. Таълим жараёнида муаммоли вазият методидан унумли фойдаланиш ўқувчиларни ўқув билиш фаоллигини оширади ва кейинги ўрта –максус таълимида ўқишини давом эттириш натижасида кўникма ва малакаларининг шаклланишига муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.
8. Таълим жараёнида педагогик технологиялар ва фаол методларни қўллаш ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиради, ўз-ўзини бошқариш ва баҳолашга ўргатади.

9. Тадқиқот давомида ўрганилган технологияларга асосан математика фанини ўқитиши жараёнида тизимли ёндашув мазмуни ишлаб чиқилди ва унинг самарадорлиги аниқланди.

10. Ўтказилган тажриба синов натижалари таҳлили шуни кўрсатдик, математика фанини тизимли ёндашув асосида ўқитишида инновацион педагогик технологиялар ва электрон мультимедиали дарсликлардан фойдаланиш натижасида ўрта махсус касб-хунар таълими талабаларини билим, кўникма ва малакаларини самарадорлик кўрсаткичи 1,27-1,29 баробарга ошди.

Бўлажак ўрта махсус касб-хунар таълими талабаларини тайёргарлигини янада такомиллаштиришни амалга ошириш учун қуидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- ўқувчиларни билимли қилиб тайёрлашда таълим дастурлари ва ўқув меъёрий хужжатлари замонавий талаблар асосида такомиллаштирилиб турилиши лозим.
- билимли талабаларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришда ахборот технологияларидан унумли фойдаланишнинг моддий-техник базани мустаҳкамлаш.
- бўлғуси ўрта махсус касб-хунар таълими талабаларини тайёрлаш жараёнига ахборотли ёндашувни ва умумкасбий ва ихтисослик фанларидан электрон мультимедиали дарсликлар яратишни бўйича тадбирлар белгиланиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон. – 2012. – 120 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзузи. – Т.: Ўзбекистон.- 2008.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ. – 1997. – 64 б.
4. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон. – 1995. – 32 б.
5. Абдукадыров А.А. Теория и практика интенсификация подготовки учительей физико-математических дисциплин. – Т.: Фан. – 1991. – 116 с.
6. Алихонов С. Математика ўқитиш методикаси. - Т.: Ўқитувчи. - 1992.
7. Эргашева Г.Б. “Мехнат таълими йўналишида математикани ўқитишни такомиллаштириш хақида”, Республика илмий-амалий конференцияси, Навоий, 2013 й, 148-151 б.
8. Эргашева Г.Б. “Ўқитиша компьтерли математик тизимлардан фойдаланиш муоммолари”, Республика илмий-амалий конференцияси, Гулистон, 2013 й, 213-217.
9. Эргашев Ж.Б. “Ўқувчиларнинг график маданиятини юксалтиришда ахборот коммуникацион технологиялари восита сифатида”, Республика илмий-амалий конференцияси, Қарши, 2014 й, 198-201 б.
10. Антонова С.Г., Тюрина Л.Г. Современная учебная книга. / Антонова С.Г., Тюрина Л.Г. –М.: Знание, 2001. – 178 с.
11. Arıporov M., Begalov B., Begimqulov U., Mamarajabov M. Axborot texnologiyalari. – Т.: Noshir. – 2009. – 368 б.
12. Ашкинузе Е.В. Формирование основных понятий математического анализа в школе с использованием вычислительной техники. Дисс... канд. пед. наук. – М. – 1987. – 173 с.
13. Башкатова Ю.В. Применение НИТ а изучение функций комплексной переменной. Дисс... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург. – 2000. – 157 с.
14. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари // -Т.: Ўқитувчи, 1990. – 232 б.
15. Барышникова З.А. Организация самостоятельной познавательной деятельности студентов – заочников. – М. – 2000. – 196 с.

16. Бердиева О.Б. Геометрия таълимида ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш методикаси: Автореф. дис.... пед. фан. ном. – Т.: ТДПУ, 2007. – 226.
17. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИРПО. – 1995. – 336 с.
18. Беспалько В.П. Образование и обучение с участием компьютеров (педагогика третьего тысячелетия). – М.: Изд-во Московского психолого-социального института, Воронеж: Издательство НПО «МОДЭК», - 2002. – 352 с.
19. Беленкова И.В. Методика использования математических пакетов в профессиональной подготовке студентов вуза. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Екатеринбург. – 2004. – 24 с.
20. Белова О.Е. Методика обучения студентов педагогических вузов – будущих учителей математики интегральному исчислению с использованием информационных технологий. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Красноярск. – 2006. – 23 с.
21. Безбородова Г.А. Использование информационно-коммуникационных технологий в самостоятельной работе со студентами на занятиях по математике // Актуальные вопросы современной педагогики: материалы междунар. заоч. науч. конф. - Уфа: Лето. -2011. - С. 124-127.
22. Бордовский Г.А., Извозчиков В.А. Новые технологии обучения: вопросы терминологии // Педагогика, 2003, № 5. - С. 12-15.
23. Богословский В.И., Извозчиков В.А., Потемкин М.Н. Информационно-образовательное пространство как информационно-образовательный хронотоп // Наука и школа. - 2000. - №5. - С. 41-46.
24. Брановский Ю.С. Введение в педагогическую информатику: Учебное пособие для студентов педвузов. – Ставрополь. - 1995. - 206 с.
25. Вагроменко Я.А., Роберт И.В., Львовский В.Л. Концепция использования новых информационных технологий в организационно-методическом обеспечении учебного заведения. – М.: Просвещение. – 1992. – 43.
26. Васильков Ю.В., Василькова Н.Н. Компьютерные технологии вычислений в математическом моделировании: Учеб. пособие. - М.: Финансы и статистика. - 2002. - 256 с.
27. Гершунский Б.С. Компьютеризация в сфере образования: проблемы и перспективы. – М.: Педагогика. – 1987. – 264 с.
28. Говорухин В.Н., Цибулин В.Г. Компьютер в математическом исследовании. Учебный курс. - СПб.: Питер. - 2001. - 368 с.

29. Гусев В.А. Психолого-педагогических основы обучения математике. – М.: Вербум-М. – 2003. – 432 с.
30. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон. – 1999. – 29 б.
31. Демкин В.П., Можаева Г.В. Классификация образовательных электронных изданий: основные принципы и критерии. Методическое пособие для преподавателей. Электронный ресурс. – Томск, 2003. -138 Кб.
32. Демидович Б.П. Сборник задач и упражнений по математическому анализу. Учеб. пособие для вузов. - М.: ООО «Издательство Астрель» ООО «Издательство АСТ», - 2003. – 558 [2] ст.
33. Джонассен Д.Х. Компьютеры как инструменты познания. ИНФО, 1996.-№4.-с.116-131.
34. Дьяченко С.А. Использование интегрированной символьной системы Mathematica при изучении курса высшей математики в вузе. Дис... канд. пед. наук. – Орёль. – 2000. – 164 с.
35. Дьяконов В.П. Компьютерная математика. Теория и практика. - М.: Нолидж. - 1999. - 1296 с.
36. Ершов А.П. Компьютеризация школы. Математика в школе. - 1989. - №1. - с. 86-90.
37. Жданов С.А. Применение информационных технологий в учебном процессе педагогического института и педагогических исследованиях: Дис... канд. пед. наук. В форме науч. докл. - М. - 1992. - 36 с.
38. Захарова И.Г. Информационные технологии в образовании: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Изд. центр «Академия». - 2003. - 192 с.
39. Ивашев-Мусатов О.С. К 100-летию со дня рождения А.Н. Колмогорова // Математика в школе. - 2003. - №3.-С 2-6.
40. Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г. Интерфаол таълим сифат кафолати. – Т. – 2008. – 147 б.
41. Капустина Т.В. Теория и практика создания и использования в педагогическом вузе новых информационных технологий на основе компьютерной системе Mathematica. Автореф. дисс.... канд. пед. наук. – М. – 2001. – 25 с.
42. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного образования. – М.: Высшая школа. –1990. – 117 с.
43. Котляр Л.М., Зайцева Ж.И., Фоменко Л.Б. Организация самостоятельной работы по математике с помощью современных информационных технологий // Педагогические науки. Успехи современного естествознания. – 2004. – № 5. – С. 15-18.

44. Лапчик М.П. Методика преподавания информатике. Учеб. пособие для студентов пед. вузов. – М.: Академия. – 2001. – 624 с.

45.Мухиддинова Н.М. Умумий ўрта таълим гуманитар йўналишларида математика ўқитиши самарадорлигини ошириш: Автореф. дис. ... пед. фан. ном. – Т.: 2011. – 22 б.

46.Пўлатов А.М. Компьютерли имитацион таълимда ўқувчилик мустақил ўқиши фаолиятига инновацион ёндашув. // Узлуксиз таълим илмий-услубий журнали, 2009 й., № 2 – сон, 28-32 бетлар.

47.Фаффаров А. Муаммоли ўқитиши жараёнини ташкил этиш методикаси. // Таълим муаммолари илмий-услубий журнали, 2009 й., № 4 – сон, 81-84 бетлар.

48. Қаршибоев Ҳ.Қ. Ўқувчилик мустақил ишини ташкил қилишда электрон ўқув-таълим ресурсларидан фойдаланиш. // Узлуксиз таълим илмий-услубий журнали, 2009 й., № 2 – сон, 32-36 бетлар.

49.<http://ito.edu.ru/1999/II/1/2122.html>.

50. http://www.ggau.by/downloads/sbornik_wsu_09.pdf.

51. <http://ito.edu.ru/2008/MariyEl/II/II-0-7.html>.

52. http://pravmisl.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=844.

53. <http://www.moluch.ru/conf/ped/archive/18/770/>

54. <http://www.omsk.edu/article/vestnik-omgpu-157.pdf>

55. <http://www.twirpx.com/file/520127/>